

Ўзб. 2
49
15-85

А. Қуронбеков

Ҳофиз ғазалиётинда
маънолар силсиласи

Тошкент 1994

935.2
49
R-85

Ўзбек филологияси
факултеди
ЎҚУВ ЗАЛ

А.Куронбеков

Ҳофиз ғазалиётида маънолар
силсиласи

§

Ўзбек филологияси
факултеди
ЎҚУВ ЗАЛ

Тошкент - 1994

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ "ФАН" НАШРИЁТИ

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
3042
TOSKENTO'LTU
AXBOROT-RESURS MARKAZI

tasvirlash xizmati
TASVIR

Ҳофиз ғазалиётида сўзларнинг маънолар силсиласи, ғазал мулкининг беназир султонининг ҳаётлиги давридаёқ унинг замондошлари учун яширин сирлар оламига айланган. Шунинг учун Ҳофиз ижодига nisбатан "лисон - ул ғайб" ("ғайб тили") дея ўз ҳайратли муносабатини билдиришган.

Қўлингиздаги бу тадқиқот илк бор Ҳофиз ғазалиётидаги маънолар силсиласини тилшунослик йўриғини адабиётшунослик йўриғи билан бирга қўшиб талқин қилишга бағишланган.

Китоб тилшунос, луғатшунос олимларга, олий ўқув талабалар ва мударрисларига ҳамда форс - тожик мумтоз адабиётининг барча мухлисларига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: Филология фанлари доктори
М.С. Имомназаров

Илмий-маърифий нашр

К 4603020300 - з - 1050 рез. 94 © "ЭЛСАНО" илмий-маданий
М355(04) - 94 ахборот фирмаси, 1994 й.

ISBN 5-648-02262-X

Муҳаррир муқаддимаси

Хожа Ҳофиз Шерозий шеърятини Исломи минтақа маданияти учунгина эмас, бутун дунё маънавияти учун ҳам ҳақ таоло насиб этган мўъжизадир. Бекорга бу ажиб бадият оламини "лисон-ул ғайб" деб баҳолашмаган. Аҳмаджон Қуронбеков шундай бир турфа шеърят тилининг таҳлилига киришишга журъат этибдирки, бунинг юки ҳам, масъулияти ҳам анча жиддий эканлиги шубҳадан холи.

Қўлингиздаги китоб танланган мавзу йўналишида ўзбек тилида бажарилган биринчи яхлит тадқиқот. Унинг ютуқлари ҳам, баъзи мавжуд камчиликлари ҳам шу билан боғлиқ. Иш илҳом билан, астойдил риёзат чекиб, нафасни бўлмайд ёзилган. Шу сабабли муҳаррир сифатида баъзи жузъий тузатишлар билан чекланиб, матннинг услубий яхлитлигини сақлаб қолишни мақбул топдик. Ўзимизнинг баъзи мулоҳазаларимизни эса ишга умумий муқаддима тарзида қуйида баён қиламиз.

Муаллиф лугати тузиш вазифаси лугатшунослар, ва умуман тилшунослар зиммасида ҳануз юк бўлиб турган ўта мушкул муаммолардан биридир. Айниқса мумтоз шоирларимиз мукамал лугатини кўнгилдагидек қилиб тузиш учун адабиётшуносликнинг ҳассос завқи, тилшуносликнинг қилни қирқ ёрувчи ҳафсаласи, файласуфнинг қамров қудрати ва яна игна билан қудуқ қазиб сув чиқаришга ярайдиган сабр - бардош лозим. Шулар барчаси бир кишида жамланса ва ул кишига ғайбдан камида уч юз йил умр ваъда қилинса, ушбу ишга киришса бўлади.

Афсуски охириги имкон ҳеч кимга аниқ насиб этмагани туфайли ҳанузгача на Алишер Навоийнинг, на Низомийнинг мукамал муаллиф лугати ва ҳатто жомеъ лугати (конкорданс) ҳам тузилган эмас.

70- йилларда Москвада М.-Н. Османов раҳбарлигида тадқиқотчилар гуруҳи Фирдавсий "Шоҳнома"си лугатини тузиш бўйича жиддий иш бошлаган, дoston матнидаги сўзларнинг ҳар бир қўлланиши тўлиқ картотекага

кўчирилган эди. Аммо турли сабаблар билан бу иш ҳануз охирига етмади.

Жаҳон тажрибасида бу соҳада турли босқичда бажарилган бир қатор ишлар маълум бўлиб, улардан энг машҳур ва бизга танишлари "Пушкин тили лугати" (4-жилд) ва "М.Горькийнинг автобиографик қиссалари лугати" (6-жилд)дир.

Улар В.В.Виноградов, Б.Ларин каби ўнлаб тадқиқотчиларнинг биргалашиб бажарган меҳнати туфайли вужудга келган. Ушбу икки лугатни ҳозиргача бизга маълум бўлган энг мукаммал муаллиф лугатларидан деса бўлади. Аммо ҳар иккисининг йўналиши ва назарий ёндошувида маълум фарқлар бор. Пушкин лугатида сўзнинг маъно структурасини кўпроқ умум тил босқичида очишга аҳамият берилган бўлса, М.Горький лугатини тузувчилар адиб ишлатган ҳар бир сўзнинг индивидуал - бадий маъно қирраларигача тугал очиб беришга ҳаракат қилганлар. А.Қуронбеков ўз рисоласида ушбу икки ишнинг ютуқ ва камчиликларига батафсил тўхталмаган, зеро, биринчидан, бу ишда ҳали лугат тузиш принциплари бевосита таҳлил қилинган эмас, иккинчидан, форс мумтоз шеъриятида сўзлар маъно структурасининг шаклланиш усуллари бошқа тилдаги адабиётлар, жумладан, янги давр рус адабиётида урф бўлган қоидалардан муайян даражада фарқ қилади. Шу сабабли. Ўрта аср Ислом минтақаси мумтоз шеърияти буюк намояндаларининг муаллиф лугатларини тузиш аввало бу соҳада мустаҳкам замин яратишни тақозо қилади. Ушбу йўналишда биринчи қадамлар қўйган олим М.-Н.Османов эди. Унинг бу соҳада Унсурий ва Рудакий ижодий мероси бўйича тадқиқотлари, эълон қилган маъруза ва мақолалари маълум. Бевосита М.-Н.Османов раҳбарлигида 1970- йилдан бошлаб ушбу сатрлар муаллифи ҳам Амир Хусрав Деҳлавийнинг "Ширин ва Хусрав" дostonи лексикаси устида иш олиб борди, Москва ва Тошкентда муаллиф лугати тузиш масалалари юзасидан қатор мақолалар эълон қилишга муяссар бўлди.

Афсуски, ўша пайтлар барча ишлар қўлда бажарилгани туфайли жуда кўп вақт ва меҳнат талаб қиларди. Аҳмаджон Қуронбеков илк бор бу соҳа ишларини компьютер воситасида

бажариш мумкинлигини амалан исбот этди ва 1988- йилда Амир Хусрав Деҳлавийнинг " Оинаи Искандарий " дostonи лексик материалларини тадқиқ этиб номзодлик диссертациясини ёқлади. Мана бугун дўстимиз энди беназир Хожа Ҳофиз девонининг итальян олими Даниела Менжини Корреал компьютер воситасида тузган жомеъ луғати (конкорданс) материалларига таяниб шу йўналишда йирик ва асосли янги бир тадқиқотни бизга тақдим этиб турибди.

Ушбу рисоланинг уч боби (2 - 4 боблари) сўзнинг маънолар силсиласидаги уч муҳим жиҳат (аспект)ни очиб беришга қаратилган: биринчиси, ҳар бир алоҳида сўзнинг бевосита воқеликка муносабати (аташ функцияси) даги маъноси, иккинчиси, ҳар бир сўзнинг кичик матн парчаси (жумла) ичидаги бошқа сўзлар билан муносабатида очиладиган маънолар силсиласи, ва ниҳоят учинчиси, ҳар бир сўзнинг яхлит шеър бадий оламидаги маъно товланишлари.

Тадқиқотнинг бундай босқичма-босқич қурилиши Ҳофиз сўзи маъносини англаб етишда соддадан - мураккабга - қулоққа илк чалинганда ҳар бир киши онгида даставвал пайдо бўлувчи илк тасаввурдан то мумтоз шеърят матнидаги чексиз маъно жилоларигача бўлган тадрижий жараёни ўз мантиқий ривожидида очиб беришга имконият яратган. Шу билан бирга филологнянинг икки ажралмас қисми - тилшунослик ва поэтика (бадий адабиёт таҳлили)ни ўзаро узвий боғланишига эришилган. Албатта, рисолада баъзи қиёмига етмаган ўринлар бор, бу йўналишда ҳали қилнадиган ишлар талай. Аммо ушбу тадқиқот келажак улкан ишларнинг дебочаси сифатида ҳам таҳсинга арзигуликдир.

М.Имомназаров

филология фанлари доктори

I - БОБ

**Тил системаси ва бадий матн тили.
Форс классик шеърят тилини ўрганиш
муаммолари. Классик форс шеърят ва
луғатшунослик. Муаллиф хос луғатини
тузиш масаллари.**

Миллий адабий тил ўз товушлар тизими, сўз таркиби, сўз бирикмалари, луғат бойлиги ва шунга ўхшаш бир қатор бошқа жиҳатлари билан ягона системани (systema - юн.бир бутун) ташкил қилади. Аммо ташқи кўринишдаги бу бир бутунлик, яхлитлик яқинроқ олиб қараганда фавқулудда хилмахилликни ўзида жо қилиши намоён бўлади. Тил системасидаги унинг таркибий қисми бўлган биргина луғат бойлигини олиб қарасак, шунинг ўзидаёқ меъёрий адабий тил луғат таркиби бир қатлам меъёрий тил доирасидаги оғзаки нутқ ва ёзма тил луғат таркиби бир-биридан фарқ қилишини, агар фақат оғзаки нутқ луғат таркибини чуқурроқ ўрганила бошланса аҳолининг ҳар бир табақасига мансуб луғат қатлами ўзаро фарқ қилиши маълум бўлади. Ёзма меъёрий тил ҳам, худди мана шу шаклда, ишлатилиш соҳасига қараб турли хил қатламларга бўлиниб кетади.

Меъёрий ёзма тилнинг энг йирик таркибий қатламлари бадий адабиёт тили, илмий адабиёт тили, матбуот тили, расмий ҳужжатлар тили ўзаро фарқли туркумларга ажралиб кетади.

Бадий адабиёт тили ҳам ўз навбатида иккита таркибий қисмга: насрий адабиёт тили ва назмий адабиёт тилига бўлинади. Назмий адабиёт тили ҳам яхлит бир қатламни ташкил қилмай, ўз таркибига кўра турли қатламларга, жумладан: эпик асарлар тили, лирик асарлар тили, масаллар тили, драматик асарлар тили в ҳ.к. қатламларга бўлинади.

Демак, шуни комил ишонч билан қайд қилса бўладики, шеърят тили ҳам тилнинг бошқа қатламлари қатори умум адабий тилнинг таркибий бир қисмидир. Назмий адабиёт ёки шеърят тили ҳам адабий тилнинг қолган барча қатламлари

қатори ўз товушлар тизими, сўз туржумлари, гап тузилиши ва грамматик категориялари жиҳатидан адабий тил меъёрига мувофиқ келади. Тилдаги худди мана шу хусусиятлар адабий тил яхлитлигини таъминлайди ва тилнинг барча қатламлари учун умумийликни ташкил қилади. Меъёрий адабий тил системасидаги бошқа қатламлар билан бадий адабиёт тили орасида бир қатор фарқлар мавжуд. Поляков М.Я. бу фарқни шундай таърифлайди: "Нужно указать на то, что естественный и поэтический язык являются различными системами по роли в них знака. Устно - звуковой язык, письменная речь, литературный язык, при всей общности их связи с универсальной языковой схемой, обладают каждый особой структурой и функциональной системой. Если в практической речи мы имеем прямую связь с референтом (слово - понятие - предмет), то в поэтическом языке функционирование слова осложнено связью с образом (слово - образ - понятие - предмет) (Поляков - 1986, с.164 "Шуни қайд этиш керакки, табиий тил ва шеърият тили ундаги белги (сўз)нинг ролига қараб бошқа - бошқа системалардир. Оғзаки - товуш тили, ёзма нутқ, адабий тил уларнинг универсал тил схемаси билан қанчалар умумий алоқада бўлишига қарамай, ҳар бири ўзига хос тизим ва функционал системага эга. Агар амалий нутқда биз референт билан бевосита алоқага киришсак (сўз - тушунча - нарса) - шеърият тилида сўзнинг функцияси таркибига образ қушилиши (сўз - образ - тушунча - нарса) билан боғланган".

М.Я.Поляков фикрларининг илмий жиҳатдан қанчалик аниқ баён қилинганини бир чеккага қўйиб, фақат бадий адабиёт тилининг ролига бўлган қарашларига эътибор берилса шу нарса аниқ бўладики, умум тил системасидаги бошқа қатламлар билан бадий тил қатламининг бажараётган вазифаси бир-биридан фарқ қилади.

Модомики бажараётган вазифаси бошқа экан, бу фарқ бадий тил системасида қандай жиҳатлари билан ифодаланади. М.Я.Поляков бу фарқни қўйидагича баён қилади: "Поэтический язык предельно индивидуален, ориентирован не на коллектив, а на личность, особность, отдельность (отсюда закон неправильных или неграмматических предложений), даже в рамках традиционных литератур (восточных, средневековых и т.д.). Во-вторых, действительность поэтического языка - это

действительность целостного художественного мира. Поэтому язык не только форма, но и содержание поэтического произведения" (Поляков-86, с.159).

"Шеърят тили ниҳоят даражада индивидуал, жамоага мўлжалланмаган, балки анъанавий адабиётлар (шарқ, ўрта аср адабиёти ва ш.ў.) доирасида ҳам шахсга, хосликка, алоҳидаликка мўлжалланган (шу сабабли уларда ғайридастурий ёки ноқис гаплар мавжуд). Иккинчидан, шеърят тилининг воқелиги - бу яхлит бадий оламнинг воқелигидир. Шу боисдан тил шеърый асарнинг на фақат шакли, балки мазмуни ҳамдир".

Келтирилган бу фикр моҳиятан Ф.де Соссюрнинг тил ва нутқ дихотомияси ҳақидаги машҳур назариясини тўла тасдиқлайди. "Язык не деятельность (fonction) говорящего. Язык - это готовый продукт, пассивно регистрируемый говорящим; он никогда не предполагает преднамеренности и сознательно в нем проводится лишь классифицирующая деятельность. Наоборот, речь есть индивидуальный акт воли и разума, в этом акте надлежит различать: 1. комбинации, в которых говорящий использует код (code) языка с целью выражения своей мысли; 2. психофизический механизм, позволяющий ему объективировать эти комбинации". (Соссюр-77, с.52).

"Тил гапирувчининг фаолияти (fonction) эмас. Тил-бу гапирувчи томонидан пассив қайд этиладиган тайёр маҳсул; унда ҳеч қандай олдиндан ўйлаш эҳтимоли йўқ ва унда онгли равишда фақатгина тасниф қилиш фаолияти амалга оширилади...

Аксинча, нутқ ирода ва ақлнинг индивидуал амалидир; бу амалда шуларни ажратиш жоиз: 1. гапирувчи ўз фикрини ифодалаш мақсадида тил код (code) идан фойдаланадиган комбинациялар; 2. бу комбинацияларни рўёбга чиқаришга имкон берадиган психофизик (руҳий ва жисмоний) механизм".

Мазкур фикрлардаги бир-бирига мос ва ҳамоҳанг жиҳатлар шундаки шеърят тили бу индивидуал амал, ундаги наҳвий бирикмалар ва комбинациялар якка шахс томонидан ижод қилинади ва якка шахсга мўлжалланади; шеърят тили умум тил системасидаги хос система. Бу икки системани ўзаро бир-бири билан узвий боғлаб турадиган тил коди (луғавий бирликлар) нинг хилма-хил комбинацияларидир. Бу комбинациялар пассив қайд этилган тил системаси негизда

вужудга келади, якка шахснинг руҳий қудрати ва иродаси билан индивидуал тус олади ва бир қатор шахслар томонидан қайтарилгач умум тил системасидан жой олади.

Худди шу жараён Ф.де Соссюр таълимотида қуйидагича ўз аксини топган: "Именно в речи источник всех изменений; каждое из них, прежде чем войти в общее употребление, начинает применяться некоторым числом говорящих" (Соссюр-77, с.130).

"Барча ўзгаришларнинг манбаи айнан шу нутқдадир; уларнинг ҳар бири, умумий истеъмолга киришдан аввал бир миқдор гапирувчилар томонидан қўлланила бошлайди".

Шеърият тили, гарчи Ф.де Соссюр айтгандай "индивидуал амал" бўлсада - бу оғзаки нутқ ҳам эмас. Шеърият тилининг оғзаки нутқ билан ўхшаш жойи шундаки, шеърий матндаги нутқ бирликларининг бир қисми, худди оғзаки нутқдагидек, биринчи бор муомалага киритилади, сўнг бошқа ижодкорлар томонидан бир қанча бор ишлатилгач умумтил системасига ўтади. Шеърият тилининг оғзаки нутқдан фарқи шундаки, шеърият тилида ишлатиладиган нутқ бирликлари оғзаки нутқда учрамайди ва ҳатто яқин маънога эга бўлган луғавий бирликлар ҳам оғзаки нутқ ва шеърият тилида баравар ишлатилмайди. Шеърият тилидаги луғавий бирликлар умум тил системасида алоҳида услубий қатламни ташкил қилади.

Шеърият тилидаги услубий фарқ фақатгина луғавий бирликлар таркибидан иборат бўлмай, балки жумлаларнинг ўзича уйғунлигида, маъноларнинг серқирралигида ва бошқа кўплаб шеърий матнга хос хусусиятларда кузатилади.

Маълум бўладиги, шеърият тили бир томондан умум тил системасининг узвий бир қисми, иккинчи томондан ўз функционал тизими ва услубий қатламига кўра умум тил доирасида алоҳида ўзига хос ёпиқ системани ташкил қилади.

Шеърият тилини таҳлиliga киришаётган ҳар бир тадқиқотчи мана шу омилларга эътиборни қаратмоғи керак.

Тадқиқотимиз мавзуси бўлган шеърият тилидаги луғавий бирликларнинг семантик структурасини таҳлил қилишда қайси метод тўғри? Ҳар бир луғавий бирликнинг муайян контекстдаги синтагматик ва парадигматик алоқаларини таҳлил қилиб маъно белгиларини ажратишга мўжалланган тилшунослик методими

ёки адабиётшунослар томонидан қўлланиладиган лугавий бирлик - сўзни фақат бадий восита сифатида ўрганиш методими?

Бу муаммо тилшунослар ва адабиётшунослар орасида ҳанузгача ҳал қилинмаган муаммо бўлиб, Р.Якобсоннинг фикрича уни ҳал қилиш усули шундай:

"Современных лингвистов в первую очередь интересуют семантические аспекты всех уровней языка, и если они пытаются описать, "как сделано стихотворение", то значение этого стихотворения входит в исследование как одна из составляющих целого. Таким образом, литературоведы неправы, считая, что семантическое исследование поэтического высказывания не входит в компетенцию лингвистики. Если стихотворение ставит вопросы, выходящие за пределы его словесной фактуры, мы - наука о языке знает тому немало примеров - попадаем в сферу действия семиотики науки более широкой, чем лингвистика, ведь последняя -это всего навсего одна из основных частей семиотики.(Якобсон -87 с.80-81).

· "Ҳозирги замон тилшуносларини, биринчи навбатда, барча тил босқичларининг семантика соҳаси қизиқтиради ва агар улар "шеърнинг қандай ясалганини" тавсифлашга ҳаракат қилишаётган бўлса, у ҳолда бу шеърнинг маъноси яхлит тадқиқотнинг таркибий бир қисми бўлиб қиради. Шундай қилиб шеъринг матнининг семантик тадқиқоти тилшуносларнинг салоҳият доирасига кирмайди, деб ҳисоблаганларида адабиётшунослар ҳақ эмаслар. Агар шеър ўзининг сўзлар билан ифодаланган маъно доирасидан ташқари масалаларни қўйса, биз - тил ҳақидаги илмга бундай мисоллар кўплаб маълум - тилшуносликдан анча кенгроқ бўлган - семиотика (semeiotike - юнонча белгилар ҳақида таълимот) таъсир доирасига кириб борамиз, ахир тилшунослик бор-йўғи семиотиканинг асосий қисмларидан бирику" (80-81б.).

Шеъринг матидаги тил масалаларини ўрганиш тадқиқот мавзуси учун мўлжалланган мақсадга ва қамровга боғлиқ. Шеъринг тилидан тилшунослар фақат битта масалани, масалан шеъринг матидаги бирон бир сўз туркумини, ёки сўз бирикмаларини, ёки бўлмаса фонетик хусусиятларинигина ўрганиши мумкин. Шунингдек тилшунослик мавзуларидан кенгроқ, чуқурроқ - масалан фалсафий, тарихий, этнографик

терминлар ва уларнинг воқелик билан муносабатлари масалаларини олдига мақсад қилиб қўйиши мумкин.

Адабиётшунослар ҳам адабиётшунослик назарияси билан боғлиқ бўлган ягона бир мавзуни ёки бир нечта мавзуни тадқиқот объекти қилиб танлаши мумкин, шунингдек ундан кенгроқ мавзуларни ҳам қамраб олиши мумкин.

Шуни айтиш керакки, асосий мақсад тилшунослик назариясига мос келадиган мавзуни танлаш эмас, балки барча мавжуд усуллардан фойдаланиб танланган мавзунинг муайян ички қонуниятлари, ўзаро муносабатлар ва боғлиқлик жиҳатларини очиш, шу билан назарий ва амалий қимматга эга бўлган муҳим бир муаммосини имкон даражасида ҳал қилиб беришдир.

Шеърый асарда сўзларнинг семантик структурасини таҳлил қилиш ва маънолар силсиласини тасниф қилиш - бу Р.Якобсон айтганидай тилшунослар ва адабиётшунослар учун муштарак мавзу. Бунинг боиси шундаки, шеърый тил бир томондан умум тил системасининг ажралмас бир таркибий қисми. Иккинчи томондан шеърый тил алоҳида бадий оламнинг ифода воситаси.

Ҳозиргача шеърый тилидаги нутқ бирликларининг семантик структурасини аниқлаш ва табақалаштириш методи лугатшунослик илмида аниқ бир режага тушган эмас. Бунинг асосий сабабларидан бири, назаримизда, мана шу тилшунослар ва адабиётшунослар орасидаги шеърый тилига нисбатан бир томонлама ёндошув бўлса керак.

Шарқ лугатшунослигининг ўрта асрларда тузилган лугатларида ҳар бир лугат бирлигининг бир қанча маъно бирликлари келтирилади ва ҳар бир маъно бирлигига у ёки бу шоирдан бир ёки бир нечта шеърый мисол келтирилади (С.И.Баевский-89).

Бу методнинг энг асосий камчилиги шундаки бир шоирнинг ёки бир даврнинг шеърый асарларида учрайдиган барча сўзликни ўз ичига олмайди ва одатда, келтирилган мисоллар фақат ўша байтнинг ўзигагина тааллуқли бўлиб, бошқа байтдаги учраган худди шу лугат бирлигига маъно жиҳатдан тўғри келмайди.

Бу лугатлар шеърий асар тилига мўлжалланган лугатлар бўлмасдан, умум тил савиясидаги лугатлар бўлиб, фақат ундаги мисоллар шеърий матндан олинган.

Иккинчи тоифадаги лугатлар бу Ўрта асрларда ва ҳозирги даврда тузилаётган якка шоирнинг лугати бўлиб, бу лугатларга мисол сифатида қуйидаги лугатларни келтириш мумкин.

1 - محمد عبد الاحد د علي بدر الشروح شرح ديوان حافظ

دهلى 1321

2 - احمد على رجائى بخارائى نرنگ اشعار حافظ چاپ ششم

-چاپخانه بهن

3 - بهاردين خرمشاهى حافظ نامه شرح الفاظ اعلام مفاهيم كلىدى و ابيات

دشوار حافظ

4 - دکتر حسين محمدراده صديق شرح غزلهلى صايب تبريزى جلد 1-2

تهران - 1370

Бу хилдаги лугатларда шоирнинг сайланма газаллари тўла келтирилиб, ундаги муаллиф назарида қийин туюлган сўзлар, иборалар тарихий шахслар, қуръондан оятлар, ҳадисдан кўчирмалар ва ҳ.к.ларга этимологик, энциклопедик, тарихий, адабий, тасаввуфий шарҳлар берилади. Бу асардаги бир қатор лугавий бирликларни қамраб олса ҳам, лекин барча сўз бойлигини акс эттирмайди. Натижада, лугавий бирликларнинг жуда катта бир қисми эътибордан четда қолади.

Лекин бу "фарҳанглар"нинг асосий камчилиги шугина эмас - буларда семантик структурани таҳлил ва таснифида ягона метод, система йўқ. Кўпинча сўзларнинг этимологиясида интуитив ёндошув кузатилади.

Учинчи тоифа лугатлар ҳозирги даврда Ўзбекистон, Тожикистон ва бошқа бир қатор давлатларда ишлаб чиқилган ва чоп этилган якка бир шоирнинг хос лугати. Бунга мисол қилиб Ўзбекистонда тузиб чиқилган ва чоп этилган 4 - жилдлик Алишер Навоий асарларининг лугати, Тожикистонда С.Нурий томонидан тузилган ва чоп этилган "Фарҳанги Жомий" (Жомий лугати)ни кўрсатиш мумкин. Мавжуд муаллиф лугатларининг

энг мукаммали ва маълум даражада илмий снстемага амал қилинган лугати - А.С.Пушкин асарларига тузилган тўрт жилдлик лугатидир (Словарь языка Пушкина)

Бу лугатларда қўлланган лугат тузиш методи шундай: шоирнинг бир қанча асарлари танлаб олинади, бу асарларда учрайдиган сўзларга картотека тузилади ва картотека асосида сўзлик тузилиб, ҳар бир лугат бирлигининг маънолари талқин қилинади. Гарчи бу метод анъанавий лугатчиликка нисбатан олға қўйилган бир қадам саналиб, бу лугатларда шоир ижодида учрайдиган ҳар бир сўзни қамраб олиб уни талқин қилишга интилиш бўлсада, лекин бу лугатлардаги талқин методини тўла илмий деб бўлмайди. Бу лугатлардаги асосий камчилик бир йўла бир қанча асарнинг лугатини тузишга уриниш; асардаги кўпгина лугат бирликларининг тушиб қолганлиги; лугат бирликларини фақат мавжуд лугатлардан фойдаланиб, шоирнинг индивидуал маъно ихтироларини назардан четда қолишидир.

Форс классик шеърятти асарлари тилидаги лугавий бирликларнинг семантик структурасини жомеъ тарзда ўрганиш ва уни тасниф қилишга киришган шарқшунос олим М.-Н.О.Османов 1970 йили "Частотный словарь Унсури (Унсурийнинг мезон лугати) номи билан китоб чоп этди. Бу китобда муаллиф ўзи тузиб чиққан "мезон лугати" (частотный словарь) ва (жомеъ лугат) конкордансларни, шунингдек символларнинг маъно структураси бўйича ўтказган тадқиқоти натижаларини эълон қилади.

Мазкур ишнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, бу иш шарқ лугатшунослигида шеърят тилининг маънолар силсиласини ўрганиш, лугат бирликларини талқин қилиш илмий методини ишлаб чиқишда қўйилган илк қадам эди.

Шундан сўнг Амир Хусрав Деҳлавийнинг "Ширин ва Хусрав" достонининг мезон лугати ва жомеъ лугати ва лугавий бирликларнинг маънолар силсиласини ўрганиш масалалари (Имомназаров - 73), шу шоирнинг "Ойнайи Искандарий" достонининг мезон лугати ва жомеъ лугати ва асардаги отлар туркумининг маънолар силсиласини тадқиқ қилиш (Куронбеков -88) бўйича бир қатор илмий ишлар вужудга келди. М.-Н.О.Османов билан деярли бир пайтда эрон олими Муҳаммад

Жавод Шариат "فلرو زبان حافظ" (Ҳофиз тилининг ҳудуди) (71 - شریعت) мақоласини эълон қилди. Бу мақолада олим Ҳофиз ижоди бўйича ўзи амалга оширган луғатшунослик тадқиқотлари натижасини баён қилади. У хабар беришича Ҳофиз девони бўйича қуйидаги луғатлар тузиб чиқилган:

1. Ҳофиз "Девони"нинг ғазал байтларидаги сўз ва бирикмаларнинг морфологик ва синтактик таҳлили ;
2. Форс, араб ва туркий луғат бирликларининг сўзлиги;
3. Араб сўзлари, бирикмалари ва байтларининг рўйхати;
4. Атоқли отлар рўйхати;
5. Сўзлар жойлашиш тартиби кўрсатилган гаплар рўйхати;
6. Девонда ишлатилган бирикмалар, иборалар ва истиоралар рўйхати;
7. Барча шеърларда учрайдиган сўзлар рўйхати; (сўзлик)
8. Девондаги лугавий ва дастурий ўзига хосликлар рўйхати;
9. Девонда ишлатилган аруз вазнларининг рўйхати;
10. Ҳофизнинг босилиб чиққан нусхаларидаги ихтилофлар рўйхати;
11. Девонга қўшилиб қолган ғазаллар рўйхати;
12. Ғазалларнинг биринчи ва иккинчи мисраларининг тўла рўйхати.

Бу олим томонидан бажарилган иш чиндан ҳам буюк ва бебаҳо, аммо афсуски китоб бўлиб босилиб чиққан - чиқмаганлиги бизга номаълум. Муаллиф гувоҳлик беришича:

"چاپ این کتاب تا چند ماه دیگر بیلان میرسد و این بنده امیدوار است که با این کار بتواند فارسی زبانان و دوستداران خواجه شیراز را با خود به فلرو زبان حافظ ببرد و با زبان آن شاعر اسانی آشنا کند"

"Бу китобнинг чоп этилиши бир неча ойдан сўнг ниҳоясига етади ва камина умидворменки бу иш воситасида форсийзабонлар ва Шероз Хожасининг бошқа мухлисларини ўзи билан бирга Ҳофиз тили ҳудудига олиб киради ва ул осмоний шоирнинг тили билан таништиради "

Мазкур ишнинг М-Н Османов тузган Унсурийнинг мезон луғатидан энг муҳим фарқи ва асосий каичилиги шундаки,

муаллиф жомеъ лугат (конкорданс) тузмаган. Конкорданс йўқлиги ниҳоятда улкан меҳнатнинг илмий қимматиини пасайтиради.

Лугатшунослиқда компьютердан фойдаланиш лугат тузиш ишида инқилобий натижалар беради. Ўзбекистонда лугат тузишда компьютердан фойдаланиш биринчи марта 1987 йилда муаллиф томонидан амалга оширилди (Куронбеков-87). Айни ўша даврда Италияда Даниела Менжини Кореал томонидан компьютердан фойдаланган ҳолда тузилган Ҳофиз ғазаллари бўйича жомеъ лугат (конкорданс) ва мезон лугати эълон қилинди (Corgeale-88).

Бу лугатда қуйдаги ишлар амалга оширилган:

1. Лотин тилига транслитерация системаси;
2. Шартли белгилар;
3. Лугат структураси;
4. Ғазаллар индекси;
5. Ғазалларнинг транслитерация қилинган тексти;
6. Конкорданс (жомеъ лугат);
7. Сўнги ҳарф бўйича алифболи мезон лугати;
8. Мезон лугати;
9. Морфемалар лугати;
10. Морфемалар мезон лугати;
11. Луғавий бирликлар лугати;
12. Луғавий бирликлар мезон лугати;

Бу лугат ҳозиргача алоҳида бир шоир ижоди бўйича тузилган энг мукаммал жомеъ ва мезон лугати бўлиб, тадқиқотчи бу манбада ҳар бир ишлатилган сўз, унинг морфемалар таркиби, ҳар бир ишлатилган сўз учрайдиган ғазал ва байтларнинг тартиб сони, ҳар бир сўзнинг ишлатилиш миқдори ҳақида маълумот топади. Бу манба шеърдаги луғавий бирликларнинг маънолар силсиласини таҳлил қилишда тадқиқотчига катта имконият яратиб беради.

Шу боисдан мазкур тадқиқот объекти сифатида Ҳофиз Шеъротий ғазалларидаги луғавий бирликларнинг семантик структураси танланди. Ҳофиз ғазалларининг маънолар силсиласи на фақат ҳозирги пайтда, балки ўз замондошлари учун ҳам тубсиз бир уммон бўлган. Шунинг учун ҳам шоирнинг

شعر حافظ هفت پرده روی هم دارد

Ўз замонидаёқ унинг замондошлари (Ҳофиз шеъри етти пардага чўлгонган) деб баҳо беришган. Етти асрдан бери Шарқ ва Ғарбда замонасининг энг илғор тафаккур эгаларининг ўй - хаёлини тугёнга келтириб турган шеъриятнинг таъсир кучи нимада. Бу саволга биринчи навбатда Эрон ва Афғонистоннинг етук адабиётшунос ва тилшунос олимлари жавоб излаб келмоқдалар.

Ҳофиз ғазалларининг маънолар силсиласи устида тадқиқот ишлари олиб бораётган олимлар ҳар бири ўзича талқин қилади. Булардан бир гуруҳи Ҳофиз шеъриятидаги образлар системасини талқин қилишга уринади

1 - شمس الدين اخذ حافظ و جالپرستی

(Ш.Аҳмад, Ҳофиз ва жамолпарастилик).

2 - محمد علی اسلامی ندوشن بوی در نزد حافظ

(Муҳаммад Исломиӣ Надушан: Ҳид Ҳофиз наздида)

3 - حسین بحر العلوم نوشداری حافظ

(Ҳусайн Баҳр-ул улумий: Ҳофизнинг жон доруси)

4 - اسدالله خاوری شراب حافظ

(Асадулла Ховарий: Ҳофизнинг шароби)

5 - منصور رسنگار طبیعت در شعر حافظ

(Мансур Рустгор: Ҳофиз шеърларида табиат).

Бошқалар унинг шеърларидаги фалсафий ва тасаввуф масалаларини тадқиқот мавзуи қилиб танлашади:

1 - پژمان بختیاری عشق در اشعار حافظ

(Пажмон Бахтиёрий: Ҳофиз шеърларида ишқ)

2 - محمد تقی دانش پژوه وحدت وجود و عشق و تجلی

(Муҳаммад Тағи Донешпажух: Ваҳдати вужуд (пантеизм), ишқ ва тажалли)

3 - محمد شفيعی مبارزه حافظ با ربا

(Муҳаммад Шафийӣ: Ҳофизнинг риёкорликка қарши кураши).

4 - جواد مشكور مساله جبر و اختيار در ديوان حافظ

(Жавод Машкур: Ҳофиз девонида жабр ва ихтиёр масаласи).

Яна бир гуруҳ олимлар унинг шеърларидаги лафз ва маъно муносабатларини таҳлил этади:

1 - پرويز نائل خانلوي سه كله در شعر حافظ

(Парвиз Нотел Хонлари: Ҳофиз шеърларидаги уч калима).

2 - جعفر شعار لفظ و معنى در شعر حافظ

(Жаъфар Шиор: Ҳофиз шеърларида лафз ва маъно)

3 - محمد امين رياحي سرچشمه هلی مضامين حافظ

(Муҳаммад Амин Риёҳий: Ҳофиз мавзуларининг манбаи).


Хулоса қилиб айтганда юқорида келтирилган ва шунга ўхшаш барча мақолаларда тадқиқотчининг асосий эътибори Ҳофиз газалиётининг маънолар системасини очиқ беришга қаратилган.

Гўёки бу қилинган ишларга яқун ясаб Хуррамшоҳий шундай ёзади:

كارنامه حافظ شناسي معاصر ايران پر برگ است اما پر بار نيست اگر
كارهلي كرده اندك نيست كارهلي نكرده نيز بسيار است با وجود چند
واژه نامه و فرهنگ اشعار حافظ هنوز مشكل لغت - معنوي شعر حافظ نيز
حل نشده است تا چه رسد به مشكلات معنوي و معنوي و تكرى و فرهنگي

(حافظ نامه - 71 ص 15)

"Ҳозирги замон Эрон ҳофизшунослигининг қилинган ишлари сербарг, аммо сермева эмас. Агар қилинган ишлар кам бўлмасада, қилинмаган ишлар ундан ҳам кўп. Ҳофиз шеърларининг бир қанча сўзлик лугати борлигига қарамай, ҳали ҳам Ҳофиз шеърининг луғавий - маъновий муаммолари ҳал бўлгани йўқ, маъно ва маънавий, фикрий ва маданий муаммоларини айтиб ўтирмаса ҳам бўлади" (Ҳофизнома-92, с.15).



Демак, ўрта аср шеърят тилидаги луғавий бирликларнинг маънолар силсиласини системали ўрганиш ва улар асосида ҳар бир ижодкорнинг алоҳида асарлари лугатини тузиш бугунги куннинг долзарб масаласи.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, шоир ижодини фақат фалсафий - тасаввуфий гоялар билан ёки айрим образларнинг пароканда талқини билангина чегараланса шоир ижодини тўла англаб етиш уёқда турсин, унинг маънолар дунёсини қашшоқлаштириб қўйилган бўлур эрди.

Шунинг учун якка муаллиф ижодининг хос лугатини тузишдан аввал катта тайёргарлик ишларини амалга ошириш лозим бўлади. Бу муаллиф асарида учрайдиган лугат бирликларини тўла инвентаризация қилиш ва ҳар бир учраган сўзнинг қайси контекстда келишини (байт, тўла гап) аниқлаш ва бу луғавий бирликнинг синтагматик ва парадигматик муносабатларини аниқлашни тақозо қилади.

Бу тадқиқот олдига қўйилган мақсад ана шу муаллиф хос лугатини тузиш учун шеърый матнда учрайдиган ҳар бир сўз-луғавий бирликнинг тўла маънолар системасини ажратиш ва уни том ва кўчма маъноларга тасниф қилиш илмий методини ишлаб чиқишга уринишдир.

Зероки ҳозирги пайтда ўрта асрларда ижод этилган шеърятнинг жумладан Ҳофиз газалиётини маънолар структурасини на фақат бошқа тил эгалари, ҳаттоки ўша тил намояндалари ҳам то охиригача тушунмайдилар ва натижада маънавий меросимиздан узилиш, бебаҳралик вужудга келади. Бу англамаслик буюк аждодларимиз ижодига бегоналик, ётлик ҳиссини уйғотади ва энг муҳими аждодларимизнинг бу бебаҳо, маънавий бойлигидан маҳрум этади.

II БОБ

Ҳофиз газалиётида кўп ишлатилган лугавий бирликлар маъносида системали муносабатлар

Тил - бу яхлит система. Бу яхлит системанинг ичидаги барча структура ва элементлар бир-бири билан чамбарчас боғланган. Аммо тил системасидаги барча ўзаро муносабатларни ўзида мужассамлаштирган асосий лугавий бирлик - сўзнинг маъно таркибини аниқлашда кўпинча биргина унинг энг яқинида жойлашган бошқа лугавий бирликка муносабати ҳисобга олинади. Қолган муносабатлар эса интуитив равишда ва кўпинча тадқиқотчининг ўз шахсий тажрибасидан келиб чиқиб белгиланади.

Бу ҳақиқатга В.В.Виноградов тадқиқотларида ҳам ишора қилинади: "Недостатки и ошибки в дифференциации значений слов и их оттенков: в их семантической характеристике во многом зависят от самой техники и методики лексикографической работы. В настоящее время в русской лексикографической практике господствует принцип обособленного рассмотрения лексических единиц; работа ведется от слова к слову " по соседству ". Семантическая обработка отдельных слов происходит изолированно - без учета их отношения и связи с семантически близкими словами и лексическими группами. Принимаемое на веру положение о системном характере словарного состава языка несколько не влияет на направление и характер лексикографической практики. Отсутствие глубоких самостоятельных исследований, посвященных семантической системе современного русского языка в целом и в отдельных ее структурных элементах и компонентах, а также русской синонимике, трагически отражается на работе наших лексикографов. (Виноградов - 1977, с.251) " Сўзнинг маънолари ва унинг жузъий аломатларини табақалашдаги ва унинг маъноларини тавсифлашдаги камчиликлар ва хатолар кўпинча лугатшунослик ишларининг техникаси ва усулларига, боғлиқ. Ҳозирги пайтда рус лугатшунослик амалиётида лугавий бирликларни алоҳида

ажратиб тадқиқ қилиш усули ҳоким: иш "ёнма-ён жойлашган" қўшни сўзларнинг бирдан сўнг бири устида олиб борилади. Алоҳида сўзларнинг маъноларини кўриб чиқиш, уларни бошқалардан ажратган ҳолда, маъно жиҳатдан яқин бошқа сўзлар ва лугат гуруҳлари билан уларнинг ўзаро муносабатларини ва боғлиқликларини ҳисобга олмаган тарзда амалга оширилади.

Лугат таркибининг системали хусусиятга эга эканлиги ҳақидаги тан олинган ҳақиқат лугатшуносликдаги амалий ишларнинг на йўналишига ва на тарзига заррача таъсир кўрсатмайди. Ҳозирги замон рус тилининг маънолар системасини яхлит олиб ўрганишга ёки унинг алоҳида таркибий унсурлари ва қисмларини, жумладан рус мутародиф (синонимика) сўзлари таҳлиliga бағишланган теран мустақил тадқиқотлар йўқлиги бизнинг лугатшунослар ишига фожиаги таъсир кўрсатмоқда" (Виноградов - 1977, 2516.).


Гарчи бу сўзлар рус лугатшунослиги ҳақида айтилган бўлса ҳам эрон лугатшунослигидаги аҳвол ундан заррача фарқ қилмайди. Чунки форс тили бўйича Эронда ва бошқа жойларда олиб борилаётган ишларнинг асосий йўналиши ўтмиш лугатшунослигининг бой меъросини тўплаш, (Муин, Ф.З.Ф., Деҳхудо "Лугатнома", Фарҳанги Амид), тилдаги мавжуд лугавий бирликларни имкон борича кўпроқ қамраб олиш (Нафисий "Фарнудсар ", "Фарҳанги забони тожик") ва уларни шахсий тажрибага ва ақл-заковатга таяниб талқин қилишга йўналтирилган.

Эрон тилшунослигида назарий тадқиқотлар умуман кўп эмас (П.Хонлари, Ҳумоюн Фаррух, Богерий ва ҳ.к.) маъно системасига бағишланган тадқиқотлар кўлами эса ундан ҳам камроқ. Албатта Ҳофизга, бошқа мумтоз адабиёт намояндаларининг (Ҳожу Кермоний, Сойиб Табризий, Саъдий) асарларидаги айрим қийин иборалар, ҳозирги замон тилига ёт сўзларни талқин қилишга бағишланган кичик мақолалар бор, ammo маъно системасининг назарий муаммоларини кенг кўламда қамраб оладиган ва уларнинг чигал масалаларини ҳал қилиб берадиган асосли тадқиқотлар йўқ ҳисобида.

Сўз лугат бирлиги сифатида тилдаги барча структуралар ва унсурларнинг (фонемалар, морфемалар, сўз туркумлари, очик ва тургун иборалар, синтактик бирликлар ва ҳ.к.) марказидан


Ўрин олган ва улар билан шакл, таркиб ва маъно жиҳатдан ҳар томонлама муносабатга киришади. Бундан ташқари сўз - маъно бирлиги сифатида тилдан ташқари системалар - тафаккур ва борлиқ билан узвий муносабатларга киришади. Бу системали муносабатни яхлит ҳандасий шаклда шундай тасвирлаш мумкин.

тафаккур



Учбурчак шаклни тенг бўлақларга бўлиб чиқсак бу учбурчак миқёсида уларнинг ҳар бири ўзаро чамбарчас боғлиқлигини яққол тасаввур қиламиз.

тафаккур



Расмдаги ўзаро шаклий боғлиқлик системаси кузатилганда, уларнинг ҳар бири моҳиятан бир-бирини тўлдириб, бир - бирининг шаклланишига дахлдорлигининг гувоҳи бўлинади.

Агар бу боғлиқликни ҳозирги кибернетика тили билан аниқроқ ифодаламоқчи бўлсак, борлиқдаги барча системали алоқаларни тафаккур моделлаштиради ва бу моделлардан ўзаро бир-бирига узвий боғланган информацияни ҳосил қилади. Борлиқдаги системали алоқалар нечоғлик кўп қиррали ва поёнсиз бўлганидек, тафаккурдаги информация ҳам кўп қиррали ва теран, аммо бу информация борлиқдаги барча имконий алоқа

ва муносабатларни қамраб ололмайдди. Тафаккурдаги информация тилга кўчади, лекин ҳеч қачон уни охиригача акс эттиролмайдди. Тафаккур борлиқдаги барча алоқа ва муносабатларни имкон даражасида моделлаштиришга интилади, лекин бунга тил имкониятлари етмайди, шунинг учун борлиқдаги ҳодиса ва муносабатларни аташга янгидан-янги номлар ихтиро қилинади. Расмдаги шаклларнинг ўзаро муносабатларига чуқурроқ диққат этилса, бу учта системанинг ҳар бирида ўзга икки система билқувва ва билфееъл мавжудлигини ва доимий ўзаро таъсир ўтказишини мажозан тасаввур қилиш мумкин.

Сўз таркибидаги маъно системаси машҳур "Огден-Ричардс учбурчаги"да қуйидагича ифодаланади: (Ogden-1927).



Юқорида зикр этилган қарашдан келиб чиқадиган бўлсак на фақат глобал миқёсдаги системаларда, балки бу система ичидаги ҳар бир таркибий қисми орасида ҳам худди шундай муносабатлар мавжудлигига амин бўламиз.

Шу нуқтан назарга таянган ҳолда, аввал Ҳофиз газалиётидаги луғат структуралари ва бирликлари орасидаги системали муносабатларни тадқиқ қилиш ва шу система асосида табақалаш методикасини ишлаб чиқиш вазифаси туради.

Бу ишни амалга оширишнинг биринчи ва энг муҳим шарти камида Ҳофиз газалиётида қандай сўз бирликлари, қанча марта ва қайси ўринларда ишлатилган деган муаммони ҳал қилиш керак бўлади. Бу шартни амалга ошириш учун Ҳофиз газалиётидаги луғат бирликларнинг тўла қамраб олган

картотека ва унинг асосида мезон лугати (частота лугати) ва конкорданс тузиб чиқишни тақозо қилади.

Бу иш Эронда доктор Муҳаммад Жавод Шариат томонидан (335 م 1354 مقالات) ва Италияда Даниела Менжини Корреал томонидан (The ghazals-1988) амалга оширилган. Бу ишда Италияда тузиб чиқилган манбадан фойдаланилди.

Тадқиқот учун манба қилиб Ҳофиз газалиётида икки марта ва ундан ортиқ учрайдиган лугат birlikлари танланди. Бунинг боиси шундаки, биринчидан, матнда бир марта учрайдиган сўзлар асосан бир маънога эга бўлади. Тўғри шундай сўзлар борки бир марта ишлатилганининг ўзида айна пайтда кўп маъноларни мужассамлаштириши мумкин, лекин бундай сўзлар матнда одатда фақат бир марта эмас, балки кўп марта ишлатилади. Иккинчидан, матнда бир марта учрайдиган ҳамма сўзларнинг маъно таркибини таҳлил қилиб чиқишнинг иложи йўқ, учинчидан, агар бир гуруҳ кўп марта учрайдиган сўзларнинг маъно таркибини таҳлил қилиш методикаси ишлаб чиқилса, ўз-ўзидан қолган сўзларнинг маъно таркибини таҳлил қилишга асос бўлади. Шуларни назарда тутиб бу ишда фақат кўп марта ишлатиладиган сўзлар танланди.


Девонда энг ками 2 марта ва энг кўпи 9952 марта ишлатилган лугат birlikлари 2761 birlikни ташкил қилади. Бу birlikларни лексик-грамматик туркумларга ажратилса энг кўп учрайдиган лугат birlikлари ёрдамчи сўзлар, олмошлар, ёрдамчи феъл, от, феъл, сифат, равиш, сифатдошлар ва сонлардан иборат эканлигининг гувоҳи бўлинади.

Табийки бу лугавий-грамматик туркумларнинг барчасини бирдан қамраб олиб бўлмайди. Юқорида зикр этилган лугавий birlikларнинг энг катта миқдори - 1760 лугавий birlikи от сўз туркумига мансубдир. Шу боисдан таҳлилга улардан бири яъни от сўз туркуми танлаб олинди.

От сўз туркумининг танланиши бежиз эмас. От сўз туркуми, тил системасида марказий ўринда туради ва бошқа сўз туркумлари ундаги ички ва ташқи семантик белгини аниқлаб, тавсифлаб, бир-бирига муносабатини ифодалаб, унинг

таркибидаги ҳаракат ва ҳолат маъно белгиларини ёйиб, ривожлантириб. шарҳлаб келади, Шаклан бу ўзаро боғланишни шундай тасвирлаш мумкин:

Сўз туркумларининг системали муносабатлари



Айтилган фикр далили сифатида девонда беш марта ишлатилган **نفس** (нафс) сўзининг таҳлили келтирилади. Бу сўз учрайдиган ғазал байтлари қуйидагилар:

8/4 **باده در ده چند از اين باد غرور**

خاک بر سر نفس نافر جام را

370/5 **در راه نفس کزو سينه ما بتکده شد**

تير آهي بگشايم و غزلي بکنيم

389/5 **فضول نفس حکايت بس کند سانی**

توکار خود مده از دست و می به ساغر کن

Биринчи байтда *ناترجام نفس* (тўймагур нафс) бирикмасида *نا فرجام* сифат. У *نفس* сўзининг маъно белгиларидан бирини аниқлаб келяпти. Иккинчи байтда *كزىو نفس* бирикмасида *او* олмоши "нафс" сўзини изоҳлаб келяпти; учинчи байтда *فضول نفس* бирикмасида *فضول* сўзининг объекти сифатида унинг семантик структурасида яна бир маъно белгисига ишора келяпти. Тўртинчи байтда *طامع مارا كمر نو تكذاري لى نفس طامع* жумласида *طامع* сифатдоши аниқлаб *مارا* олмоши тўлдириб ва *تكذاري* "нафс"нинг фаолиятини тавсифлаб келяпти; бешинчи байтда *وسوسه نفس* иборасида *نفس* ҳаракат объекти бўлиб келган. Учинчи ва бешинчи байтлардан ташқари байтларда *نفس* сўзи етакчи бўлиб унинг атрофидаги сифат, олмош, феъл унга тобеъ сўз сифатида келяпти. Учинчи, бешинчи байтлардаги ҳаракат номлари замиридаги ҳаракат ҳам объектга қаратилган, яъни бу бирикмаларда ҳам *نفس* сўзи объект сифатида ундан олдин келган сўзлар объектнинг муайян семантик белгисини тавсифлаб келган.

Бу фактлар шундан далолат берадики, от сўз туркуми семантик майдоннинг марказида туради, унинг атрофида жойлашган бошқа, сўз туркумлари унинг замиридаги семантик белгиларни ҳар томонлама аниқлаб, тўлдириб, ривожлантириб тавсиф этади.

Шуни қайд этиш лозимки от ҳар доим ҳам етакчи сўз бўлиб келмайди, баъзан тобе сўз бўлиб ҳам ишлатилади, аммо бу ҳолатда ҳам бошқа сўз туркумларига эмас, фақат отга тобе бўлиб келади.

Модомики, шундай экан тил системасидаги семантик структураларни очиш учун аввал системали семантик

муносабатлар таснифини от сўз туркумидан бошлаш лозим, деган фикр тугилади.

Бундан зинҳор системали муносабатлар фақат от сўз туркумидагина мавжуд экан бошқа сўз туркумлари бу системага тобе эмас экан деган фикр тугилмаслиги керак. Лугат бойлигида мавжуд барча лугат бирликлари системали муносабатларга эга. Бошқа сўз туркумлари отларни турли семантик белгиларини аниқлаб, ривожлантириб, тавсифлаб келганлиги учун от сўз туркумидаги системали муносабатлар бошқа сўз туркумларини ҳам ўз атрофига жамлайди.

Европа лугатшунослигида лугат бойлигидаги системали муносабатларни турлича талқин этиш мавжуд. Ҳозирги пайтда бу талқинлардан энг устуни инглиз олими томонидан тузилиб, кўп марта қайта нашр этилган Роженинг идеографик лугатида акс этгандир. (P.M.Roget. Thesaurus of English Words and Phrases). Бу лугатда тилдаги барча лугат бойлиги асосан олти табақага ажратилади: "мавҳум муносабатлар", "макон", "борлик", "тафаккур", "ирода", "ҳиссиёт". Бу табақалар кейинчалик 24 шахобчага ва булар 1000 мавзуга бўлинади.

Роже бу "Тезаурус" лугатида (thesaurus - маҳзан, ганж) сўзларнинг замиридаги тушунчалардан келиб чиқиб табақалайди. Тушунча ўта кенг маънога эга бўлиб, уни табақалашга асос қилиб олиш ўта кўп қийинчиликлар тугдиради.

Масалан Ҳофиз девонида учрайдиган биргина сўзни : "пир" ёки "шайх" сўзининг замиридаги тушунчани олиб қарайдиган бўлсак бу фикримизга аниқ далил бўлади. "Пир" ёки "шайх" сўзи муридларига нисбатан "саркор", "йўл бошловчи" маъносида, ижтимоий муносабатлар жиҳатидан "диний арбоб" деган маънога ва маънавий ҳаёт нуқтаи назаридан "илоҳиёт" тушунчасига нисбат берилади. Сўзнинг бош маъносини оладиган бўлсак "инсоннинг ёши" тушунчасини беради. Буларни ичидан матнни тўла таҳлил қилиб чиқмай туриб қайси бири асосий тушунча эканлигини ким айта олади ва қайси табақага мансублигини ким аниқлай олади.

Бу тадқиқотда табақалашнинг бундай методидан воз кечилди ва семантик белгиларни структуралаш методидан фойдаланилди. Бу методнинг моҳияти шундаки, матнда лугат бирлигининг таркибидаги қайси семантик белги кўпроқ

ишлатилиши - демакки етакчи мавқега эга бўлишдан қатъий назар, унинг маънолар структурасидаги генетик (бошлангич) маъно белгиси табақалаш учун асос қилиб олинди.

Ундан ташқари бнз Роже асос солган олтита табақа тушунчалар оламини ҳам ишимизда асос қилиб олмадик. Чунки Роже бутун тил системасини табақалаштиришга уринган эди. Мазкур тадқиқотда эса якка муаллифнинг ижод маҳсули ва унинг дунё ҳақида тасавури алоҳида бадий оламини, демакки алоҳида тил системасини ташкил қилади.

Шу мулоҳазалардан келиб чиқиб, мезон лугатида иккидан ортиқ от сўз туркумлари танланиб, уларнинг семантик структурасидаги маъно белгиларидан генетик маъно белгисини асос қилиб олинганда қуйидаги лугат-маъно гуруҳлари вужудга келди.

Жадвал № 1

Инсон

Миқдори	Лугат бирлиги	№	Миқдори	Лугат бирлиги	№	Миқдори	Лугат бирлиги	№
3	ابن	163	9	خىم	82	697	من	1
3	فقيه	164	8	باده فروش	83	480	حافظ	2
3	غزلهخوان	165	8	چاكر	84	206	يار	3
3	حلقه بگوش	166	8	چين	85	181	كس	4
3	حاجب	167	8	اسكندر	86	142	دوست	5
3	حاكم	168	8	فرهاد	87	131	ساقى	6
3	جعبه	169	8	منصور	88	87	پير	7
3	كافر	170	8	مخور	89	87	عاشق	8
3	كاس	171	8	مغچه	90	67	شاه	9
3	لولو	172	8	فارون	91	52	رند	10
3	مپيرست	173	8	رهگذر	92	45	اهل	11
3	ماه رخ	174	8	راهزن	93	45	گدا	12

3	ماه سبا	175	8	عدو	94	43	بنده	13
3	مهان	176	7	دختر	95	42	نگار	14
3	مهندس	177	7	گوشه نشین	96	40	مغ	15
3	مسلمان	178	7	سرید	97	39	مطرب	16
3	مرسی	179	7	صاحب نظر	98	37	زاهد	17
3	استاد	180	7	خیل	99	36	جانان	18
3	پرویش	181	6	دردیکش	100	36	شاهد	19
3	پشینه پوش	182	6	فقیر	101	35	درویش	20
3	قاجی	183	6	فلان	102	35	صوفی	21
3	سهیقد	184	6	غاز	103	35	شا	22
3	صاحب دل	185	6	جانانه	104	33	پادشاه	23
3	شعبده باز	186	6	لیلی	105	31	بت	24
3	شینین	187	6	معاشر	106	31	حریف	25
3	شکرخلی	188	6	ندیم	107	30	دلبر	26
3	شیرین کار	189	6	ناصر	108	30	غریب	27
3	وزیر	190	6	نکته دان	109	29	غلام	28
3	خلوت نشین	191	6	نوح	110	29	رقیب	29
3	خرقه پوش	192	6	پدر	111	28	معشوق	30
3	یحی	193	6	رافکذر	112	28	خواجه	31
3	باسن	194	6	شجاع	113	26	جم	32
2	عشقباز	195	6	طالب	114	25	خسرو	33
2	بذله گوی	196	5	عیار	115	24	آشنا	34
2	دانشمند	197	5	ابو	116	24	مردم	35
2	دارا	198	5	آدمی	117	24	شیخ	36
2	دعاگوی	199	5	باغبان	118	24	طیب	37
2	امام	200	5	دردکش	119	22	سلطان	38

2	انسان	201	5	ایشان	120	21	ترک	39
2	ملجهر	202	5	محبوب	121	20	مسکین	40
2	ملرخ	203	5	محمود	122	20	رفیق	41
2	غزاله	204	5	ما	123	19	دلدار	42
2	هرزه کرد	205	5	مهورش	124	18	دیوانه	43
2	حسن	206	5	میر	125	18	دشن	44
2	حاجی	207	5	مفتی	126	18	مدعی	45
2	حام	208	5	پارسا	127	17	عاصف	46
2	جد	209	5	ساریان	128	16	مبغروش	47
2	جهانگیر	210	5	سیاهچشم	129	16	محتسب	48
2	جناب	211	5	شخص	130	16	سلیان	49
2	کید	212	5	شاه سوار	131	15	آدم	50
2	کارگر	213	5	شحنه	132	15	رامرو	51
2	کوزه گمر	214	4	برادر	133	15	واظ	52
2	مبغوار	215	4	دادخواه	134	15	خلق	53
2	مبغواره	216	4	گلخندار	135	14	حضرت	54
2	ملت	217	4	مواخواه	136	14	مامروی	55
2	مرشد	218	4	کیریا	137	13	عارف	56
2	مخلص	219	4	میکسار	138	13	حبیب	57
2	نقاش	220	4	مادر	139	13	مرد	58
2	نوسفر	221	4	محب	140	13	پیک	59
2	ناظر	222	4	معلم	141	13	عافل	60
2	نگهبان	223	4	نصیحت گوی	142	12	گدلی	61
2	اوس	224	4	نامحرم	143	12	مندوی	62
2	پرویز	225	4	قلندر	144	12	شباب	63
2	نگامیان	226	4	نوام	145	12	یوسف	64

2	قاصد	227	4	راہبر	146	11	اسیر	65
2	سرود قد	228	4	رہنشین	147	11	ہمد	66
2	ساحر	229	4	روحانی	148	11	جناب	67
2	سامری	230	4	شعبدہ	149	10	مراہ	68
2	مورنگر	231	4	شاهنشاہ	150	10	جشنید	69
2	شہربار	232	4	توانگر	151	10	لشکر	70
2	شاعر	233	4	طفل	152	10	سالک	71
2	شاهوش	234	4	خصار	153	10	صنم	72
2	توبہ کار	235	4	خازن	154	9	عروس	73
2	تازی	236	3	عابد	155	9	بیگانہ	74
2	نوران شاہ	237	3	عاشقکش	156	9	ہنشین	75
2	خرابات نشین	238	3	ایاز	157	9	حکیم	76
2	خریدار	239	3	بدخواہ	158	9	کی	77
2	خان	240	3	بادہ پرست	159	9	مجنون	78
2	خدمتکار	241	3	دلچہ پوش	160	9	پسر	79
2	نادان	242	3	دہقان	161	9	قوم	80
			3	دردنوش	162	9	سلی	81

روحیات

3	جود	123	8	معرفت	62	113	یاد	1
3	حطارت	124	8	توفیق	63	78	لطف	2
Бу лугатнинг илмий норасолигининг бош омили шундаки, лугат муаллифлари келтирилган мисол байтларидаги сўзларнинг маъносига ҳам аниқ тушунмайди, деган тасаввур ҳосил бўлади, чунки биринчи бандда келтирилган байтнинг иккинчи мисрасида "Ёрро ҳам ёр ҳаст, аз ёри ёр андеша кув" матни мавжуд. Бу ўринда "тажнис" санъати ишлатилганига шубҳа йўқ. Чунки "ёр" сўзининг бир мисрада тўрт марта такрорланиши агар уларнинг маъносида ўзаро фарқи бўлмаса гап чайнашдан бўлак нарса бўлмай қоларди. Тажнис (омоним) санъати бир хил шаклдаги сўзларнинг маъно структурасидаги бир-бирига зид маъно белгилари асосига қурилади. Албатта шеъринг матнндаги сўзни турлича талқин қилиш мумкин, шеърнинг нафосати ҳам маъно қирраларининг товланишида, кўп маъноликда. Лекин бир нарса аниқки бу мисрада "ёр" сўзининг бир-бирига зид маънолари намоён бўлади. Ана шу эҳтимолий маъно қирраларидан бири лугат муаллифларининг талқини бўйича олган тақдирда ҳам "ёрро ҳам ёр ҳаст" бирикмасида биринчи "ёр сўзи атама, яъни шахс (эркак, аёл) номи, масалан "дўст" иккинчисида дўстнинг маълум сифати, яъни "садоқат" маъно қирраси очиляпти, демак бу бирикмада "ёрнинг садоқатли" "садоқатсизли" бор ва унинг мантиқий давоми иккинчи бирикмада "аз ёри ёр андеша кув" бирикмасида "унинг бошқа дўстлари, яъни бошқа кишига содиқ эканлигини ҳам унутма" деган маъно қирраси очиляпти. Демак "ёр" сўзини "дўст" деб тушунганда ҳам барча тўрт ишлатилиш ўрнида бир хилда маъно бераётгани йўқ. Шундай экан бу байт "дўст, рафиқ" маъно бирлигига мисол бўла оладими? Лугат муаллифлари бу байтдаги "сўз ўйини"га эътибор бериши керак эди.

Ундан ташқари бу байтдаги "йор" сўзининг маъносини биринчиси луғавий маъно иккинчи маъноси кўчма маъно ва бу маънолар асосига қурилган "тажнис" санъати деб талқин қилиш табиийроқ бўларди.

Масалан: "ёрро ҳам ёр ҳаст" бирикмасидаги биринчи сўз "севимли аёл" кейинги сўз "унинг ўз ошиғи" деб талқин қилинса, у ҳолда иккинчи бирикмани "севган аёлингни сендан бошқа ошиғидан" бохабар бўл, деб талқин қилиш мумкин. Аслида байтдаги тажнис ана шу маъно қирраларини намоён қилиши табиийроқ туюлади. Ҳар ҳолда биринчи маъно

бирлигига шу мисол берилиши илмий жиҳатдан унчалик асосли эмас.

5, 6 - бандларни алоҳида маъно бирлиги қилиб ажратиш ҳам илмий жиҳатдан ўринли деб бўлмайди. Чунки "дагеч, авсун, занҳои ду бародар нисбат ба яқдигар" "йор" сўзининг том луғавий маъно структурасига ва на мажозий маъно структурасига кирмайди. Луғавий ёки мажозий маъно бирлиги даражасини касб қилиш учун тил системасига кириши, яъни сўзининг ўша маъно бирлиги собит шакл касб қилиши зарур шартидир. Ситуатив (ҳолат) маънолари ҳар бир тил эгаси (ёки шоир) матнида учраб туриши табиий, лекин бу маъно қирраси фақат бир марта намоён бўлади ва фақат шу бирикма доирасидагина "яшайди", қайтиб тил системасида фаоллашмайди. 5-бандга келтирилган мисолни айнан шундай бирикма деган тасаввур ҳосил бўлади.

6-банддаги "монанд, ҳамто, назир" ҳам "ёр" сўзининг луғавий ёки мажозий маъноси эмас, балки бу ўриндаги "ёре" сўзининг 2-бандда кўрсатиб ўтилган "ҳамкор, шарик" маъно бирликларининг иккинчисига яъни "шерик" маъно бирлигига мос келади. Лекин "шерик" сўзининг семантик структурасида "йўлдош", "ўхшаш", "бўлак", "жуфт" ва шунга ўхшаш маъно қирралари бор, бу ўринда шулардан бири, яъни "ўхшашлик" семантик белгиси фаоллашяпти. Эътибор беринг:

Набуд чун ту малик ба чаҳон чаҳондоре,

Наёфарид худои чаҳон туро ёре.

"Наефарид ёре" бирикмасида ("ёр яратмади") яъни "инсон", "шахс" яратилиши назарда тутиляпти, ана шу яратилган шахснинг сифатларидан бири, яъни унинг қобилиятида (жаҳондорлигида) ўхшашлик йўқлиги назарда тутиляпти, чунки "шахс (подшоҳ)" билан "шахс (шерик)" семантик оппозиция ташкил қиляпти, "шахс" билан унинг "сифати" ("монанд, ҳамто, назир") семантик оппозиция ташкил қилмайди, балки семантик структуранинг таркибини вужудга келтиради.

Умуман, бу луғат бирлигидаги муаллифлар томонидан ажратилган биронта маъно белгилари илмий талабга жавоб бормади. "Фарҳанги забони тоҷики" луғатида берилган "ёр" сўзининг бундай муфассал таҳлилидан мақсад биргина бу

лугатни танқид қилиш эмас, форс тилининг изоҳли лугатларидан биронтасида тўлақонли, изчил илмий метод йўқ, буни Эронда нашр этилган бир қатор лугатлар ҳақида ҳам айтиш мумкин "ФЗТ", Персидско-русский словарь, ва Муининг "ФЗФ" лугатларини атрофлича таҳлили "дил" ва "жон" сўзлари мисолида Имомназаровиинг номзадлик диссертациясида берилган (Имомназаров - 76). Лекин қўйилган мақсад мавжуд лугатларнинг нуқсонларини таҳлили эмас, балки классик тилдаги алоҳида бир шеърий матндаги нутқ бирликларининг семантик структурасини изчил таҳлил қилиш, маъно бирликларини чегаралаш ва уларни лугавий ва мажозий маъноларга ажратиб беришдир. Ушбу таҳлиллардан шундай хулосалар ҳосил бўлади.

1. Сўзнинг семантик структурасини тасниф қилиб бериш учун шеърий матнларни жамлаш ва уларни тасниф қилишда изчил система йўқ. Келтирилган шеърий мисоллар тасодифий ва кўпинча лугатда кўрсатилган маъно белгисига муносиб келмайди.

Бундай илмий изчилик етишмаслигининг асосий омилларидан бири шундаки, лугатда берилган лексик бирликлар манбалар бўйича тўлиқ картотекага олинмаган, яъни таърифланмаган. Бу ишни қўл меҳнати билан амалга ошириш ўта машаққатли, катта куч ва маблағ талаб қиладиган иш. Шу сабабли ҳозирги пайтда бу ишни компьютерлар воситасида бажариш ва ҳар бир асар бўйича маълумотлар банки ҳосил қилиш, дунё тажрибасида энг самарали усул, деб тан олинган.

Қўлга киритилган бу маълумот банки ҳар бир муаллиф асари ёки ижодий мероси бўйича системали муносабатларни очиш имкониятини, демакки тил системасининг узвий бўлакларидан бири бўлган семантик системани очиш имконини беради.

Агар ҳар қандай лугатда берилган якка нутқ бирлиги - лексема муайян тил системаси (якка шоир ижоди ёки давр шоирлари ижоди ва ш.ў.) билан ҳамоҳанг ва ўша системанинг бир узвий қисми, деб таҳлил қилинмас экан, бундай илмий изланишларда изчилик сақланмайди ва олиб борилган ишлар самарасиз бўлади.

Шунинг учун ҳар бир лугат бирлиги - лексеманинг маъно структурасини тўғри талқин қилиш ва семантик белгилар

иерархиясини тўғри ажратиб бериш учун тадқиқотчи қўлида ўша сўз учрайдиган байтларнинг мукамал картотекаси ёки компьютер маҳзанида сақланадиган маълумотлар банки, ё бўлмаса булар асосида тузиб чиқилган мезон (частота) лугати ва конкорданс (жомеъ лугат) бўлиши асосий шартлардан биридир.

2. Лугат мақоласининг яна асосий нуқсонларидан бири шундаки, маъно белгиларини ажратиш ва талқин қилишда изчил илмий метод йўқ. Ҳар бир лугат бирлиги - лексема алоҳида олинган бир матнда ва охир-оқибатда тил системасида бош луғавий маъно ва бу бош луғавий маънонинг таркибий қисмларини ташкил қиладиган жузъий луғавий маънолари, лугат бирлиги матнда ифодалаган мажозий (кўчма) маънолар ва омонимлар, яъни маъно жиҳатдан бош луғавий маънодан бутунлай ажралиб чиқиб алоҳида маъно структураси касб қилган маъно birlikлари ҳамда тургун иборалардаги маъно birlikлари тўла шарҳланмаган. Кўрсатилган маънолар ва тургун иборалар кўпинча қайтарилган, берилган мисолларга номутаносиб, тургун ибораларга берилган талқинларда (мас, "ёри гор") илмий изчиллик сақланмаган.

Бош луғавий маънони кўрсатиш учун муайян лугат бирлигининг муайян системадаги (мас., бир шоир ижодидаги) ўрни ва унинг қандай луғавий - маъно гуруҳига тааллуқли эканлигини, ана шу бош маънони қанча бирикмада учрашини (агар имкони бўлса ўша бирикмаларнинг индекси - яъни қайси асар, байт ва саҳифа номерини), унинг таркибий қисмига кирган маъно белгилари ва мажозий маъно белгиларини ҳам худди шундай ажратиб чиқиш керак бўлади.

Лугат бирлигида бу маълумотлар тўла келтирилмаганида ҳам лугат бирлигининг маъно структурасини чегаралаш босқичида бу ишлар қилинган бўлиши, бу картотека (ёки маълумотлар банки сақланиши) ва лозим бўлганда ҳар бир тадқиқотчи уларни қайта кўриб чиқиш ва тадқиқот олаб бориши учун имкони бўлиши ва бу маълумотлар лугат муқаддимасида зикр этилиши лозим эди.

3. Лугат мақоласидаги - лексеманинг маъно белгиларини ажратишда муайян бир принцип кузатилмайди. Муаллифлар ўз билим тажрибасига, ички интуициясига асосланган. Натияжада лугат мақоласида ситуатив (ҳолат маъно белгилари ҳам (5,6 -

банддаги "дагеч, авсун", монанд, ҳамто, назир" маъно бирликлари) бошқа лугавий ва мажозий маъно бирликлари қаторида бир хил савиядаги маъно бирликлари сифатида берилган.

Ситуатив маъно белгилари шоирнинг индивидуал маҳорати, унинг якка ўзига хос услуб белгилари ва кўпинча бир манба доирасидаги биргина бирикмада вужудга келадиган маъно қирраси бўлиб тил системасида ўрин олмайди. Бундай маъно бирликлари, одатда бир қанча шоир ижодида такрорланиб умум тил системасига кўчгандагина мажозий маънога айланади. Агар ситуатив маъно белгилари бериладиган бўлса уларни барчасини тўла бериш керак, якка олинган шоир ижодида бериш ва махсус белги билан ажратиш кўрсатиш керак бўлади.

4. Гарчи "йор" сўзи иштирок этган от турғун бирикмалари ва феъл бирикмалари таркибида лугатда берилган бўлсада буларнинг таснифида муайян система кузатилмайди.

Таркибида "йор" сўзи бўлган бирикмаларни семантик структураси жиҳатдан озод бирикмаларга, конструктив чегараланган бирикмаларга, идиоматик (турғун) бирикмаларга ажратиш ва "йор" сўзининг озод бирикмалардаги маъно белгилари қандай наҳвий бирикмаларда (от, сифат, феъл, равиш билан бирга) қайси маъно белгилари намоён бўлишини очиб бериш ва бу тоифадаги бирикмалардан мисоллар келтирилиши, конструктив чегараланган бирикмалар ва улардаги маъно белгилари, турғун иборалар ва уларнинг маъно бирликлари алоҳида тасниф қилиниши ва улар мисоллар келтириш билан ажратилиши лозим эди.

Шуларни назарга олган ҳолда, Ҳофиз газалларидаги байт структурасида "йор" сўзи қандай лугавий - маъно гуруҳлари билан муносабатга киришади ва бу бирикмалардаги маъно белгиларини ажратиш учун қандай таҳлил методидан фойдаланниш зарур деган муаммони кўриб чиқиш ушбу бобга мавзу қилиб олинди ва бу масалани "йор" сўзининг ўзга лугавий бирликлар билан турли наҳвий муносабатлари асосида ҳал этиш мақсадга мувофиқ кўрилди.

Юқорида зикр этилганидек, биринчи таҳлилни от билан феъл муносабатларидан бошланди. "йор" сўзи бутун матн давомида феъллар билан 42 марта ҳукм мавзуси (субъект) ва

ҳукм баёни (предикат) муносабатларига киришган, шундан иккита бирикмада кўплик шаклида ишлатилади.

"Йор" сўзининг феъллар билан синтагматик таҳлилига бевосита киришишдан олдин шуни эслатиб ўтиш керакки, II-бобда кўрсатиб ўтилганидек, феъллар отлар билан ҳукм мавзуси - баёни системали муносабатларида феъллар ҳукм мавзуси вазифасида келган отнинг ўзига хос ташқи ва ички белгиларини, фаолият шаклини, таҳлил мавзуи бўлган отнинг ўзга лугавий маъно гуруҳларига мансуб отларга муносабатини ифодалайди.

23/1 آمد يارم 64/4 يار ننشست 90/1 يارم باز آيد

138/8 بشد باز 184/3 يار باز آيد 231/1 يارش سفر کرد

234/1 يار باز آيد 235/8 يار در نيابد 237/4 يار رفت

412/7 فرود آمد يار 430/2 يارى ميرسد 458/6 يار بخرامد

Бу бирикмалардаги феълларнинг мазмунида бир умумий маъно белгиси фаоллашган, яъни - "йор" сўзининг "юриш қобилияти" маъно белгиси. 64/4 يار نظر نکرد бирикмасида "йор"нинг яна бир хос маъно белгиси "кўриш" маъно белгиси намоён бўлган.

36/6 ز بیداد و جور يار که يار ترا نصيب مين کرده است و اين

داده است 80/1 يار جز جور و ستم نداشت 80/3 يار رسم

لطف و طويق کرم نداشت 239/5 يار دارد سر آزدن حافظ

247/4 يار حق صحبت دبرين نشناخت 284/8 يار قلب

بدين سان شکند

Юқоридаги бирикмаларда "йор" лугавий бирлигининг яна бир ўзига хос хусусияти "бағритошлик манбаи" маъно белгиси намоён бўлади. 52/7 شريت قند و گلاب از لب يارم فرمود бирикмасида "лаззат манбаи" маъно белгиси рўёбга чиққан. 86/1 يار پرده بر گرفت бирикмасида "йор"нинг ташқи кўринишидаги маъно белгиси "яширинлик" намоён бўлган.

132/7 يار چنان کرد 144/1 يارم بدست گيرد

144/3 يارم بشست گيرد 149/1 يارم در زد

180/2 باران کار بگذارند و گيرند 395/4 گره نبکشيد يار

Бу бирикмалардаги феълларда "амалий фаолият қобилияти" маъно белгиси рўёбга чиққан.

132/7 بار چنين گفت 136/6 گفت بار 192/3 بار

سازد آواز سماع 237/4 بار حق صحبت دیرین نشناخت

297/4 بار عذر میجوامد

Бу бирикмаларда "гапириш қобилияти" маъно белгиси очилмоқда.

115/4 بار سر کدام دارد 138/8 بار ز ما یاد نکرد

184/3 بار فراری بکنند 392/4 بار یاد حرفان نبکنند

Бу бирикмаларда "йор"нинг "фикрлаш қобилияти" маъно белгиси намоён бўлган.

156/4 بار بار من باشد 164/3 بارى داشت حق دوستى

445/7 جدا شد بار 401/6 باران از هم جدا شدند

Бу бирикмаларда "йор"нинг бошқа шахсларга муносабати, яъни "яқин киши" маъно белгиси шаклланган.

239/5 بار ناز ناپد 286/4 بار تندروى نشیند 299/3 بار نرنجد

"ҳис қилиш" маъно белгиси вужудга келган.

202/9 سر خوش آمد بار 392/4 مست است بار

Бу бирикмалардаги феълларда "йор"нинг "айш-ишрат" маъно белгиси очилмоқда.

Шундай қилиб "от ↔ феъл" бирикмасидаги семантик белгиларни умумлаштирсак "йор" сўзининг "юриш қобилияти", "қўриш қобилияти" "бағритошлик манбаи", "лаззат манбаи", "қўриш қобилияти" "парда тутиш одати", "амалий фаолият қобилияти", "гапириш қобилияти", "фикрлаш қобилияти" "яқин киши" "ҳис қилиш", "айш-ишрат" маъно белгилари очилади.

Бу таркибий маъно белгилардан "юриш қобилияти" "қўриш қобилияти", "амалий фаолият қобилияти" "гапириш қобилияти", "фикрлаш қобилияти" "ҳис қилиш" "айш-ишрат" "инсон" лугавий - маъно гуруҳига хос бўлган "шахс" бош маъносининг таркибий қисмларидир "бағритошлик манбаи", "лаззат манбаи" "парда тутиш одати", "яқин киши" маъно белгилари "йор" лугавий бирлигининг жузъий маъно белгиларини ифода қилади

ва бу луғавий бирликнинг бошқа шу луғавий - маъно гуруҳидаги луғавий бирликларидан фарқли маъно белгиларини намоён қилади.

"Йор" луғавий бирлиги феъллар билан ташкил қилган бирикмаларнинг иккинчи тури кўмакчи воситасида боғланади.

Кўмакчи билан боғланган от ↔ феъл муносабатларида қуйидаги таркибий маъно белгилари ҳосил бўлади:

27/7 عيش یی یار مهیا نشود 52/7 شربت قند و گلاب از

لب یارم فرمود 55/9 ز بیخودی طلب یار میکنند

159/1 گل یی رخ یار خوش نباشد 159/5 یی صحبت یار

خوش نباشد 261/7 سپهبارد جان به چشم مست یار

278/4 به روی یار بنوشم 435/6 گرفته جامی بر یاد روی یاری

Бу бирикмалардаги умумий маъно белгиси "лаззат манбаи"

36/6 مثال ز بیداد و جور یار 52/1 لعل سیراب به خون تشنه

لب یار است 175/1 در جرم یار باند 188/5 گله از یار

268/9 از جور یار ناله مکن 291/10 دلم شد کیاب دور از یار

355/1 دردم از یار است 428/5 در آرزوی خاک در یار سوختم

Бу бирикмаларда "бағритошлик манбаи" маъно белгиси вужудга келган.

65/1 عرض هنر پیش یار یی ادبیست 125/7 کس حال او به یار

تگفت 276/4 درد پنهان با یار گفتم 407/3 با یار آشنا سخن بگو

439/3 از آن یار پیامی داری 88/4 به ترک صحبت یاران گفتم

414/9 نکته به یاران مفروش

Бу бирикмаларда "гапириш қобилияти" маъно белгиси мужассамланган.

244/3 شه لى از نضحات نفس یار بیار 132/1 بوی ز زلف یار

میآورد 182/7 بوی ز زلف یار نبرد 244/1 تکهتی از خاک راه

یار بیار 445/1 ز کوی یار میاید نسیم

Бу бирикмаларда "хушбўй ҳид манбаи" маъно белгиси очилади.

بروی یار نظر کن 152/2 کسی به حسن و ملاحظت به یار نرسد
128/4

208/7 میان ماه و رخ یار مقابله بود 226/4 حمله ای ز زر زلف

یار بکشاید 233/4 به روی دلاری یار کار بر نیاید 239/1 گره ز

زلف یار باز کنید 239/8 حوالتش به لب یار کنید 240/2 خوش

نقشی نودی از خط یار 378/3 یار مهری مارا باز رسان

270/4 خون مارا به چاه زنفندان یار بخش 301/5 دل داده ام

به یاری شوخیکنی نگاری 385/5 ز خط یار بیاموز مهر

439/2 به زلف و رخ یار گذری 480/7 خوش نویسد در شان یار

Бу бирикмаларда "гўзаллик манбаи" маъно белгиси ҳосил бўлади.

152/1 بحسن و خلق و وفا کسی به یار نرسد 5/3 نیکی به جلی یاران

فرصت شمار 362/1 ز یاران چشم یاری داشتیم

Бу бирикмаларда "ахлоқий гўзаллик манбаи" маъно белгиси намоён бўлади.

152/3 هیچ محرم راز: بیار نرسد

245/9 اندیشه کن از نازکی خاطر یار

Бу бирикмаларда "фіқрлаш қобилияти" маъно белгиси инъикос этмоқда.

186/2 در نظر یار خاکسار شدم

261/7 میسپارد جان به چشم مست یار

357/5 تا سحر چشم یار بازی کند

Бу бирикмаларда "кўриш қобилияти" маъно белгиси акс этган.

215/3 بر خاک راه یار نهادیم روی 315/6 ز کوی یار بیار غباری

330/1 چرا نه خاک سر کوی یار باشم 377/6 نوشته بد از یار

بگرد آن 428/5 در آرزوی خاک در یار سوختیم

451/6 به یاران بر نشانم عر

Бу бирикмаларда "сигиниш манбаи" маъно белгиси рўёбга чиққан.

238/1 از بار آشنا نفس شنید

244/3 شه لی از نجات نفس بار بیار

Бу бирикмаларда "нафас олиш қобилияти" маъно белгиси намоён бўлган.

5/2 باز بینیم بار آشنارا 291/10 دلم شد کتاب دور از بار

325/2 بیاد بار بگرم زار 347/2 جز صراحی و کتاب نبود بار

67/1 با منت سر بار بست 362/1 ز باران چشم باری داشتم

Бу бирикмаларда "яқин киши" маъно белгиси акс этган.

363/7 با بار در تکونت 149/3 بر دهلی باران زد

Бу бирикмаларда "ҳиссиёт манбаи" маъно белгиси юзага чиқади.

"Кўмакчи + от + феъл" моделидаги бирикмаларда "хузур - ҳаловат манбаи", "жабр-ситам манбаи", "гапириш қобилияти", "хушбўй ҳид манбаи", "гўзаллик манбаи", "ахлоқий гўзаллик манбаи", "фикрлаш қобилияти", "кўриш қобилияти", "сигиниш манбаи", "нафас олиш қобилияти", "яқин киши", "ҳиссиёт манбаи" маъно белгилари мавжудлиги аниқланди.

Бу маъно белгиларидан "гапириш қобилияти", "фикрлаш қобилияти", "кўриш қобилияти", "нафас олиш қобилияти", "ҳиссиёт манбаи", бош маънога тобе бўлиб, "шахс" маъносининг айрим жузъий белгиларини ташкил қилади. Бу моделдаги аввалги моделдан фарқли маъно белгиси "нафас олиш қобилияти" маъно белгисидир. "Йор"нинг "шахс" маъно гуруҳидаги бош маънодан фарқли маъно белгиларидан "хушбўй ҳид манбаи", "гўзаллик манбаи", "ахлоқий гўзаллик манбаи", "сигиниш манбаи" кейинги моделда ҳосил бўлган янги маъно белгилари бўлиб, бу маънолар бош маънодан фарқли "йор"нинг ўзига хос жузъий маъно белгиларидир.

"Йор" сўзи, шунингдек, شدن بودن ёрдамчи феъллари, ва هست боғламаси билан таркибий феъл шакли ташкил қилади ва "йор" сўзи бу таркибларда ўз маъно белгиларини йўқотмайди ва аналитик феъл бирикмасида қуйидаги маъно белгилари зоҳир бўлади.

9/6 بار مردان خدا باش 53/3 بار من باش 156/1 اگر بار بار من

باشد 347/2 نبود بار ندیم 360/1 نه بار است ندیم 448/1 بار من باش

448/9 بار من باشى 252/7 دوست گو بار شو 309/8 بار بيگانه مشور

Юқоридаги бирикмаларда "йор" сўзи замирида "шахс", "яқин киши" маъно белгилари намоён бўлмоқда. Бу бирикмалардан баъзиларида яшириқ "севимли киши" маъно белгиси ҳам ётади, аммо бу маъно жиҳати конкрет луғавий бирлик ёрдамида фаоллашмаганлиги сабабли маъно белгиси сифатида алоҳида ажратилмади. Бу луғавий маъно белгиси фақат битта бирикмада, аниқроқ шаклланган *كل شد بارش* (272/1) бирикмасида "севимли киши" маъно белгиси аниқ акс этган. Бу бирикмадаги "كل" сўзи мажозан "гўзал аёл" маъносини ифодалайди ва "йор" бу ўринда "севимли киши" маъно белгисини англатади. *خدا بار شاست* (124/1) *بحتم ار بار شو* (456/9) *كل بار حسن كشته* (360/10) *بار شو* *لطف خدا* (177/7) бирикмаларида "йор" сўзининг яна бир маъно белгиси, яъни кимгадир пуштипаноҳлик "қўллаб - қувватлаш" "ҳамроҳлик" маъно белгиси очилган.

Шундай қилиб "йор" сўзи феъл таркибида от қисми сифатида қўлланилганида ҳам ўз луғавий маъносини йўқотмайди. Биз кўриб ўтган бирикмаларда "йор" семантик структурасининг уч маъно белгиси "яқин киши", "севимли киши" ва "ҳамроҳлик" маъно белгилари аниқланди. Бу маъно белгиларидан "севимли киши" ва "ҳамроҳлик" маъно белгилари "йор"нинг бошқа луғавий - маъно гуруҳлари билан муносабатидан келиб чиққан жузъий маъно қирраларидир. Демак "йор" сўзи ёрдамчи феъллар билан келган бирикмаларда ҳам ўз маъно белгиларини сақлаб қолади ва таҳлилга муносибдир.

"Йор" луғавий бирлиги изофий бирикмаларда олдинги мавқеда, етакчи сўз сифатида қатнашган сўз бирикмалари ҳажм жиҳатдан "от + феъл" бирикмаларидан кейинги ўринни эгаллайди.

Ғазалиёт матнида "يار ما" "يار من" 12 марта учрайди. Бу бирикмаларда "йор" сўзининг маъно белгилари мавҳум бўлиб, улардан фақат "йор"нинг бош маъно белгиси - "шахс" маъно белгиси рўйи - рост намоён бўлган. Қолган маъно белгилари нейтраллашган бўлиб, улардан "яқин киши", "севимли киши" маъно белгилари кўпроқ англашилади.

Матнда шунингдек "بلر آشنا" 3 марта, بار دبرنه (134/7) бирикмалари учрайди ва уларда кўп замонлар синовдан ўтган яқинлик, яъни "яқин киши" маъно белгиси зоҳир бўлади. Худди шунингдек "яқин киши" маъно белгиси матнда уч марта учрайдиган بار سفر کرده бирикмасида ҳам рўёбга чиқади, лекин бу бирикмадаги маъно белгисида ҳам аниқ чегара йўқ, мавҳумлик мавжуд. "Яқин киши" маъно белгиси яна بار بيگانه (309/8), بار نديم (347/2), باران همنشين (401/6), بار قديم (263/3) бирикмаларида ўз инъикосини топган.

Матндаги بار مردان خدا (9/6) изофий бирикмаларида "ҳамроҳ" маъно белгиси юзага чиқади. Матндаги қолган изофий бирикмаларда "йор" лугавий бирлигининг аниқ маъно белгиларини акс эттирган таркибий қисмларга эга бўлиб, бу бирикмаларда "йор"нинг табиий хислатлари намоён бўлади. بار دلنواز (77/1) بار حور سرشت (52/8) بار شيرين سخن نادره گفتار (93/1) بار هری چهره (159/4) بار خوش اندام (117/1) بار نازنين (93/1) (378/3) بار مهری (308/7) بار دلنواز (284/8) بار دلدار (182/2) (445/7) بار شيرينت (415/7) بار بر گزیده (468/1) бирикмаларида "ғўзаллик манбаи" маъно белгиси инъикос этиб, бу ердаги ишлатилган сифатлар асосан аёл, кишига нисбат бериледи. Шунинг учун бу бирикмалардаги "йор" сўзининг бош маънодан айриқча, жузъий маъно белгиси "севимли аёл" акс этганига ҳеч шубҳа йўқ.

Матндаги مهربان (152/3) بار بکجهت حکمدار (134/1) بار وفادار (432/1; 436/8) изофий бирикмаларидаги сифатлар "маънавий ғўзаллик" маъно белгисини акс эттириб, пировард натижада булар ҳам "севимли аёл" маъно белгисининг бир қиррасидир. Ундан ташқари بار تندخو (286/4) бирикмасида "бағритошлик" маъно белгиси ётади ва бу ҳам "севимли аёл"нинг маъно хислатларидан биридир.

Матнда бир марта باران طريقت (10/1) изофий бирикмаси учраб, бу барча изофий бирикмалардан фарқли равишда тургун бирикма бўлиб "йор"нинг маъно белгиларининг жузъий

таркибий қисми ҳосил бўлмайди, балки яхлит "солик" "дарвиш" маъно белгиси рўёбга чиқади.

Шундай қилиб "йор + сифат" ($O_1 \rightarrow C$) моделида "севимли аёл" "яқин киши" маъно белгилари, "йор + от" ($O_1 \rightarrow O$) моделида "ҳамроҳ", "солик" жузъий маъно белгилари ифодаланади. "Йор - олмош" ($O_1 \rightarrow O_{л^э}$) моделида "шахс" бош маъно белгисидан ўзга маъно белгилари очиқ-ойдин намоён бўлмайди.

"Йор"нинг табиий ва нисбий маъно белгиларини изоҳловчи яна бир катта изофий бирикмалар гуруҳи "йор" етакчи сўздан сўнг тобе сўз бўлиб жойлашган изофий бирикмалардир.

Бу изофий бирикмаларда "йор" аксар ҳолатда отлар билан бирикма ташкил қилиб, бу бирикмаларда "йор"нинг шундай маъно белгилари ўз инъикосини топади:

1. جمال و جلال بار (34/8) لب روحبخش بار (3/4) جمال بار (62/2)
فدلى تكهت گيسوى بار (124/10) فزه مستانه بار (131/4)
نصحات نفس بار (233/4) روى دلارلى بار (163/5) طاق ابروى بار
فدلى طره بار (406/3) نانه زلف بار (405/1) خط عذار بار (244/3)
(473/4) бирикмаларида "гўзаллик манбаи" маъно белгиси ҳосил бўлади.

2. روى بار (128/4) لب بار (52/1) عكس رخ بار (11/2)
232/5) نثار قدم بار (208/8) دهان بار (142/1) زلف بار
270/4) جاه زنهان بار (261/7) چشم مست بار (240/2) خط بار
384/1) دیدار بار (313/2) ابروى بار (278/4) روى بار
149/3) دلهاى باران (439/2) زلف و رخ بار (405/1) خط عذار بار
бирикмаларида "йор" сўзи "тана аъзолари" луғавий - маъно туркуми билан изофий боғланиб "инсон чиройи" маъно белгисини касб этади.

3. خاک راه بار (131/1) عزم سر كوى بار (27/1) آرامگاه بار (215/3)
330/1) خاک سر كوى بار (325/7) هولى منزل بار (428/5) آرزوى خاک در بار
463/10) خاک در بار (445/1) كوى بار (428/5) آرزوى خاک در بار
бирикмаларида "йор" сўзи, "макон" луғавий туркуми билан муносабатга киришиб, "йор" сўзидаги бош маъно белгисини,

яъни муайян маконда яшовчи "шахс" маъносини англатади. Бу бирикмаларда ўз ёки нисбий маъно белгиларини ташхис қилувчи маъно белгилари ажралиб турмайди.

4. لب روحبخش بار (30/6) ترك لعل و بار و جام مى (34/8) бирикмаларида "лаззат манбаи" нисбий маъно белгиси ҳосил бўлади. Мана шу нисбий маъно кўпроқ "севимли аёл" маъно белгисига тобедир.

5. عناب بار (182/2) بيهرى بار (134/3) بيداد و جور بار (36/6) бирикмаларида "бағритошлик" маъно белгиси акс этган.

6. نشان بار (88/1) فراق بار (78/3) طالب بارند (55/9) طلب بار (88/3) پیام بار (325/2) باد بار (162/1) روز هجران و شب فرقت بار (88/3) شان بار (88/4) روز فراق بار (460/5) باد روى بار (428/5) (435/6) изофий бирикмаларида "яқин киши" маъно белгиси ўз инъикосини топган. Албатта бу бирикмаларда "йор"нинг бошқа маъно белгиларига ҳам ишора бор, масалан "севимли аёл" маъно белгисига, лекин бу маъно белгисини ошкор намоён қиладиган бошқа жузъий белгилари бўлмаганлиги сабабли ишонч билан бу маъно белгисини ажратиб бўлмайди.

7. نازكى خاطر بار (245/9) бирикмасида "фикрлаш қобилияти" маъно белгиси намоён бўлган.

8. دفلى صحبت باران (88/4) ترك صحبت باران (44/1) صحبت باران (395/5) бирикмаларида "йор"нинг "гапириш қобилияти" маъно белгиси англашилади.

Бу гуруҳ изофий бирикмаларда "йор" сўзининг саккизта маъно белгиси зоҳир бўлган. Бу бирикмаларда янги, олдинги бирикмалардан фарқли маъно белгилари йўқ. Бунинг сабабларидан бири, назаримизда, бу изофий бирикмаларнинг бошқа кўмакчилар воситасида боғланган от билан феъл бирикмаларига киришидан бўлса керак. Лекин шуни айтиш керакки, бу изофий бирикмаларнинг ҳаммаси ҳам от + феъл бирикмасига кирмайди, демак янги, ҳали кашф қилинмаган маъно белгисини очиш эҳтимоли қолади. Ана шу сабабдан ҳам бу хилдаги изофий бирикмалар таҳлилга лойиқдир.

"Йор" сўзи битишув воситасида боғлаиған наҳвий бирикмаларнинг маънолар силсиласининг таҳлили:

1. Бу моделдаги наҳвий бирикмаларнинг 10 тасида "йор" сўзи олмошлар билан ва биттасида сон билан бирикиб, бу бирикмаларда "йор"нинг фақат "шахс" маъно белгиси намоён бўлади.

2. $(211/3)$ $\text{بارى مصلحت بين (177/7)}$ خدا بار (14/2) سالى بار бирикмаларида "яқин киши", "таянч" маъно белгилари намоён бўлади.

3. $\text{دل داده ام به بارى (283/1)}$ بارى خوش (249/5) بار حور $(301/5)$ Бу бирикмаларда $249/5$ да "йор" сўзининг жинс маъно белгиси аниқ намоён бўлган, чунки "حور" - "жаннат қизлари" дир, шунинг учун бу бирикмадаги "йор"нинг маъно белгисини "севимли аёл" деб талқин қилиш жонздир. Қолган бирикмалардаги "йор"нинг маъно белгисини "гўзаллик манбаи" деб талқин қилиш мумкин, гўзаллик аёлга нисбат берилгани учун булардаги маъно белгисини ҳам "гўзал аёл" "севимли аёл" деб талқин қилса бўлади.

**"Йор" луғавий бирлигининг синтагматик
муносабатларда ҳосил бўлган маъно
белгиларининг умумлашган жадвали.**

№	Ғазал ва байтлар тартиб рақами	бирикма модели	маъно белгиси
1	23/1,64/4,90/1,138/8,184/3,231/1,234/1,235/8,247/4,412/7 430/2,458/6	O ₁ +Ф	юриш қобилияти
2	64/4	O ₁ +Ф	қўриш қобилияти
3	36/6,80/1,80/3,239/5,247/4,284/8,	O ₁ +Ф	бағритошлик
4	52/7	O ₁ +Ф	лаззат манбаи
5	86/1	O ₁ +Ф	яширинлик
6	132/7,144/1,144/3,149/1,180/2,395/4,	O ₁ +Ф	амалий фаолият
7	132/7,136/6,192/3,247/4,297/4	O ₁ +Ф	гапириш қобилияти
8	115/4,139/8,184/3,392/4	O ₁ +Ф	фикрлаш қобилияти
9	156/4,164/3,445/7,401/6	O ₁ +Ф	яқин киши
10	202/9,392/4	O ₁ +Ф	айш-ишрат
11	299/3,239/5,286/4	O ₁ +Ф	ҳис қилиш
12	27/7,52/7,55/9,159/1,159/5,261/7,278/4,435/6	K ₁ +O ₁ +Ф	лаззат манбаи
13	36/6,52/1,175/1,188/5,268/9,291/10,355/1,428/5	K ₁ +O ₁ +Ф	бағритошлик манбаи
14	65/1,125/7,376/4,407/3,439/3 88/4,414/9	K ₁ +O ₁ +Ф	гапириш қобилияти
15	244/3,142/1,182/7,244/1,445/1	K ₁ +O ₁ +Ф	хушбўй ҳид манбаи

16	128/4,152/2,208/7,1226/4, 233/4,239/1,239/8,240/2, 378/3,270/4,301/5,385/5, 439/2,480/7	$K_1+O_1+\Phi$	гўзаллик манбаи
17	152/1,5/3,362/1	$K_1+O_1+\Phi$	ахлоқий гўзаллик манбаи
18	152/3,245/9	$K_1+O_1+\Phi$	фикрлаш қобилияти
19	176/2,261/7,357/5	$K_1+O_1+\Phi$	кўриш қобилияти
20	215/3,315/6,330/1,377/6, 428/5,451/6	$K_1+O_1+\Phi$	сиғиниш манбаи
21	238/1,244/3	$K_1+O_1+\Phi$	нафас олиш қобилияти
22	5/2,291/10,325/2,347/2,67/1, 362/1	$K_1+O_1+\Phi$	яқин киши
23	149/3,363/7	$K_1+O_1+\Phi$	ҳиссиёт манбаи
24	9/6,53/3,156/4,347/2,360/1, 448/1,448/9,252/7,309/8	$O+O_1\Phi$	яқин киши
25	272/1	$O+O_1\Phi$	севимли киши
26	124/1,177/7,360/10,456/9	$O+O_1\Phi$	ҳамроҳ
27	5/2,238/1,407/3,134/7,309/8, 347/2,401/6,263/3	$O_1\rightarrow C$	яқин киши
28	9/6,456/4	$O_1\rightarrow O$	ҳамроҳ
29	52/8,77/1,93/1,117/1,159/4, 182/2,284/8,308/7,378/3, 415/7,445/7,468/1	$O_1\rightarrow C$	гўзаллик манбаи
30	134/1,152/3,432/1,436/8	$O_1\rightarrow C$	маънавий гўзаллик
31	286/4	$O_1\rightarrow C$	бағритошлик
32	10/1	$O_1\rightarrow O$	солик
33	3/4,34/8,62/2,124/10,131/4, 163/5,233/4,244/3,405/1, 406/3,473/4	$O\rightarrow O_1$	гўзаллик манбаи

34	11/2,52/1,128/4,142/1,208/8, 232/5,240/2,261/7,270/4, 278/4,313/2,384/1,405/1, 439/2,149/3	$O \rightarrow O_1$	табий зот
35	27/1,131/1,215/3,325/7,330/1 428/5,445/1,463/10	$O \rightarrow O_1$	шахс
36	20/6,34/8,384/5	$O \rightarrow O_1$	лаззат манбаи
37	36/6,134/3,182/2,268/9	$O \rightarrow O_1$	бағритошлик
38	55/9,78/3,88/1,88/3,162/1, 325/2,428/5,435/6,460/5,88/4	$O \rightarrow O_1$	яқин киши
39	245/9	$O \rightarrow O_1$	фикрлаш
40	44/1,88/4,395/5	$O \rightarrow O_1$	гапириш
41	14/2,177/7,211/3	$O \rightarrow O_1$	яқин киши
42	249/5,283/1,301/5	$O \rightarrow O_1$	севимли аёл
43	90/2,93/1,136/6,210/1,186/1, 286/4,308/7,468/1,167/4	$O_L^{K+} + O_1$	шахс

"Йор"нинг сўз бирикмаларидаги маъно белгиларини ажратишда айнан мана шу жадвалда кўрсатилган маъно белгилари намоён бўлгаилигига илмий асос нимада, бу маъно белгилари ҳам тадқиқотчининг хом хаёли, унинг интуиция маҳсули эмаслигини қандай исботлай олинади, ахир сўз бирикмасига кирган "йор" кўп маъноли бўлгани каби у билан наҳвий бирикма ташкил қилган лугавий бирлик ҳам кўп маъноли бўлиши мумкинку, деган саволлар туғилади.

Бу муаммо, шеърий матнда, айникса, ўта чигал муаммолардан бири. Шеърий матннинг умумтил системасидаги бошқа услубий матнлардан фарқи шундаки унда лугавий бирлик якка маъно белгиси билан ишлатилмайди, балки айти пайтда унинг бир нечта маънолари товланиб туради.

Фикримизнинг далили учун маъно белгиларидан биттаси "яширинлик" маъно белгисини аниқлашда қўлланилган усулни мисол қилиб келтирамиз.

Бу маъно белгиси 86/1 байтда ишлатилган بار پرده بر گرفت
бирикмаси асосида аниқланди.

Ҳофиз газалларининг матнида 58 сўзи марта ишлатилган ва қуйидаги бирикмаларда учрайди:

- پردہ عصت (3/6) پردہ سماع (32/6) پردہ عنایی (65/6)
راز درون پردہ (66/6) ز پس پردہ زلف (120/3)
در پردہ اسرار (134/5) آمد از پردہ به مجلس (135/2)
جمال یار ندارد نقاب و پردہ (137/6) مطربا پردہ بکردان (138/8)
پردہ شام (146/5) دعوی از پردہ برون لی (153/5) پردہ غیب (162/4)
از پردہ برون شد دل (175/2) پردہ پندار (175/5)
حالی درون پردہ (191/8) پردہ بر افتد (191/8) درون پردہ (195/4)
راز این پردہ نھان است (201/9) از راز دل ما پردہ بر افتاد (210/6)
در این پردہ بیحجاب (216/9) در این پردہ راه نیست (223/3)
غم پردہ شا ندرد (239/4) زین معا پردہ بر دار (240/3)
زد در پردہ مطرب (240/5) دلم از پردہ بشد (243/7)
اندر پردہ بازبھلی پنهان (250/6) در پردہ چنگ گفت سخن (264/4)
در کش زبان و پردہ نگاه دار (280/4) زین پردہ رمزی نشینی (281/6)
در اتکند پردہ روز وصال (297/3) پردہ گلریز هفت خانه چشم (297/5)
پردہ بر دل خونین (315/7) پردہ مطرب (319/3)
در این پردہ جز اندیشه او (319/8) پردہ لی بر سر صد عیب نھان (332/7)
از آن چہرہ پردہ بر اتکنم (334/1) پردہ ز کارت بر اتکنم (335/8)
در این پردہ چھا مبینم (349/5) داستان در پردہ میگویم (355/3)
دلم از پردہ بشد (370/8) پردہ غنچه میدرد (403/1)
ناگھان پردہ بر انداخته لی (412/1) بزن در پردہ چنگ (423/5)
وصف ز رخ چو مامش در پردہ راست نلید (424/2)
پردہ ز رخ بر تکتنی (425/9) ز پردہ کانخ برون آمدی (432/6)
ز پردہ ناله (433/7) سخن در پردہ میگویم (445/3)
چنگ در پردہ (447/2) از آن سوی هفت پردہ (450/2)

1. Бу бирикмалардан 66/6, 74/11, 78/5, 120/3, 134/5, 135/2, 137/6, 153/5, 162/4, 175/2, 175/5, 191/8, 191/11, 195/4, 201/4, 210/6, 216/9, 223/3, 239/4, 240/3, 243/7, 250/6, 280/4, 281/6, 297/3, 315/7, 319/8, 332/7, 334/1, 335/8, 355/3, 370/8, 412/1, 425/9, 432/6, 433/7, 445/3, 450/2 бирикмаларида **برده** луғавий бирлиги "ниқоб" "яшириш воситаси" маъно белгисига эга.

2. 3/6 бирикмасида "иффат пардаси" маъно белгисига эга.

3. 32/6, 188/8, 240/5, 264/, 319/3, 423/5, 447/2 бирикмаларида "муסיқий оҳанг" маъно белгиси акс этган.

4. 175/5, 297/5, 349/5, 424/2 бирикмаларида "манзара" "саҳна" маъно белгиси акс этган.

5. 65/6 бирикмасида "мато" маъно белгиси бор.

6. 146/6 "кеча қоронғилиги" "зулмат" маъно белгиси намоён бўлган.

7. 403/1 бирикмасида "пўст" "қобиқ" маъно белгиси акс этган.

Кўриб турганимиздек **برده** сўзининг ғазаллар матнида 7 та маъно белгиси намоён бўлади. **بار برده بر گرفت** бирикмасидаги **برده** сўзининг маъно белгиларидан иккитаси - бири "ниқоб", иккинчиси - "кийим бўлаги" маъно белгилари намоён бўлмоқда. Агар биринчи маъно белгиси "ниқоб"га таяниб талқин қилинса **بر گرفت** "йор" ниқобини олди, яширин ҳолатдан чиқди" деб маъно берилади. Яъни "йор" "яширин шахс" маъно белгиси бор. Агар иккинчи маъно белгиси - "кийим бўлаги"га таяниб талқин қилинса, унда "йор" "юзига парда тутиб юрадиған аёл киши" деган маъно англашилади. Юқорида кўриб ўтганимиздек "парда" кўпинча яширин ҳолатни ифодалаб келганлиги учун бу бирикмада "йор"нинг "яширин зот" маъно белгиси асос қилиб олинди.

Иккинчи мисол. "Йор"нинг ташқи жамолини сифатловчи бирикмалардан бири - 378/3 байтдаги **بار مهرى** бирикмаси "ғўзаллик манбаи" маъно белгиси сифатида талқин қилинди. **مهرى** сўзини **بار** нинг ташқи кўринишини ифодаловчи маъно белгиси деб олинса ҳақиқатда "ғўзал сиймоли шахс" маъно белгисини ифодалайди. Агар бу ўринда "моҳруй" сўзи шахснинг

жинсини аниқловчи маъно белгиси сифатида талқин қилинса, унда сўзсиз "йор" бу ерда "аёл киши", деб маъно ажратилган бўларди. Бу муаммони ҳал қилиш учун Ҳофиз газалларининг матнида مهرى луғавий бирлиги учраган барча бирикмаларни таҳлил қилиб кўрамиз.

Газаллар матнида مهر сўзи 357/3, 358/2, 394/1 байтларида مهر шаклида 378/3, 421/6, 485/8 байтларида مهر шаклида 302/7 байтда مهر шаклида 415/1, 437/7 байтларида مهر 227/2, 260/2 байтларида مهر шаклида, 68/6 226/8 байтида مهر шаклида учрайди.

Бу байтлар қуйидагилар:

طاق و رواق مدرسه و قاب و قيل فضل	357/3
در راه جام و ساقی مهر نهادیم	
ناصر چند ساله اجداد نيکنام	358/2
در راه جام و ساقی مهر نهاده ايم	
نکته دلکش بگويم خال آن مهر بين	394/1
عقل و جان را بسته زنجير آن گيسوی بين	
ماه و خورشيد به منزل چو به امر تو رسند	378/3
يار مهری مرا نیز به من باز رسان	
فردا شراب و کؤنر و حور از برلی ماست	421/6
و امروز ساقی و مهری و جام می	
حافظ مکن اندیشه که آن پوست مهری	485/8
باز آید و از کلبه احزان به در آبی	
ساقی چو یار مهرخ و از اهل راز بود	302/7
حافظ بخور باده و شیخ و فقیه هم	
دامن کشان همیشه در شرب زر کشیده	415/1
صد مهری ز رشکش جیب نصب دریده	
دم از مالک خوبی چو آفتاب زدن	437/7

ترا رسد که غلامان ماهر و داری
گفتم ز مهرورزان رسم وفا بیاموز 227/2

گفتا ز ماهرویان این کار کتر آید
فدای پیرامن چاک ماهرویان باد 260/2

هزار جامه نقوی و خرقه پرهیز
یارب ان شاهوش ماهرخ زهره جبین 68/6

در یکتلی که و گوهر یکدانه کیست
به لابه گفتش لی. ماهرخ چه باشد اگر 226/8

به یک شکر ز تو دل خسته لی بیساید

357/3, 358/2, 378/3, 485/8, 302/7, 437/7 байтларида
маъно сифат бўлиб "гузаллик" маъно белгисини ифода-
лаб келади ва бу таркибга кирган 'یار' 'ساقی' 'غلام' 'یوسف' 'لугавی'
бирликларининг маънолар силсиласига таркибий қисм бўлиб
киради. 394/1, 421/6, 415/8, 227/2, 260/2, 68/6, 226/8
байтларида маъно (ماهرخ) 'لугавی' бирлиги от вазифасида
келади ва бу байтларда "гузаллик" бош маънога айланиб,
маъно ифода-лайдиган бошқа маънолар, шу жумладан "йор"
маъноси жузъий маъно белгисига айланади. маъно сифат
вазифасида келган (358/2), (357/3) 'یار' 'مهری' (378/3) 'یار' 'مهرج'
(302/7) 'ساقی' 'مهری' бирикмаларида "йор"нинг "гузал чехрали
(ой юзли) шахс" эканлиги намоён бўлади. Лекин бу "шахс"
аёл кишими, эркак кишими деган саволга кейинги икки
бирикма жавоб беради (437/7) 'غلامان' 'ماهری' (485/8) 'یوسف'
'مهری' бирикмалардаги, (Юсуф) 'یوسف' (қуллар) 'غلامان'
эркак жинсига тегишли. агар шундан келиб чиқиб ҳукм
чиқарадиган бўлсақ бирикмасида 'یار'нинг иккита
маъно белгиси очилади 1. гузал шахс; 2. эркак
жинсига мансуб шахс. Лекин бу билан "йор"
лугавий бирлиги ҳамма бирикмаларда эркак
жинсига мансуб шахс маъно белгисини ифода-
лайди, деган хулоса чиқмайди.

3. "Йор" лугавий бирлигининг маъно белгилари парадигмаси.

"Йор" лугавий бирлигининг матн парчасидаги бошқа лугавий бирликлар билан наҳвий (синтагматик) муносабатларида, юқорида кўриб ўтилганидек, ҳар бир бирикмада "йор" тушунчасининг айрим маъно белгилари юзага чиқади ва қолган маъно белгилари нейтраллашади. Бир бирикмада нейтраллашган маъно белгиси бошқа бирикмада юзага чиқади ва олдинги бирикмада акс этган маъно белгиси бу бирикма учун актуал бўлмайди. Шундай қилиб "йор" лугавий бирлиги наҳвий муносабатга киришган матндаги барча сўз бирикмалари таҳқиқ этилса "йор"нинг яширин ҳолатда турган барча маъно белгилари юзага чиқади.

Олдинги таҳлил давомида "йор" лугавий бирлигининг ана шундай маъно белгиларидан 44та маъно белгиси аниқланди. Табиийки бу маъно белгилари турли типдаги бирикмаларда баъзан такрорланади, баъзилар эса бутун матн давомида бир марта учрайди. Бундан ташқари "йор" тушунчасининг маъно белгиларидан бир миқдори унинг доимий маъно белгилари, баъзилари ўзгарувчан, фақат шу матн системасига хос ёки, бу системадаги мавжуд лугавий - маъно гуруҳига кирган айрим тушунчага хос, маъно белгилари эканлигидан дарак беради.

Ана шу маъно белгилари жамланса, "йор" лугавий бирлигининг тадқиқот мавзуи бўлган матндаги маъно белгилари парадигмаси ҳосил бўлади.

"Йор" лугавий бирлигининг маъно белгилари парадигмаси.

1. Яқин киши	- 40
2. Ғўзаллик манбаи	- 37
3. Бағришошлик манбаи	- 19
4. Шахс	- 17
5. Табиий зот	- 15
6. Гапириш қобилиятига эга зот	- 15
7. Лаззат манбаи	- 12
8. Юриш қобилиятига эга зот	- 12
9. Ахлоқий ғўзаллик манбаи	- 7
10. Фикрлаш қобилиятига эга зот	- 7

11. Амалий иш бажариш қобилиятига эга зот	- 6
12. Ҳамроҳлик	- 6
13. Сигиниш манбаи	- 6
14. Ҳис қилиш қобилиятига эга зот	- 5
15. Хушбўйлик манбаи	- 5
16. Кўриш қобилиятига эга зот	- 4
17. Севимли аёл	- 3
18. Айш-ишрат манбаи	- 2
19. Нафас олиш қобилиятига эга зот	- 2
20. Севимли шахс	- 1
21. Яширин зот	- 1
22. Солик	- 1

Таҳлилдан маълум бўладики, "йор"нинг парадигмасида 22 хил маъно белгиси жамланган ва матн парчаларида булардан бири зоҳир бўлиб қолганлари пинҳоний ҳолатда мавжуд бўлади.

"Йор" лугавий бирлигининг парадигмасида бир қатор маъно белгилари "табiiй инсон зоти" тушунчасига хос умумий маъно белгилари бўлиб, бу маъно белгилари "йор" тушунчасининг "инсон" лугавий - маъно гуруҳига мансуб эканлигини таъкидловчи маъно белгиларидир. Бу маъно белгилари "йор" тушунчасида доимий мавжуд бўлган "шахс", "табiiй зот", "гапириш қобилияти", "юриш қобилияти", "фикрлаш қобилияти", "амалий иш бажариш қобилияти", "ҳис қилиш қобилияти", "кўриш қобилияти", "нафас олиш қобилияти" маъно белгилари бўлиб, буларнинг йиғиндиси "йор" тушунчасидаги бош маъно белгисини - "табiiй инсон зоти" маъносини ташкил қилади.

Бу маънолар силсиласи "йор" тушунчасидаги доимий маъно белгилари доирасини ташкил қилади.

ماورد от вазифасида келган 394/1, 415/1, 227/2, 68/6, 260/2 байтларида ماورد жинси номаълум шахс, лекин 421/6 ماورد сўзи ماورد сўзига мутародиф (синоним) қилиб ишлатилганлиги учун ماورد нинг бир маъно белгиси аёл жинсига мансуб шахс, деб талқин қилиш мумкин. Лекин бу байтдаги ماورد сўзи кўпроқ "маишат манбаи" маъносида ишлатилгани учун, иккинчи мисрадаги ماورد ни ҳам маишат манбаи, деб талқин қилиш мумкин. "Маишат манбаи", маълумки, эрақ жинсига ҳам аёл жинсига ҳам мансуб бўлиши мумкин.

Кўриб ўтилган байтлардаги ماورد сўзининг биронта маъно белгисига асосланиб ماورد аёл жинсига ҳам мансуб, деб ишонч билан айтолмаймиз.

Демак, бу бирикмадаги аниқ маъно белгиси "гўзаллик манбаи", унинг жинси эса мавҳум, шунинг учун бу тоифадаги бирикмалардаги "йор"нинг маъноси "гўзаллик манбаи", деб талқин қилинди.



"Йор" лугавий бирлигининг ушбу бош маъносига қўшилган ҳар бир ўзгарувчан маъно белгиси "йор" тушунчасини конкретлаштиради, бу тушунчани "инсон" лугавий - маъно гуруҳига кирган тушунчалардан ажратиб, янги тушунча ҳосил қилади. Бу шаклан шундай ифодаланади:



Бу мажмуада "йор" тушунчаси "яқин шахс" тушунчасига тенг бўлади. Бу тушунчада "йор" реал воқеликдаги инсонларнинг бир-бирига муносабатини ифодалайди. Агар бу муносабат икки эр киши ўртасида бўлса "йор" сўзи "дўст" маъносини касб қилади. Агар бу эр киши билан аёл ўртасидаги муносабатни ифодаласа "йор" эр киши учун "севимли аёл", "маъшуқа", аёлга нисбатан "севимли эр киши", "ошиқ" маъносини касб қилади.

Худди шу шаклда ўзгармас доирага бошқа бир ўзгарувчан маъно белгиси қўшилса иккинчи бир тушунча вужудга келади. Масалан, "гўзаллик манбаи" маъно белгиси.



Бу икки доира қўшилиб "йор" луғавий бирлигининг янги маъно бирлиги (семантема) "гўзал шахс" тушунчасини ҳосил қилади.

Агар мана шу тартибда тасниф қилинса "йор" луғавий бирлигининг маънолар силсиласида қуйидаги маъно бирликлари юзага чиқади:

1. "яқин шахс"
2. "гўзал шахс"
3. "бағритош шахс"
4. "лаззат манбаи бўлган шахс"
5. "ахлоқий гўзал шахс"
6. "ҳамроҳ"
7. "табаррук шахс" (сигиниш манбаи)
8. "хушбўй ҳид манбаи бўлган шахс"
9. "севимли аёл"
10. "ишратбоз шахс"
11. "севимли шахс"
12. "яширин шахс"
13. "солик"

Шуни айтиш керакки бу маъно бирликлари якка ҳолда, масалан, соф "бағритош" шаклида учрамайди, матн парчасида, айнан шу маъно белгиси учраганда "йор" луғавий бирлигининг бошқа маъно белгилари ҳам ҳар хил мажмуада қатнашиши мумкин. Масалан "йор" - "яқин киши" тушунчасида "гўзал шахс", "ахлоқий гўзал шахс", "ҳамроҳ", "севимли аёл" ва ҳ.к. маъно белгилари бирга келиши мумкин.

Бу фикр шаклан шундай тасвирланади.



Бу ҳодиса "йор" тушунчасининг биринчидан бу маъно бирликлари учун умумий, жамлаб турувчи тушунча эканлигини кўрсатса, иккинчи томондан унинг таркибига кирган маъно бирликларининг бир-бирига узвий боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Бу шундан далолат берадики, матн парчасида "йор"нинг битта маъноси зоҳирда намоён бўлганда, ботинда унга бир қатор маънолар ҳамроҳ бўлади ва шу сабабдан матн парчасидаги бир бирикмада сўзнинг бир маъносини эмас, бир нечта маъносини аниқлаш, талқин қилиш имкони туғилади. Шунини айтиш керакки матн парчасидаги бирикмалар ўзгариши билан маънолар мажмуасидаги нисбат ҳам ўзгаради, яъни улардан бири диққат марказига кўчиб бошқалари ботиний ҳолатга ўтади.

Фикримизни аниқроқ ифодалаш учун бир мисол келтирамиз: Ғазаллар матнида "йор" сўзи биринчи марта 3-ғазал 2-байтда қуйидаги шаклда учрайди.

ز عشق ناتمام ما جمال يار مستغنى است

به آب و رنگ و خال و خط چه حاجت روی زیبارا

Бу байтда "йор" сўзи аввало "гўзал шахс" маъно бирлигини ифодалайди. Шу билан бирга ботинда "севимли киши", "табiiй зот", қисман "бағритош", "лаззат манбаи", "табаррук зот" маъно бирликлари яширинган. Бу маъно бирликлари ботинда мавжуд деб талқин қилинишга байтда маълум ички бирикмалар ишора қилади. عشق يار "ёрга муҳаббат" - "севимли кишига муҳаббат"

"лаззат манбаига интилиш", روى زيبلى بار "йорнинг чиройли чеҳраси" - "табиий инсон зотига мансуб" "بار ز عشق ما مستغنى است" "йорнинг ишқимизга эҳтиёжи йўқ" - "бағритошлик" "табаррук зот" маъно белгиларига ишора.

Ҳозиргача таҳлил қилинган маъно бирликлари "йор" луғавий бирлигининг "Инсон" луғавий - маъно гуруҳига кирган сўзлар билан системали муносабатларидан келиб чиқадиган, яъни "табиий хислатларга ва аъзойи - баданга эга бўлган зот" архисемасини худди шундай табиий хислат ва аломатларга эга бўлган бошқа тушунчалар билан муносабатда зоҳир бўладиган маънолар силсиласи эди. Аммо тил системасидаги ҳар бир луғавий бирлик ўз луғавий - маъно гуруҳидан ташқари бошқа луғавий - маъно гуруҳлари билан ошкор ёки пинҳоний муносабатга киришади.

Ошкор муносабатлар шеърийда ташбих (арабча - ўхшатиш) санъатининг турли кўринишларида ифодаланади. Ботиний (яширин) муносабатлар тажнис (جنس - арабча ҳамжинс қилмоқ, ҳамоҳанг қилмоқ) ва истиора (арабча استعار - қарзга олмоқ) санъатларининг турли кўринишида ифодаланади. Тил системасидаги бир луғавий - маъно гуруҳига оид луғавий бирликнинг иккинчи луғавий - маъно гуруҳи билан муносабатлари мажоз (جاز - арабча - ўтиш, кўчиш), деб аталади ва бунда ҳосил бўладиган маънолар мажозий маъно, яъни кўчма маъно, деб аталади.

Бир луғавий - маъно гуруҳига тегишли луғавий бирликнинг маъно белгиларидан бирини ёки бир нечтасини бошқа луғавий - маъно гуруҳидаги сўзнинг маънолар силсиласидаги бир ёки бир нечта маъно белгисига ошкор қиёсланса "ташбих санъати", деб аталади.

Масалан: 272/1 байтда شىد بارش 124/1 байтда كل
تاشбихлари учрайди. 177/7 байтда خدا بار شاست , بختم ار بار شود
Бу бирикмалардан биринчисида كل луғавий бирлиги "табиат"
луғавий - маъно гуруҳига мансуб, "بار" "инсон" луғавий- маъно
гуруҳига мансуб. Ҳар иккала сўзнинг маънолар силсиласида
"ғўзаллик манбаи", "меҳр - муҳаббат манбаи" (лойиқ) маъно

белгилари бор. Бу бирикмада кўчма маъно, яъни "гул"нинг "шахс"га табиий инсон зотига ўхшатилиши маънолар силсиласидаги ана шу икки маъно белгисига асосланган.

124/1 байтдаги **بخت** сўзи "Руҳият" лугавий - маъно гуруҳига мансуб лугавий бирлик бўлиб "**بخت**"нинг маънолар силсиласида инсонга нисбатан "ҳамроҳлик" маъно белгиси бор. "يار"нинг маънолар силсиласида ҳам "ҳамроҳлик" маъно белгиси бор. Мана шу маъно белгиси асосида **بخت** сўзи "шахс"га ташбиҳ қилинмоқда ва ўз кўчма маъносини ҳосил қилган.

177/7 байтдаги бирикмада **خدا** сўзи "Илоҳиёт" лугавий - маъно гуруҳига мансуб **خدا** лугавий бирлигининг маънолар силсиласи унинг сифатларида мужассамлашган. Маъмумки **خدا** нинг 99 сифати бор. Агар бу сифатларни "йор" лугавий бирлигининг маънолар силсиласи билан қиёсласак "яқин киши" "ғўзаллик манбаи", "бағритошлик манбаи", "лаззат манбаи" "ахлоқий ғўзаллик манбаи" "фикрлаш" "амалий иш бажариш", "ҳамроҳ", "сигиниш манбаи", "ҳис қилиш", "кўриш" "севимли шахс", "яширинлик" маъно белгиларини йорнинг сифатларида мужассамлашганини кўрамиз.

"Ал-асма алҳусна" да Ҳақ таолонинг шундай сифатлари бор: Ар-Раҳмон (меҳрибон) "ахлоқий ғўзаллик", Ал-Қуддус (муқаддас - "сигиниш манбаи"), Ал-Алим (билимдон - "фикрлаш манбаи"), Ал-Басир (кўрувчи - "кўриш қобилияти"), Ал-Азим (буюк - "сигиниш манбаи"), Ал-Вадуд (ошиқ - "севги манбаи"), Ал-Ҳаким (доно - "фикрлаш манбаи"), Ал-Батин (яширин - "яширинлик"), Ар-Раҳим (шафқатли - "ҳис қилиш манбаи") ва шунга ўхшаш 99 сифати келтирилади (Ислам, энциклопедический словарь, М.Наука,1991).

"Йор" тушунчасининг "Худо" тушунчаси билан ташбиҳ қилиниши мана шу ва бундан ҳам кенгроқ маъно белгилари асосига қурилган. Шунинг учун **خدا يار شاست** бирикмасида мажозий маънолар биргина маъно англатмай бир нечта маъно белгилари зоҳир бўлади.

Ботиний мажозий (кўчма) маънолар ҳам худди шу система асосига, яъни бир лугавий - маъно гуруҳидаги сўзнинг маънолар силсиласидаги бир ёки бир нечта маъно

белгиларининг бошқа луғавий - маъно гуруҳига мансуб сўз маънолар силсиласидаги бир ёки бир нечта маънолар билан ўхшатиш, ёки бирида йўқ маъно белгисини иккинчисига кўчириш асосига қурилган. Бу усулнинг (тажнис, истиора)нинг олдинги усулдан (ташбиҳ)дан фарқи шундаки, бунда ташбиҳ қилинаётган луғавий бирлик матнда зоҳир бўлмайди ва унинг баъзи маъно белгилари асосида ташхис қилиш (аниқлаш) ўқувчининг ўзига ҳавола қилинадн. Ўқувчи (эшитувчи) тил системасидаги мавжуд тушунчалар (сўзлар, луғавий - маъно гуруҳлари)нинг бир-бирига муносабатлари (маънолар силсиласидаги ўхшашлик, маъно белгиларини кўчириш) воситасида бу мажозий маъно белгиларини излаб топади ва ёзувчи (гапирувчи) изҳор қилмоқчи бўлган мажозий маънони кашф қилади. Бу ўта мураккаб психик (руҳий) жараён бўлиб, у ўқувчи (эшитувчи) шахсида маълум билим ҳосилалари мавжуд бўлиши ва тарбияланишини тақозо этади. Шерий матндаги (кўчма) мажозий маъноларнинг асоси мана шу икки принципга (ошкор ўхшатиш, ботиний ўхшатиш) қурилган.

Тажнис (омоним) санъатига битта мисол: 156/1 байтда шундай бирикма бор:

خوش است خلوت اگر بار بار من باشد

نه من بسوزم و او شع انجن باشد

Бу байтдаги *бар бар* бирикмасидаги икки марта ишлатилган *бар* сўзи ўртасидаги муносабатлар тажнис санъати асосига қурилган. агар бу бирикмадаги маъно муносабатлари бир луғавий - маъно гуруҳидаги икки мутажонис сўз (омоним)ларнинг бир-бирига муносабати, деб қаралса, у ҳолда "гўзал шахс" (2 - *бар*) ва "лаззат манбаи" (1 - *бар*) маъно белгилари ажратилади. Бу мисра *خوش است خلوت اگر بار بار من باشد* даги мажозий маъно агар "гўзал шахс" менинг "лаззат манбаи"м бўлса яширин ўтириш ёқимлидир деб талқин қилинадн. Агар бу сўзлар икки хил луғавий - маъно гуруҳига мансуб сўзлар, деб қаралса у ҳолда маънолар силсиласидаги мажозий маъно белгиси бутунлай бошқача талқин қилинадн.

"*бар*" сўзи "илоҳиёт" луғавий - маъно гуруҳига нисбат берилса, у ҳолда биринчи "*йор*" сўзи "худо", деб талқин

қилинади, иккинчи "йор" "ҳузур", яъни "ҳамроҳ"им бўлса, деб талқин қилинади. Натижада бу мисра шундай таржима қилинади: "Агар худованд "ҳамроҳ"им бўлса яширин ҳолат ёқимлидир".

Мажозий маъно ҳосил қилинишининг учинчи усули, яъни "истиора" санъати асосан зеҳний маънолар силсиласи бўлиб, бу маъно белгилари лугатларда зикр қилинмайди. Бу маъно белгисини аниқлаш кўпинча субъектив тафаккур жараёни ва унинг маъно белгиларининг зоҳир бўлиши (ташхиси) ўқувчи (эшитувчи)нинг билим савияси, дунёқараши, фалсафий мавқеи (позициясига) боғлиқ бўлади.

Бу маънолар системасининг тилшуносликдаги аниқлаш усули, бир лугавий бирликнинг маънолар силсиласидаги маъно белгиларининг шу лугавий - маъно гуруҳидаги бошқа сўзларнинг маъно белгиларига нисбат бериш ёки бутунлай бошқа лугавий - маъно гуруҳига мансуб сўзларга кўчириш усули билан аниқланади.

Лекин бадий ижоддаги мажозий маънони "арго" тил қатламидаги (argot - фарансавий, муайян ижтимоий гуруҳнинг нутқ бирлиги) мажозий маънодан фарқлаш керак. Чунки бу қатлам тил системасидан ажралиб чиқиб, ундаги нутқ бирликлари символик (рамзий) маъно касб қилади. Бу символик маъно ҳам кўчма маънонинг бир тури бўлиб, кенг тарқалган баъзи бир "арго" терминлари умум тил системасидаги лугатларда зикр қилинади.

Одатда арго истилоҳлари (термин)ларининг алоҳида лугатлари тузилади. Масалан: "Тасаввуф истилоҳларининг лугати"да آب حَيوان истилоҳига шундай изоҳ берилади:

آب حَيوان

وجود مطلق و تعين اول را گویند و برلى مجلای تجلیات الوهیت حق هم اطلاق نمایند

[Тириклик суви].

[Мутлақ вужуд ва биринчи ошкорликка айтилади ва ҳақ кучсиз тажаллиётининг жилваланишига ҳам нисбат беришади]. (Бертельс Е.Э. Словарь суфийских терминов. Мир'ати'ушшак 1266.).

"Форс - рус лугати"да

живая вода, вода жизни; фольк.

آب حَيوان

"Оби ҳайвон" оддий лугатларда модда ва бажарадиган вазифаси жиҳатидан талқин қилинса, арго тили лугатида символ сифатида мажозий маъноси берилган.

Хулоса қилиб айтганда лугавий birlikнинг тўғри маънолари тил системасидаги белги-атамалар воситасида реал воқеликнинг бир бўлагини номлашдан ва бу атамалар замирида ҳосил бўлган тушунчаларнинг бир-бирига системали муносабатларидан ҳосил бўлади. Мажозий маънолар системаси ўзгарувчан бўлиб, фақат системали хусусиятга эга бўлгандагина тил системасига кўчади ва лугавий birlik маъно структурасида муайян маъно белгиси бўлиб ўрин олади.

Шу нуқтаи назардан қаралганда Ҳофиз газалиёти матнидаги "йор" лугавий birlikнинг маънолар системасида юқорида кўриб чиқилган маъно birlikларини "Ф.З.Т." лугатидаги ушбу сўзнинг маънолар системаси билан қиёсланса бир қатор фарқли маъно birlikлари мавжудлигининг гувоҳи бўламіз.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Ҳофиз газалиётининг матни чегараланган ёпиқ система, "Ф.З.Т." лугати эса умумтил системасига даъво қилувчи очиқ системага тааллуқлидир.

IV - БОБ

Тил системаси ва тилдан ташқари борлиқ муносабатларининг маънолар силсиласида инъикоси.

1. Матн парчасида нутқ бирлигининг маънолар силсиласи.

Олдинги боблардаги баҳсимизда тил системасининг асосий бирликларидан бўлган луғавий бирлик - сўздаги маънолар силсиласини (структура) аниқлашда энг муҳим соҳалардан (аспект) иккитасини: 1) воқеликнинг тил системасида акс этиши; 2) тил системасидаги нутқ бирликларининг ўзаро муносабатлари эркин сўз бирикмалари доирасида ҳар томонлама таҳлил қилиб чиқилди.

Бу таҳлилда нутқ бирлиги - сўзга реал воқеликнинг муайян бир бўлагини ўз маънолар силсиласида акс эттирган белги, аломат (сема) деб қаралди ва бу белгилар тил системасида ўзаро муносабатларга киришганда ҳосил бўладиган грамматик ва луғавий маънолар силсиласи аниқланди.

Нутқ бирликларининг ўзаро маъно (семантик) муносабатлари сўз бирикмаларида ва грамматик (наҳвий) бирикмаларда рўёбга чиқади ва шу орқали сўзнинг таркибий (структурал) маъно белгилари аниқланади. Сўзнинг ўзга нутқ бирликлари билан ўзаро муносабатнинг таҳлилида бир қадар шартлилик сақланиб қолинди, яъни нутқ бирлигининг фақат биргина маъно белгиси бошқа нутқ бирлигининг якка олинган маъно белгиси билан муносабатга киришади, деган постулат (*postulatum* - лот.тақозо) - тақозодан келиб чиқиб таҳлил қилинди.

Аслида матн парчасида нутқ бирлигининг якка олинган биргина маъноси акс этадими ёки унинг маънолар силсиласидаги бир нечта маънолари иштирок этадими, деган муаммо пайдо бўлади. Бу муаммо семантика (маънолар системаси)нинг энг мураккаб муаммоларидан бўлиб, бу тил

системаси бирликларининг воқеликдаги бирликларга (ҳодиса, мавжудот, ашъ) муносабатида намоён бўлади.

Нутқ бирлигининг маънолар силсиласини тилдан ташқари система - борлиққа муносабатлари ва улардаги кечадиган маъновий жараёнларни ўрганувчи фан шарқ адабий анъаналарида "илми баён" (баён - арабча пайдо бўлиш, ошкор бўлиш, юзага чиқиш) ва ғарб тилшунослигида "сигматика" (Σ - сигма- юннча йигинди белгиси) деб аталади.

"Илми баён"нинг вазифасини белгилаб берган бир қатор манбалар мавжуд, буларнинг кўпчилигида деярлик бир хил фикрлар баён қилинади. Жумладан, Мухаммад Халил Ражойининг нашр этган

"معالم البلاغة در علم معانی و بیان و بديع" (مشيراز - 1353)

(Илми маъоний, илми баён, илми бадийдаги балоғат даражалари) китобида бу вазифа шундай ифодаланеди:

"بیان در لغت بمعنی واضح بودن و آشکارا ساختن است. و در

اصطلاح علی است که بدان شناخته میشود کیفیت ابراد معنی

واحد بطریقه مختلف باشد در و نحو دلالت بر آن

"Баён (сўзи) - лугатда "аниқ-равшан бўлиш", "ошкоро қилиш" маъносидадир ва истилоҳ (термин) сифатида бир маънони турли йўллар билан нзҳор қилиш, унинг (бир маънонинг) белгиларини аниқлаш усулини ўрганадиган илмдир".

Бу таърифдан кўришиб турибдики, илми баённинг вазифаси учта: 1. нутқ бирлигининг маънолар силсиласини матнда қандай фаоллашиши; 2. ўша маъно бирлигининг юзага чиқаётганидан далолат берувчи белгиларни аниқлаш; 3. бу маъно бирлигининг ҳолат (ситуация) билан муносабатини аниқлаш.

"Илми баён"нинг вазифасини шу тариқа аниқлагач сўзнинг маънолар силсиласини қуйидаги тарзда таърифлайди:

مقدمه گوئیم لفظیکه برلی معنایی وضع شده باشد لفظ را موضوع و معنی را

موضوع له نامند هر گاه لفظ را بدون هیچ تصرفی در معنی موضوع له

استعمال کنند یعنی لفظ گویند و موضوع له را از آن اراده کنند لفظ را

حقیقت و معنی را معنی حقیقی گویند چون لفظ "اسم" که استعمال شود

در معنی "حیران مقترس مخصوص" و هر گاه لفظ را در غیر موضوع له استعمال کنند یعنی لفظ را آورند و از آن معنایی غیر موضوع له اراده نمایند در این حال چنانچه قرینه ای بر عدم اراده موضوع له اشاره نشده باشد آن را کتبه نامند "زید طویل النجاد" که مراد از این سخن بحسب عرف بیان بلندی قامت زید است یعنی "زید بلند بالاست" (معالم البلاغه ص 241)

"Бошлаб шуни айтиш керакки, нутқ бирлиги(лафз) бирон маънони англатиш учун ишлатилса, нутқ бирлиги(лафз) "мавзу" ва маъно "мавзу лаҳу" деб аталади. Қачонки, нутқ бирлигини ҳеч қандай тасаруфсиз мавзу лаҳу маъносида ишлатилса, яъни нутқ бирлигини айтиб, ундан мавзу лаҳуни назарда тутса, нутқ бирлигини "ҳақиқат" ва унинг маъносини "ҳақиқий" дейишади. Худди "асад" нутқ бирлиги "махсус йиртқич ҳайвон" маъносида ишлатилгани каби. Қачонки нутқ бирлигини мавзу лаҳудан бошқа маънода ишлатилса, яъни нутқ бирлигини келтириб, ундан мавзу лаҳудан бошқа маъно кузатилса, у ҳолда, модомики мавзу лаҳу кузатилмаётганига белги (қарина) мавжуд бўлмаса, уни киноя дейишади, чунончи: *زئير طويل النجاد* ("Узун қилич тасма таққан Зайд"), жумласидан мурад баён илми бўйича Зайднинг қомати баландлигидир, яъни Зайд адл қоматли демакдир".

Бошқача қилиб айтганда, бу баҳсда нутқ бирлигининг воқеликдаги бирон бир ашёга ёки мавжудотга боғлиқ маъноси, ўша ашё ва мавжудотни ифодалаб келса тўғри маъно, масалан "асад"(шер) табиатдаги мавжудот - йиртқич ҳайвон маъносини ифодалаб келса, ҳақиқий маъно тўғри маъно, дейилади. "Узун қилич тасмали Зайд" жумласида "узун қилич тасма" нутқ бирликлари ифодалаган маънодан кузатилган мақсад шоир ифодалаган ҳақиқий маъно эмас уларнинг сабабчиси бўлган Зайднинг қоматини ифодалаш учун мўлжалланганидан бу нутқ бирликлари киноя белгиси ва ифодалаган маъно "киноя" дейилади.

Қисқа қилиб айтганда нутқ бирлиги ё ўзи мўлжалланган маънони воқеликдаги мўлжалланган ҳодиса ва ашёга боғлаб ишлатади ёки ундан бошқа ҳодиса ва ашёларга боғлаб

ишлатади. Биринчи ҳолат тўғри маъно, ҳақиқий маъно, ашёвий маъно ва шунга ўхшаш номлар билан ишлатилади ва иккинчи ҳолат кўчма маъно, мажозий маъно, киноя ва ҳ.к.деб аталади.

Рус тилшунослигида айни мана шу тил ҳодисасини "сигматика" илми ўрганеди ва унинг вазифалари қуйидагича белгиланади: "Основная функция сигматического (предметного, ситуативного) значения - отсылать знак, обладающий определенным смысловым значением к предмету, более широко - соотносить языковое содержание с внеязыковой ситуацией так, чтобы это высказывание получило вполне определенный актуальный смысл, отвечающий той или иной коммуникативной задаче" (Новиков - 82, 105-б.).

"Сигматик (ашёвий, вазият) маънонинг асосий вазифаси муайян маъно мазмунига эга бўлган белги(нутқ бирлиги, сўз)ни ашё (предмет)га нисбат бериш, кенгроқ маънода - тил мазмунини тилдан ташқари ҳолат (ҳодиса)га шундай нисбат беришки, токи бу баён муомиланинг у ёки бу вазифасига жавоб берадиган етарлича аниқ актуал маъно ҳосил қилсин" (Новиков - 82, 105-б.).

Бу баҳс мавзусида кузатилган мақсад ҳам айни юқорида "илми баён"да ифодаланган мазмундаги мақсад, яъни нутқ бирлиги тилдан ташқари ҳолатга (ашё ё мавжудот)га нисбат берилганда ўша ҳолатга муносиб маънони ифодалайдими ёки ундан бошқа воқелик бўлагини ифодалайдими деган муаммо қўйилади.

Юқорида зикр этилган шарқ адаб илмида ҳам, ғарб тилшунослик илмида ҳам қўйилган масала аниқ - бу матн парчасидаги якка сўзнинг воқелик билан муносабатида рўёбга чиқадиган маъно белгилари.

Бу икки томонлама муносабатда бир қатор муаммолар пайдо бўладики, буларнинг бир қисми тилшуносликда таҳқиқ ва тадқиқ этилган, баъзилари ҳанузгача баҳсли масалалардир.

1. Матн парчаси (контекст)да ишлатилган алоҳида олинган бир нутқ бирлигининг маънолар силсиласидаги ўша ҳолатга мос битта маъно белгиси иштирок этадими ёки айни пайтда бир қанча маъно белгиси иштирок этадими.

2. Айни пайтда бир қанча маъно белгиси иштирок этса буларнинг ҳар биттаси тилдан ташқари битта ҳодисага боғлиқми ёки бир қанча ҳодисага боғлиқми.

3. Тилдаги маънолар системасининг тилдан ташқари ҳодисалар системасига муносабатида янги маънолар туғилишига қандай омилларнинг таъсири бор? Тил системасидаги маънолар системасининг таъсири қўпроқми ёки тилдан ташқари ҳодисаларнинг таъсири муҳимми.

Бу учта йирик муаммодан келиб чиқадиған қўшимча бир қатор янги саволлар пайдо бўлади. Бу саволлар бевосита ҳар бир муаммо устида тўхталганда баён этилади.

Маънолар силсиласининг матн парчасида зоҳир бўлиш шакли ҳақида турлича фикрлар мавжуд. Булардан кўпчилик қўллаб қувватлайдиған фикр шуки, нутқ бирлиги матн парчасида ўз маъноларидан бирини зоҳир қилиб, қолганларини бой бермайди:

"Актуализируясь в контексте речи, значение не теряет ни одного из составляющих его признаков. Оно уточняет свое содержание, добавляя к нему ряд новых черт" (Кацнельсон-65, с.52).

"Матн парчасида зоҳир бўлаётган маъно ўз таркибий белгиларидан биронтасини йўқотмайди. У бир қатор янги белгиларни қўшиб ўз мазмунини аниқлайди".

Кацнельсоннинг фикрича нутқ бирлиги доимо маъносини кенгайтириб боради ва ўз маъносининг биронта таркибий қисмини йўқотмайди. Бу фикрнинг назарий жиҳати бўйича баҳслашиш мумкин, чунки нутқ бирлигининг муайян бир даврдаги маънолар ҳажми, ҳеч қачон иккинчи бир даврга баробар эмас, нутқ бирлиги, айниқса лугат бирлиги - сўзнинг маъно силсиласи гоҳ кенгайиб, гоҳ тораёиб туради.

Айнан шу фикрнинг далили Томашевский томонидан қуйидагича ифодаланган:

"В языковой практике, в постоянном употреблении слов все время происходит либо сужение, либо расширение значений, и это дает возможность пользоваться уже существующими словами, то растягивая их значение, то уплотняя, и тем самым подгонять их под ту или другую мысль. Средством для этого

является контекст, т.е. в целом вся речь, в которой употреблено данное слово". (Томашевский - 83, 190с.).

"Тил амалий қўлланиш жараёнида, сўзлардан донмий фойдаланиш давомида ҳар доим сўзнинг маънолари ё торайиши, ё кенгайиши рўй беради ва бу шу пайтгача мавжуд бўлган сўзлардан гоҳ унинг маъноларини кенгайтириб, гоҳ торайтириб фойдаланиш имконини, демакки уларни у ёки бу фикрга мослаштириш имконини беради. Матн парчаси, яъни аниқроғи муайян сўз ишлатилган тўла нутқ бўлаги бунга восита бўлади. (Том-83, 190б.).

Бу айтилган фикр замирида сўзнинг маъноси тораяди ёки кенгайди, лекин ҳар гал битта маъно белгиси инъикос этади, бошқа маъно белгилари нейтрал ҳолатга яъни ботиний ҳолатга ўтади деган қараш ётади.

Демак Шарқ бадиият илмида ҳам Ғарб тилшунослигида ҳам асосий қараш шундан иборатки матн парчасида ишлатилган маълум бир нутқ бирлиги битта маъно белгисини зоҳир қилади, маъно белгиси гоҳ сўзнинг ҳақиқий маъноси (тўғри маъноси, аслий маъноси), гоҳ мажозий маъноси (кўчма маъноси) бўлиши мумкин, деган фикр илгари сурилади.

Ҳофиз ижодида маънолар силсиласини очиш учун бу асосий, ҳал қилувчи масалалардан бири. Бу масаланинг муҳимлиги шундаки, Ҳофиз ижодидаги нутқ бирликларининг маънолар силсиласини талқин қилиниши, ўша Ҳофиз замониданоқ кўп баҳсларга сабаб бўлиб келган. (Рейснер - 89, Рипка - 70, 1354 - مقالات).

Бу баҳсларга хулоса қилиб айтганда Ҳофиз газалиётидаги нутқ бирлиги аслий маъносида, яъни сўзнинг лугавий маънолари силсиласидан келиб чиқиб талқин қилиш керакми ёки мутлақ мажозий маънода тасаввуф рамзий истилоҳлари сифатида қаралиб, унинг ҳақиқий (аслий) маънолар силсиласидан воз кечиш керакми, деган савол атрофида юритилади. Масалан Паҳлавий университетининг профессори, доктор Асадулла Ховарий Ҳофиз ижодидаги "май" сўзи фақат тасаввуф симболи эканлигини исботлаб ўнлаб далиллар келтиради.

(151 مقالات 1354 с).

Оврупо ҳофизшунослигида бунга ҳануз баҳсли масала деб қаралади: "Вокруг наследия Хафиза уже долго идут горячие споры и целые дискуссии. И это не удивительно. Содержательная сторона лирики Хафиза, будучи взята в целом, внешне столь противоречива и мозаична, что различные ученые с равным основанием говорят о его панегиризме и оппозиционности ко двору, толкуют его газели как мистические и называют его певцом земных радостей, находят в его лирике черты куртуазности и аристократизма и апологию нищенства и т.д.". (Рейснер-89, с.180).

"Ҳофиз мероси атрофида қачонлардан бери шиддатли баҳслар ва катта мунозаралар кетмоқда. Бунинг ажабланидиган жойи йўқ. Ҳофиз газалиётининг мазмун жиҳатини тўлалигича олиб қаралганда зоҳиран шунчалар бир-бирига зид ва ранг-барангки, турли олимлар бир хил асос билан унинг маддоҳлиги ва саройга муҳолифлиги ҳақида сўз юритишади, унинг ғазалларини сўфиёна (мистик) тарзда талқин қилишади, шу билан бирга уни ҳаётини қувончларни тараннум этувчи, деб билишади, унинг лирикасида лутффурушлик ва зодагонлик аломатларини ҳамда фақир - қашшоқликни мадҳ этиш аломатларини топишади ва ҳ.к." (Рейснер-89, 180-б.).

Унинг ғазалларидаги мавзу ва гоёлар ҳақида билдирилган бу фикрларнинг ташқи кўринишдан, гарчи тилшуносликка алоқаси бўлмагандай кўринса ҳам, лекин унинг замирида айни юқорида кўтарилган муаммо - газалиётда нутқ бурлигининг маънолар силсиласини қай тарзда инъикос этиши масаласи ётади. Аслида адабиётшуносликда хилма-хил бир-бирига зид фикрларни келтириб чиқарган муаммо, ўша матн парчасида нутқ бирлигининг муайян бир маъно белгиси - асл маъноси ёки кўчма маъноси зоҳир бўладими, деган муаммодан бошқа нарса эмас. Зотан, бу муаммо фақат Оврупо олимлари қаршисида кўндаланг турган муаммо бўлмай, Ҳофизнинг ватанида яшаётган, ўша муҳит руҳидан узилмаган олимлар учун ҳам - Эрон тилшунос ва адабиётшунослари учун ҳам ҳануз ҳал этилмаган муаммодир.

Ҳофиз мероси бўйича йирик тафсир муаллифи Баҳоудин Хуррамшоҳий бу принципиал масалани шундай ҳал қилади:

" در دیوان حافظ سه نوع عشق یا معشوق در موازات هدیگر "

با گاه متداخل با یکدیگر ملاحظه میشود (1) عشق یا معشوق انسانی که به نمونه هایی از آن اشاره خواهد شد (2) عشق یا معشوق آدی (3) عشق یا معشوق عرفانی که موضوع اصلی این مقاله است و شرحش خواهد آمد الف) عشق آدی - اجتماعی نگارنده این سطور در اشاره به عشق و معشوق آدی نوشته است " این نوع عشق و معشوق در این نوع شعر که اکثریت غزلهای عاشقانه حافظ حضور دارد صورتا تفاوتی با شعرهای عاشقانه جنسی و عاشقانه عرفانی ندارد اگر باریک شوم بر میآید که معشوق چندانکه باید جاذبه جمال و غنچ و دلال و حتی حضور و خروج ندارد در این عاشقانه ها معشوق با غلب است یا بدون چهره و چشم و ابروست فاقد جسمانیت و فحوای جنسی است و حتی فاقد جنس است و غالباً نمیتوان فهمید مذکر است یا مؤنث و در بیشتر موارد معشوق شاعر نیست بلکه مدوح اوست و در این موارد هم معلوم نیست مدوح دینی درباری است یا مردی محترم از پیران طریقت'

(- حافظ نامه - 1371 م 1168)

"Ҳофизнинг девонида уч турли "ишқ" ە "маъшуқ" ەнама-ەн ە гоҳида бир-бирига аралаш кузатилади: 1. Инсоний ишқ ە маъшуқ, унинг намуналари келтирилади; 2. Адабий ишқ ە маъшуқ; 3. Ирфоний ишқ ва маъшуқки бу мақоланинг асл мавзудур ва шарҳи келтирилади. А.) адабий - ижтимоий ишқ: Бу сатрлар муаллифи бу адабий ишқ ва маъшуққа ишора қилиб шундай ەзган ەди: "Бу хил ишқ ва маъшуқ Ҳофизнинг кўпчилиқ ошиқона газалларида учрайди. Бу хилдаги газаллар ташқи кўринишдан жинсий ва ирфоний ошиқона шеърлардан фарқ қилмайди, агар теранроқ қаралса маълум бўладики, маъшуқ керакли даражада жамол жозибаси, нозу карашма ва ҳатто, вужуд ва равшанликка эга эмас. Бу ошиқона (шеър)ларда ە маъшуқ ғойиб, чеҳрасиз, кўз-қошсиздир, жисмонийлик ва жинсий аломатлардан маҳрум, ҳатто бежинсдир ва кўпинча эркак тоифасиданми аёл тоифасиданми англаб бўлмайди, ва кўп

Ўринларда шоирнинг маъшуқи эмас, балки унинг мамдуҳи (мадҳ этилувчи) сидир ва бу борада ҳам мамдуҳи дунявий, сарой аҳлими ёки тариқат пирларидан бўлмиш ҳурматли шахсми маълум эмас". (Ҳофизнома - 137(1992), 1168-6.).

Шундан сўнг китоб муаллифи бу "ишқ"ни далилловчи ҳар бяр турига ўнлаб мисоллар келтиради. Муаллифнинг Ҳофиз ижодиётида ҳам инсоний, ҳам ирфоний ишқ борлиги борасидаги фикри шак-шубҳасиз ҳақиқатдир. Лекин адабий ишққа келсак, яъни мамдуҳларга бағишланган "ишқ" мавзусида, андак юзаки ўйлашга йўл қўйган. Негаки муаллиф ўзи ҳам эътироф этганидай - бу мавҳум, жинси ва жисми номаълум шахслар эмас, балки аниқ тарихий шахслар ва бу шахслар ҳақида "Ҳофизнома"да ўнлаб мисоллар келтирилади. Бу газалларда ишлатилган "ёр" сўзи, яъни мамдуҳ қатнашган байтларнигина танлаб келтирилди:

کلت آن یار کزو گشت سر دار بلند 136/6

جرمش این بود که اسرار مهیدا میکرد

"آن یار - حلاج منظور از" آن یار "که با داشتن و شهادت شخصیتی

چون او دار عشق سر بلند و میاهی شد حسین بن حلاج است که از بزرگان

و پاکبازان عرفانی اهل سکر بود" (حافظ نامه - 71 ص 569)

"Ул ёр - Ҳаллождур: "Ул ёр" дейишдан мақсад шуки, у каби шахсни - Ҳусайн бинни Ҳаллождай ўзини унутган (аҳли суқр), буюк ва покиза орифлардан бўлган шахсни осилишидан (дорда бўлиши) ва шаҳид бўлишидан ишқ дори юксак ва улугворликка эришди" (Ҳофизнома, 569-706.).

Демак бу газалдаги ишқнинг мавзуи - буюк тариқат пири - аниқ тарихий шахс.

2-мисол:

آن یار کزو خانه ما جلی پری بود 210/1

سر تا قدمش چون پری از عیب بری بود

"گویند حافظ این غزل را در سوگ فرزند از دست رفته اش سروده است"

(حافظ نامه - 71 ص 765)

"Айтишларича Ҳофиз бу ғазални айрилган фарзанди шанига марсия ўрнида ёзган" (X.,71, 7656.).

3-мисол:

55/9 ز بېخودی طلب یار مېکند حافظ

چو مفلسی که طلبگار گنج فارونست

' چنين بر ميابد که در اين غزل اشارتی به از دست رفتن فرزندش دارد '

(حافظ نامه - 71 ص 314)

"Афтидан бу ғазалда фарзандидан айрилганлик аломатлари бордай" (Ҳофизнома-71, 314б.).

Юқорида келтирилган иккита ғазалда "ёр" - фарзанд маъносини англатиб, муайян дунявий шахсни ифодаламақда.

4-мисол:

163/6 طربسروى محبت کنون شود معور

که طاق ابروى یار منش مهندس شد

' این غزل حافظ چنانکه از تصریحش به سلطان ابوالقوارس بر ميابد در مدح

شاه شجاع یا دارل اشاره مدح امیز به اوست ' (حافظ نامه - 71 ص 640)

"Ҳофизнииг бу ғазали Султон Абул Фаворисга аниқ ишорасидан кўриниб турибдики, Шоҳ Шужоънинг мадҳида ёки унга мадҳомиз ишорага эга". (Ҳофизнома-71, 640-б.).

5-мисол:

200/3 ياد باد آن که صبحی زده در مجلس انس

جز من و یار نبودیم و خدا با ما بود

شادروان غنی ميگويد که این غزل به احتمال بیشتر در باره شاه شجاع ابر

اسحق و با احتمال کمتر در باره قوام الدين صاحب عيار است '

(حافظ نامه - 71 ص 743)

"Мархум Ғани айтадики, бу ғазал Шоҳ Абу Исҳоқ ҳақида ёзилганининг аҳтимоли кўпроқ ва Қавомиддин Соҳиб Айёр ҳақидалиги камроқ". (Ҳофизнома, 743-б.).

"Ҳофизнома"да муаллиф яна беш-олти бор Шох Яхё ҳақида газал ёзилганлигидан маълумот беради. Бу газалларда "يار" сўзи қуйидаги байтларда учрайди.

يارى اندر كس نبييم ياران را چه شد 164/1

دوستى كى آخر آمد دوستدارانرا چه شد

كس نيكويد كه يار داشت حق دوستى 164/3

حق شناسانرا چه حال افتاد يارانرا چه شد

شهر ياران بود و خاك مهربانان اين ديار 164/5

مهربانى كى سر آمد شهر ياران را چه شد

دانى كه چيست دولت ديدار يار ديدن 203/1

در كوى او گدايى بر خسروى گزیدن

روز هجران و شب فرقت يار آخر شد 162/1

زدم اين فال و شب فرقت يار آخر شد

"شادروان غنى احتشال ميدهد كه اين غزل ناظر به سر آمدن حكومت پر جور و

تعدى امير پير حسين در شيراز و غلبه بافتن شاه شيخ ابو اسحق بر اوست

و اشارت " باد بهار " " اقبال كله كوشه گل " " نگار " " يار " " شافيا "

ناظر به امير جمال الدين شاه شيخ ابو اسحق ابنجوست " (حافظ نامه ص 637)

"Марҳум Ғани аҳтимол этишларига кўра бу газал Шерозда Амир Пир Ҳусайнниг зулму истибдодга тўла ҳукумати тугатилиб Шох Шайх Абу Исҳоқ унинг устидан ғалаба қозонганига қаратилган ... Ва "Баҳор шамоли" "Гул дуррачаси иқболи", "нигор", "ёр" "эй, соқий" Амир Жамолиддин Шайх Абу Исҳоқ Инжуга қаратилган". (Ҳофизнома, 637-6).

6-мисол:

" حافظ دو سال اول از پنج سال سلطنت شاه منصور را درك کرده و نه بار

از او بالصراحه و بيكي ياد کرده است " (حافظ نامه . 71 ص 1077)

سحر چون خسرو خاور علم بر كوهساران زد 149/1

بدست مرحمت يارم در اميدواران زد

که خوش نقشی نودی از خط یار

"Ҳофиз Шоҳ Мансур салтанатининг беш йилидан икки йилини гувоҳи бўлган ва уни тўққиз марта очик-ойдин ва ҳурматини келтириб ёд олган. (Ҳофизнома, 1077-б.).

7-мисол:

445/1 ز کوی یار میاید نسیم باد نوروزی

نزلین باد ار مدد خواهی چراغ دل بر انروزی

"و شان نزول این بیت و سخنی که حافظ در پرده میگوید اشاره دارد به دلجویی حافظ از خواجه جلال الدین تورانشاه وزیر معروف شاه شجاع و مدوح حافظ که در دو بیت آخر نیز به نام او تصریح شده" (حافظ نامه 71-س 1191)

"Бу байтнинг туғилиш белгиси ва Ҳофиз пардалаб айтган сўзда Шоҳ Шужонинг таниқли вазири ва Ҳофизнинг мамдуҳи Хожа Жалолиддин Туроншоҳдан Ҳофизнинг раижиганлигига ишора бор, сўнгги икки байтда ҳам унинг номи аниқ кўрсатилган" (Ҳофизнома, 1191-б.).

Бу байтларни мисол тариқасида батафсил келтиришдан кузатилган мақсад иккита эди: 1. Хуррамшоҳий томонидан билдирилган фикр, яъни баъзи газалларда "адабий ишқ" кузатилади деган фикр ва "адабий ишқ"ни "инсоний" ва "ирфоний" "ишқ"дан ажратиб, ўзини алоҳида категорияга нисбат бериш, назаримизда ўринли эмас. Бундай "ишқ" на дунявий, на илоҳий ("ирфоний") "ишқ"ни акс эттирмайди, дейиш Ҳофизнинг шеърларини оёғини ердан узиб, муаллақ ҳолатда қолдириш демакдир; 2. Юқоридаги келтирилган мисолларда биз бу газаллардан атайлаб "йор" сўзи учраган байтларни танлаб олдик, чунки бир жиҳатдан "йор" баҳс мавзумиз бўлса, иккинчи томондан Хуррамшоҳий айтган "ишқ" қаратилган нишон, яъни "йор" барча жинсий, жисмоний аломатлардан холи эмас, аксинча реал тарихий шахсларга "йор" деб нисбат берилган.

Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, Хуррамшоҳий кўрсатган баъзи газалларда "йор" сўзи учрамайди, уларда "ишқ"ни мужассамлаштирган сиймолар бошқа ном билан,

"нигор", "дўст" ва ш.ў. сўзлар билан ифодаланган ва бу газаллар реал ҳақиқатда кимга бағишлангани ҳам маълум эмас. Лекин бу ҳеч нарсани ўзгартирмайди. Ҳозирги давр кишилари Ҳофиз давридан сўнг 600 йилдан кейин бу газаллардаги назарда тутилган шахслар реал ҳаётда ким бўлганлигини билмаслиги табиий, чунки Ҳофизнинг замонида ҳам газаллар аниқ кимга бағишланганини, агар газалда номи зикр этилмаган бўлса, билишмаган, фақат гумон қилишган. Лекин шахси аниқланмаган газални "адабий ишқ" деб бўлмайди, бу "ишқ" хоҳ дунявий, хоҳ илоҳий бўлмасин, бирон-бир мавжудот ва ҳаёлотга йўналтирилган.

Хуррамшоҳийнинг бир фикри тўғри, агар бу "ишқ" воқеликдан ташқари ҳаёлий оламга йўналтирилган бўлса унда жинсий ва жисмоний белгилари бўлмайди, лекин бу "ирфоний ишқ", яъни илоҳий маъбудага қаратилган ишқдир.

Аmmo баҳс газалдаги шахсларни аниқлаш устида эмас, ўз ўрнида бу ҳам муҳим, баҳс Ҳофиз газалда қўллаган бадий метод ҳақида, яъни сўзларнинг - нутқ бирликларини ишлатишда унинг маънолар системасидан қандай фойдалангани ҳақида кетмоқда.

Бадий метод нуқтаи назаридан қаралганда Ҳофизнинг газалларида учраган ҳар қандай нутқ бирлигини хоҳ "инсоний", хоҳ "ирфоний", хоҳ "адабий", деб бир ёқлама талқин қилиш шарқ бадий метод анъаналарига хилоф, газални, айниқса Ҳофиздай газал подшоҳининг газаллар маъно системасини ниҳоятда камбағаллаштириб, уни арзимас бир қофиябоз, маънолари саёз шоирга айлантириб қўйишдан бўлак нарса эмас.

Ҳофиз газалларидаги нутқ бирликлари мушаххас бир мавзуга қаратилмаган, ҳар бир сўзни газалда ишлатар экан айни замонда, унда Шарқ классик шеърятда жорий этилган муайян бадий қондалардан - шеърый сўнъатлардан фойдаланган, деб қаралса, у ҳолда юқорида келтирилган, Ҳофиз ҳаётдаги муайян шахсларга бағишлаган газалларда ҳам нутқ бирликлари бир неча хил маъно белгилари касб қилади.

Фикримизнинг далили сифатида юқорида зикр этилган, аниқ тарихий шахсларга қаратилган газаллардан баъзи байтлардаги "йор" сўзининг маънолар силсиласини таҳлил қиламиз. Ҳалложга бағишланган, деб гумон қилинган 136-газалдан мисол:

سالها دل طلب جام جم میکرد
 و آنچه خود داشت ز بیگانه ننی میکرد
 گوهری کز صدف کون و مکان بیرون است
 طلب از گشندگان لب دریا میکرد
 مشکل خویش بر پیر مغنان بردم دوش
 که به نباید نظر حل معما میکرد
 دیدمش خرم و خندان قدح باده بدست
 و ندران آینه صدگونه تاشا میکرد
 گفتم این جام جهان بین بتو کی داد حکیم
 گفت آن روز که این گنبد مینا میکرد
 بیدلی در سه احوال خدا با او بود
 او نمیبیدش و از دور خدارا میکرد
 این سه شعبده خویش که میکرد اینجا
 سامری پیش عصا و ید بیضا میکرد
 گفت آن یار کزو گشمت سر دار بلند
 جرعتش این بود که اسرار هیدا میکرد

Бу ғазалда 8-байтдаги "آن یار" ("ул йор") ўз аслий маъносида, яъни "маъшуқ" "дўст" маъно белгисида ишлатилмаган, демак бу сўз (кўчма) мажозий маънода ишлатилган. Бу ғазалда 3-байтда "пир مغنان" (муғлар пири) нутқ бирлиги ишлатилган 8-байтдаги "آن یار" сўзида "муқобала" санъати, яъни бир байтдаги бир сўзнинг шу байтдаги ёки бошқа байтдаги шунга мувофиқ сўз билан таққослаш санъати ишлатилган. Агар бу икки байтдаги мазмунни бир-бирига таққосласак "йор" сўзининг бир маъно белгиси зоҳир бўлади:

3. Мушкулимни муғлар пирига элтдим кеча,

Ки у фикр(им)ни қувватлаб муаммони ҳал этарди.

8. Шуни айтди-ю ул ёр баланд дорга тортилди,
Гуноҳи шул эдики, сирларни ошкор қиларди.

Бу икки байтни қиёсланса "йор" нутқ бирлигининг "муғлар пири" деган маъно белгиси зоҳир бўлади.

Бу байтда яна "киноя" санъати бор, "Киноя" санъати ўша муайян сўз ишлатилган бирикмадаги бирон - бир сўзнинг муайян ижтимоий ёки табиат ҳодисасига ишора қилиши.

8-байтда "дор" сўзи ўша белги-ишора вазифасини бажаради. Бу "киноя" санъати "йор" сўзининг "Мансур бинни Ҳаллож" маъно белгисини келтириб чиқаради.

"Йор" сўзининг "истиора" санъати воситасида очиладиган яна бир маъно белгиси бор. Агар "йор" сўзи матн парчасидаги "муғлар пири"га "муқобала" эканлиги назарда тутилса, у ҳолда "муғлар пири"нинг маъно белгиларидан бири - "донишманд киши"га ишора борлигини ва бу ҳолатда "йор" сўзи "донишманд киши" маъно белгисини истиора тариқида касб қилганлигини аниқлаймиз. Бу ўринда "йор" сўзи "донишманд киши", деб талқин қилинади ва реал воқелиқдаги муайян тарихий шахсга эмас, балки муайян кишилар тоифасига муносабати аниқланади. У ҳолда бу байт шундай талқин қилинади: "Донишманд киши билган сирларини ошкор қилса дорга осилажак".

Демак бу матн парчасидаги "йор" сўзида аслий маъно қаратилган мавзу "маъшуқа" маъно белгиси йўқ. Мажозий маъно системасида эса учта маъно белгиси зоҳир бўляпти. Зотан шоир кузатган мақсад ҳам мана шу пурмаънолик бўлса керак.

Фарзанд доғига бағишланган, деб гумон қилинган иккинчи мисолдаги "йор" сўзининг маъно белгилари ҳам фақат бир маъноси билан чегараланмайди. 210-ғазалнинг матласи шундай бошланади:

آن يار كزوه خانه ما جلی پری بود 210/1

سر تا قدمش چون پری از عیب بری بود

دل گفت فروکش کنم این شهر به بوش 210/2

بیچاره ندانست که یارش سفری بود

Бу ғазалдаги биринчи байтда "йор"нинг аслий маъноси "севимли шахс"га ташбиҳ тариқида ишора бор.

Биринчи мисрадаги "йор" иккинчи мисрадаги "пари"га ўхшатиляпти. Бу ўхшатишдаги "важҳи ташбиҳ" ("ўхшатиш белгиси") "афсонавий гўзал" маъно белгисидир. Биринчи мисрада киноя санъати бор. Бу киноя санъатининг белгиси "خانه ما" ("бизнинг уй") бирикмасидир. Бу киноя орқали "йор" сўзининг иккинчи маъно белгиси, яъни "уй аҳли" маъно белгиси зоҳир бўляпти. Учинчи маъно белгиси ташбиҳ санъатидаги "пари"нинг инсон тоифасига эмас "жин, фаришталар" тоифасига боғлиқ эканлигидир. "Ҳофизнома"да шундай шарҳ келтирилади:

' برى در ادب فارسى هم يعنى جن و فرشته و هم يعنى زيباى ارومانى

بكار ميرود (حافظ نامه - 71 ص 657)

"Пари форс адабиётида ҳам жин ва фаришта маъносида, ҳам идеал гўзал маъносида ишлатилади" (Ҳофизнома, 657-б.). Демак, учинчи маъно белгиси "фариштадай пок", тўртинчи маъно белгиси "пари"лар аёл жинсига мансублигини ҳисобга олган ҳолда "уйимиз бекаси" маъно белгилари намоён бўлади.

Агар бу ғазал Ҳуррамшоҳий айтганларидай фарзандидан жудолик муносабати билан ёзилган бўлса бу ўринда фарзанди - ўғил эканлигига биронта ишора йўқ.

Иккинчи байтдаги "йор" сўзи ўша ғазалдаги биринчи байтдаги "йор" нутқ бирлигининг ҳамма маъно белгиларини сақлаган ҳолда, унинг ҳам очилмаган янги маъно белгиларини киноя санъати воситасида ошкор қилади. Киноя қариналаридан бири "هوى" "ҳид" сўзи. Бу нутқ бирлигида Ҳофиз "эйҳом" санъатини ишлатган. "Эйҳом" санъати нутқ бирлигининг бирмас бир нечта маъноларига яширин ишора қилиб "сўз ўйини" ясашдир. Агар биринчи мисрадаги "هوى" сўзини аслий маъносида англаб мисра талқин қилинса у ҳолда мисра шундай маъно касб этади:

"Деди дил яшагум бу шаҳарни ҳидига жо айлаб " яъни " унинг ҳиди тутиб кетган шаҳарда яшайвераман" деб гумон қилди. Энди "هوى" сўзидаги эйҳом санъатига келсак, ундаги бошқа маъноларни Муҳаммад Али Исломиёв Надушан

"بو در نزد حافظ" (Ҳофиз наздида ҳид) мақоласида шундай талқин қилади:

"ابهام بوی (بعتلی طیب) و بوی بعتلی آرزو که حافظ آن را خیلی دوست دارد و بارها بکار برده پر معناست

ابهام دیگر بوی در مفهوم نشانه و اثر است " (مقالات س 660-665)

"Ҳофиз жонидан ортиқ кўрадиган ва неча марталаб ишлатган ҳид (муаттар ис маъносида) ва орзу маъносидаги ҳиднинг эйҳоми кўп маънолидир...

Ҳиднинг иккинчи эйҳоми нишона, асар тушунчасидир" (Мақолалар ... 65-666.).

Демак, бу мисрада ҳиднинг мажозий маъноларига ҳам ишора бор. Асл маънода "унинг ҳидига жо бўлган" маъно белгиси англашилса, айни пайтда унинг бошқа маънолари ҳам жилваланади. Иккинчи маъноси "унинг иштиёқи билан яшамоқ" маъно белгиси яширинган. Бу киноя белгиси воситасида шоир иккинчи мисрадаги "йор"га нисбат бериб, ёрнинг "севимли шахс" маъно белгисини изҳор этган. Чунки шоирнинг "بو" сўзининг маънолар силсиласидаги "иштиёқ" ана шу "йор"га қаратилган.

Иккинчи байтнинг иккинчи мисрасида "بود" "مفروى" нутқ бирлигида яна бир марта киноя белгиси яширинган. Бу киноя воситасида "йор"нинг умри қисқалигига, "ўткинчи" эканлигига ишора бор. Мана шу иккинчи мисрада баён қилинган киноя белгиси биринчи байт иккинчи мисрадаги "بو" (пари) ташбиҳида бошданоқ тажнис тариқида ишора қилинган. Маълумки "بو" сўзининг икки бир - биридан ажрим маъноси бор: 1. Афсонавий гўзал; 2. "патли, қанотли" маъно белгиси. Ҳофиз биринчи байтда "йор"ни "пари"га ташбиҳ қиларкан бир томондан унинг "афсонавий гўзал" демоқчи бўлса, иккинчидан "учар қуш", яъни "ўткинчи" маъносига ҳам ишора этган.

Бу икки байтдаги "йор"нинг маъно белгилари жамланадиган бўлса қуйидаги маъно белгилари зоҳир бўлади: 1. афсонавий

гўзал; 2. уй бекаси; 3. покиза аёл; 4. иштиёқ манбаи; 5. учар қуш; 6. умри қисқа.

Агар бу маъноларини жамлаб газални кимга бағишланганини аниқламоқчи бўлсак, кўпроқ жондан азиз рафиқасига бағишланганига амин бўламиз, агар "Ҳофизнома"да айтилганидай сеvimли фарзандининг марсиясига бағишланган бўлса кўпгина маъно белгилари ноўриндай кўринади. Лекин аслида бадий ижод принципи ҳаётдаги аниқ бир кишини ва аниқ бир ҳодисани тасвирлашда эмас, балки ҳаётдаги умумий бир ҳолатни қанчалик моҳирона, санъаткорона ифодалашда ва бу сиймони тасвирлашда ишлатган нутқ бирликлари қанчалик товланишида, жилваланишида, яъни пурмаъноликдадир. Шундай экан бу "йор" ўзининг "sevimли рафиқаси" ёки шоир орзусидаги, у ҳеч қачон висолига етишолмаган "дил маъшуқаси" ҳам бўлиши мумкин.

Таъбир жойиз бўлса, тасвир мавзуси рассомлар ижодига қиёсан, уйдаги ўз рафиқаси, шуни ўзига касб қилиб олган биронта натура (тимсол бўлиб хизмат қиладиган аёл), ёки рассом кўча-кўйда учратган ғойибона гўзал ҳам бўлиши мумкин. Санъаткорнинг маҳорати, баркамоллиги кимни эмас, қандай тасвирлашда.

Агар шундан келиб чиқадиган бўлсак, унинг шеърларидаги нутқ бирликларидан кимга қаратилганини эмас, қандай маъно белгиларини мужассамлаштирганини излаш жоиздир.

Юқорида келтирилган учинчи мисол ҳам фарзандига бағишланганлиги учун уни таҳлилидан сарфи назар қилинди. Тўртинчи мисол подшоҳ Шох Шужоъ мадҳида ёзилган. Бу байт шундай:

طربسرى محبت كنون شود معور · 263/6

که طاق ابروی یار منش مهندس شد

Бу байтнинг иккинчи мисрасида "йор" сўзига нисбатан киноя санъати ишлатилган. Киноянинг биринчи белгиси "طاق ابرو" ("пайваста қош") бу ёрнинг "гўзаллик" маъно белгиларидан. "طاق ابرو"да яна эйҳом санъати ишлатилган: биринчиси пайваста (қўшма) қош; иккинчиси "қайрилма қош" учинчиси "ёлғиз" (тоқ-жуфт) маъно белгиси.

"Йор" сўзининг иккинчи маъно белгисига ишора қиладиган киноя белгиси "مهندیس شد" (муҳандис бўлди) бирикмаси. "Муҳандис" ҳозирги ўзбек тилида "меъмор" ёки "архитектор" деб юритилади. Бу кинояда "йор"нинг "бунёдкор" маъно белгисига ишора ётади. Иккинчи сатрдаги "муҳандис" сўзи "мароатун назир" ("ўхшашликка риоя қилиш") санъати тариқида биринчи мисрадаги "طبرسرای" ишрат саройига нисбат берилган. "Йор" ишратсаройнинг "бунёдкори" бунда "йор"нинг "саховатли" маъно белгисига ишора бор, чунки ў ошиқларга "муҳаббат ишратхона"сини яратиб берди.

"Муҳандис" сўзида асл маъно "меъмор" маъно белгиси билан طاق ابرو (қуйма қош) орасида сатҳий маънода мослашув йўқ. Бу сўз, яъни "қош тоқи" билан "меъмор" мантиқий жиҳатдан мос келмайди. Лекин "меъмор"нинг эйҳом тариқида ишора қилинган иккинчи маъноси бунёдкор иштирокида мослашув вужудга келади. "Йор" "қайрилма қоши" имо қилгач "муҳаббат ишратхонаси", "обод" бўлди.

Демак бу ерда киноя, "эйҳом" "мароатун назир" санъатлари орқали "йор"нинг "гўзаллик", "яратувчи"лик, "саховатли"лик маъно белгилари зоҳир бўлган. Ниҳоят "йор"нинг яна бир қатор маъно белгиларини изоҳлайдиган "истиора" санъати бор.

"Гўзаллик" бу "йор" - "маъшуқа"нинг зотий маъно белгиларидан. "Яратувчи", "саховатли" маъно белгилари аслий маъно белгилари эмас, нисбий маъно белгиларидан. Демак улар "йор"да бўлиши ҳам мумкин, бўлмаслиги ҳам. Бу маъно белгилари воқеликда кўпроқ "жисмонан гўзал аёл"га эмас, балки соҳиби қудратга тааллуқлидир. "Йор"га нисбат берилган бу маъно белгилари аслида подшоҳга мансубдир. Демак, "йор"нинг реал воқеликка муносабатидаги бир маъно белгиси подшоҳга ишорадир. Иккинчи маъно белгиси "яратувчи"лик, "саховат"га моликлик оллоҳга нисбатдир. Демак, "йор"нинг ҳақиқий маъноси "маъшуқа"дан ташқари, мажозий "подшоҳ" ва "оллоҳ" маънолари зоҳир бўлмоқда.

Хулоса қилиб айтганда ғазаллардаги маънолар силсиласи, улар реал тарихий воқеликдаги дунявий (табий) ёки ғайри дунявий (илоҳий) мавжудотлардан аниқ бир шахс ёки мавжудотга бағишланганидан қатъий назар, якка-ёлғиз бир

маънода зоҳир бўлмайди, балки турли лафзий ва маъновий санъатлар воситасида сермаънолик (пурмаънолик) ҳосил қилиб, ҳам ҳақиқий ҳам мажозий маъноларда намоён бўлади.

Матн парчаси ва нутқ бирлигининг муносабатларида маънолар силсиласининг шаклланиши, таҳлилдан маълум бўлдики, учта омилга боғлиқ: ҳақиқий (аслий) маънолар силсиласининг мажозий маънолар келиб чиқишига муносабати ва бу ҳақиқий ва мажозий маънолар системасининг объектив борлиққа, яъни нутқ зоҳир бўлаётган ҳолат, шароитга муносабатидир.

Фақат шу учта омилнинг ўзаро муносабатларидаги тилшунослик жараёнларини тўғри англаган ва таҳлил қила олган ва уни реал воқелик (ҳолат) билан муносабатларини тўғри аниқлай олгандагина нутқ бирлигининг замиридаги маънолар силсиласи тўла ўрганилади ва талқин қилинади.

Бу таҳлил ўз навбатида Шарқ бадий санъат қоидаларидан, маънога мансуб санъатларни аниқ тасаввур ва татбиқ қилишга боғлиқдир.

2. Нутқ бирлиги маънолар силсиласида ҳақиқий ва мажозий маъно белгилари муносабатлари.

Бу мавзудаги баҳсимизни бошлашдан аввал шуни таъкидлаб ўтишимиз лозимки, "ҳақиқат ва "мажоз" тушунчалари, улардан ясалган "ҳақиқий" ва "мажозий" сифатлари минтақа адбиётшунослигида икки маънода ишлатилиши мумкин. Биринчиси, Ўрта асрлар аънавий адабиётшунослиги ва тасавуф фалсафасида кенг қўлланилган "ишқи ҳақиқий" ва "ишқи мажозий" бирикмаларида яширинган маъно бўлиб, бу ҳақда Хуррамшоҳий "Ҳофизнома"да шундай деб ёзади:

در آغاز بی زمانی خداوند که حسن بیلبان دارد به انتظالی حب ذاتی و جمال جلوه
خوش که آینه مجست و میخواست که از کنز مخفی (مرتبه عا و غیب الغیبی)
به مرحله شناختگی (معروفیت اسما و صفات) برسد تجلی ذاتی یافت فیضان
فیض اقدس صورت علمی یا اعیان ثابته مادیات جلوه مکنات از جلوه عشقرا
پدید آورد و سپس با تجلی دوم عشق پیدا شد یعنی از وجود غیبی علمی
بیرون آمد و وجود عینی خارجی پیدا کرد و در همه هستی سریان کرد و
هستی را یکباره در آتش خود یعنی عشق انسانها به یک دیگر (عشق مجازی)
و عشق به خداوند (عشق حقیقی) شعله ور ساخت
(-داستاننامه - 71 ص 602)

"Безамонлик (азал) даври бошида, поёнсиз ҳусн эгаси худованд ўзининг зотий муҳаббати ва жилваланишга интилган жамоли тақозосига кўра ойна излади ва махфий ганж (хазина)дан [аъмо ва ғайбул ғуюб ("соҳа, шан, мартаба" ва ғойиблар ғайби)] танилиш босқичи [исм ва сифатларининг танилиши]га интилди, зотий жилва (пайдо бўлиш)га эришди ва муқаддас файзнинг тўлғонишидан жумла мумкинот моҳияти, шу жумладан ишқнинг ташқи аломати (علم) ва собит аъни (اعیان ثابته)ни юзага келтирди. Сўнг иккинчи тажаллий (жилвага келиш) билан ишқ пайдо бўлди, яъни ғайбий (яширин) вужуддан бир аломат юзага келди ва ташқи айний (объектив) вужуд ҳосил қилди ва бутун борлиққа таралди ва борлиқни ўз олови билан, яъни инсонларнинг бир-бирига ишқи (мажозий

ишқ) ва худога ишқ (ҳақиқий ишқ) билан алангалатди" (Ҳофизнома, 6026).

Ана шу маънода ўша давр шоирлари ўз тасвир объектнинг фарқланшига кўра турли гуруҳларга ажратилган. Бу бадий методга оид масала бўлиб, М.С.Имомназаровнинг қатор мақолалари ва "Хусрав Деҳлавийнинг эпик ижодида метод ва поэтика масалалари" докторлик илмий рисоласида муфассал таҳлил этилган. (Имомназаров 1989)

Имомназаров ўз ишида асосан Алишер Навоийнинг бадий ижод тариқи ҳақидаги назарий мулоҳазаларига таянади. Алишер Навоий ўзидан олдинги форсий ва туркий тилли шоирлар тажрибасига таяниб минтақа адабиётшунослигига "бадий метод" маъносида "ҳақиқат тариқи" ва "мажоз тарқи" илмий атамаларини киритган ва, жумладан, Хожа Ҳофизни "ҳақиқат асрорига мажоз тариқини махлут қилган" ижодкорлар гуруҳига мансуб деб баҳолаган. (Маҳбубул - қулуб, 20-21б.)

Хуррамшоҳий ҳам ушбу йўналишда мулоҳаза юритиб, Ўрта аср буюк форсийзабон шоирларининг ижодини шундай табақаларга ажратади:

عشق در ادبیات منظوم فارسی دو جلوه بزرگ دارد نخست عشق انسانی که از
مثنوی ملی رودکی و عنصری نشأت گرفته در مثنوی ملی نظامی به اوج رسیده و عاشقان
و معشوقان بزرگ خسرو و شیرین و فرهاد یوسف و زلیخا لیلی و مجنون اورنگ
و کلچهر و نظیر آنها پرورده یا حدیث آنانرا به مبالغه شاعرانه بیان کرده
و با غزل بهترین و موجزترین قالب بیانشرا یافته است که اوج مطلقش در غزل
سعدی و حافظ است جلوه بزرگ دوم عشق عشق الهی یا عرفانی است که ابتدا در
مثنوی ملی سنلی و عطار درخشیده و اوجشرا در مثنوی و غزلیات مولانا طی کرده
است بهره عارفانه غزل عاشقانه سعدی اندک است ولی بهره عارفانه غزل حافظ
همانند و همچند بهره عاشقانه آن است بهره عارفانه غزل مولانا هم بیشتر است
(حافظ نامه - 71 ص 1167)

"Ишқ форс назмий (шеърӣ) адабиётида икки йирик жилва (кўриниш)га эга. Биринчиси инсоний ишқ бўлиб Рудакий ва Унсурийнинг маснавийларидан униб чиқиб, Низомийнинг маснавийларида камолига (авж) етди ва Хусрав, Ширин ва Фарҳод, Юсуф ва Зулайҳо, Лайли ва Мажнун, Авранг ва Гулчехр ва шунга ўхшаш буюк ошиқ ва маъшуқларни яратди

ёки (бошқача айтганда) улар ҳақидаги ривоят (ҳадис)ни шоирона муболаға билан баён этди ва газал воситасида энг яхши ва энг лунда (муъжаз) баён қолипини топди ва унинг мутлақ камоли (روح مطلق)ни Саъдий ва Ҳофиз газалида кўриш мумкин.

Ишқнинг иккинчи йирик жилваси (кўриниши) илоҳий ишқ ёки ирфоний ишқдирки, ибтидода Санойй ва Атторнинг маснавийларида чарақлади ва камолини Мавлоно (Румий) маснавий ва газалларида касб этди Саъдийнинг ошиқона газалларидан ирфоний улуши андаккина. Лекин Ҳофиз газалларнинг орифона қисми ошиқона қисми билан баробар ва ҳамсавиядир. Мавлононинг орифона газаллари улуши ҳам кўпроқ"(Ҳофизнома,1167).

Аммо ушбу бобда бизнинг асосий мақсадимиз тасвир объекти, яъни шоирнинг борлиққа ёндошишидаги тасвир принциплари (тариқи) эмас, балки тасвир воситаси - нутқ бирлиги маънолар системасидаги "ҳақиқат" ва "мажоз"дир, яъни бу тушунчаларни ҳозирги замон тилшунослик ва адабиётшунослигида одатда қўллаб келинган маънолари ("ҳақиқий" ёки "тўғри маъноси" - "мажозий" ёки "кўчма маъноси" қаби)дир. Тасвир воситасидаги "ҳақиқат ва мажоз" категориялари "илми баён"да қандай таърифланиши юқорида зикр этилди.

Шуни эътироф этиш керакки, тасвир усули (метод) ва тасвир воситалари бир-бири билан узвий боғлиқ, тасвир усули тасвир воситаси - нутқ бирлигида ўз инъикосини топганидек, тасвир воситасидаги ифодаланган маънолар системасининг ниҳойи мақсади ҳам ўша тасвир объектига йўналтирилган. Шундай экан бу қарама-қаршилик ва бирликни бир-бирдан ажратиб бўлмайди.

Зотан юқорида келтирилган иқтибосда "Ҳофизнинг газалларида орифона ва ошиқона қисми бир-бирига баробар ва ҳамсавиядир" деган фикрда ана шу ўзаро қарама-қаршилик ва бирлик ўз ифодасини топган.

Демак "Ҳофизнома" муаллифининг фикрича Ҳофиз газалларида бадий метод (тасвир объекти) бир хилда эмас, ҳам ҳақиқий ишқ (илоҳий ишқ), ҳам мажозий ишқ (инсоний ишқ)га мансуб газаллари бор. Бадий тасвир объектидаги бу иккилик -

бўлиниш тасвир воситасида қандай ўз инъикосини топиши эндиги таҳлилимиз мавзусидир.

Биз олдинги бобда "йор" нутқ бирлигининг наҳвий бирикмаларда ўз ифодасини топган маъно белгиларини аниқлар эканмиз, бу нутқ бирлигининг маънолар силсиласидаги ҳақиқий маъно белгилари (тўғри)ни ёнма-ён жойлашган сўзлардаги ана шу ҳақиқий маъно белгиларини юзага чиқарувчи қарина (белги) орқали аниқлашга интилдик.

Аммо кейинги таҳлилимиздан, яъни нутқ бирлигининг наҳвий бирикмадан кенгроқ матн парчаси ва объектив воқелик (ҳолат) билан муносабатда қараб чиққанимизда, бир нутқ бирлиги айни пайтда биргина маъно белгисига эга бўлмай, балки ундан кўпроқ маъно белгиларини ифодалай олиши маълум бўлди.

Эндиги навбатда биз нутқ бирлигининг матндаги биргина сўз билан эмас, балки матн системасидаги (бу ўринда газал девони) барча луғавий-маъно гуруҳлари билан ўзаро муносабатларини ва бу муносабатларда нутқ бирлигининг ҳақиқий ва мажозий маъно белгиларининг қай тарзда ифодаланиши ва уларнинг орасидаги ўзаро бир-бирига боғлиқ маъно ҳодисаларини системалаштиришга интиламиз.

Нутқ бирлигидаги ҳақиқий ва мажозий маъно белгиларининг муносабатларини аниқлаш учун газалда учрайдиган ҳар қандай кўп ишлатилган сўзни таҳлил мавзуси қилиб танлаш мумкин, лекин бу тадқиқотда "йор" сўзи бошида кўриб чиқилгани учун таҳлилнинг мантиқий давоми сифатида ўша нутқ бирлиги маънолар силсиласидаги ҳақиқий ва мажозий маъно белгиларининг ўзаро ҳамоҳанглигини таҳлилини давом этдирамиз.

Девонда "йор" нутқ бирлиги биринчи марта 3-сонли газалда учрайди.

Бу газал машҳур ғазаллардан бўлиб, матласи шундай:

اگر آن ترک شیرازی بدست آرد دل مارا

بخال مندوش بخشم سمرقند و بحارارا

Матладан кўриниб турибдики бу ерда ҳеч шак-шубҳасиз "инсоний ишқ", яъни туркий миллатдан бўлган Шероз гўзалига ишқ тараннум этилган.

Бу ғазалнинг тўртинчи байтида "йор" сўзи ишлатилган.

ز عشق ناتمام ما جمال يار مستغنى است

به آب و رنگ و خال و خط چه حاجت روی زیارا

Муҳтож эмас ёр жамоли нотамом ишқимизга.

Обу рангу холу хат не ҳожат зебо чеҳрага.

Бу байтда "жамъу тафриқ" санъати ишлатилган, биринчи байтдаги "جمال يار", "ёор" жамоли "жамъ" бўлиб, "обу рангу холу хат" "тафриқ" санъатидир. Бу санъат билан "ёор"нинг ҳақиқий маъноси - "гузаллик" маъно белгиси очилмоқда "обу ранг" - "упа-элик" "хол-у хат" "ёор"нинг, "табий инсон"лик маъно белгисини зоҳир қилмоқда. Биринчи мисрада "истиора" санъати бор. Бу санъатнинг белгилари "عشق ناتمام" ва "مستغنى" "истиғно" "эҳтиёжсизлик", "муҳтож эмаслик" "лоқайдлик" лугавий маъноларига эга. Бу сўз "Ҳофизнома"да шундай шарҳланади:

' استغنا - بى نيازى حق است از نودما و كردار بندگان و اگر در مورد عارفان كامل بكار برند مراد بى نيازى از غير حق است و نياز به او (فرهنگ اشعار حافظ س 19-20)

"Истиғно: Ҳақнинг бандаларининг кўринишларин ва аъмолларидан бениёз (муҳтожмаслик)лиги, агар комил орифларга нисбатан ишлатилса ҳақдан бошқага бениёзлик ва унгагина ниёзмандлик назарда тутилади" (Ҳофиз шеърларининг лугати.20-19.6).

Бу аломатлардан иккинчиси "عشق ناتمام" "ноетук ишқ", яъни инсон ишқ, етук ишқ фақат оллоҳнинг ўзинга мансуб. Бу иккита белги "ёор"нинг истиора тариқасида "ҳақ таоло" маъно белгисига киноядир. Бу "ёор"нинг мажозий маъноси бўлиб, тилшунослик нуқтаи назаридан функционал маъно кўчишидир. Негаки "ишқ" ва "бениёзлик" иш-ҳаракатини ифодалайди.

Шоир "жам'у тафриқ" "истиора" санъати орқали ҳам нутқ бирлигининг ҳақиқий маъносидан, ҳам мажозий маъносидан фойдаланган.

"Ёор" нутқ бирлиги иккинчи марта 5-ғазалда учрайди. Бу ғазалнинг матласи шундай:

دل ميروء ز دستم صاحب دلان خدارا
 دردا كه راز پنهان خواهد شد آشكارا
 كشتى شكستهگانيم لى باد شرطه بر خيز
 باشدكه باز بينيم آن يار آشكارا
 ده روزه مهر گردون اتسانه است و اتسون
 نيكي بجلى ياران فرصت شمار يارا

Таржимаси:

Эй аҳли диллар, худо ҳаққи, дилдан айрилмоқдаман,

Во дариг, яширин сир ошкор бўлгуси.

Кемаси синганларданмиз эй шарта шамоли тургил,

Умид қиламизки ул таниш йорни яна кўрсак.

Самодаги ўн кунлик қуёш афсона ва афсундир,

Эй ёр, ёрлар ҳаққиға яхшилик қилишни айни фурсати деб

билгил.

Бу ғазалда "йор" нутқ бирлиги уч марта ишлатилган. Шуни айтиш керакки, аллома Қазвиний ва доктор Ғанининг нухасида иккинчи байтдаги "йор" (дийдор, юз) шаклида келган.

Аммо маъно жиҳатдан булар унчалик фарқ қилмайди, чунки ҳар иккала шаклда ҳам "таниш сиймо" маъно белгиси бор. Бу байтда "йор" сўзининг ҳақиқий маъно белгиси бор. Ҳақиқий маънони белгиловчи аломатлар "Аشنا" (таниш) "باد شرطه" (мувофиқ шамол), "كشتى شكسته" (синган кема) нутқ бирликларидир. Шак-шубҳасиз бу аломатлар "йор" сўзининг, "уй бекаси" маъно белгисини юзага чиқаради.

Лекин бу байтда "йор" сўзининг истиора тариқида "жуз" (бўлак)ни "кулл" (бутун, умум) ўрнида ишлатиш белгиси бор-бу "Аشنا" сўзи. Чунки "Аشنا" (таниш), сўзини ҳам "энг яқин киши" маъно белгиси бор, ҳам "бегона"ларга нисбатан "танийдиган" оппозиция маъно белгиси бор. Агар ана шу оппозицияга асосланилса "йор" - "таниш кишилар", яъни жамловчи маъно белгиси касб қилади.

Бу байтдаги "йор"нинг учинчи маъно белгиси бор - бу маъно "инсон" - "илоҳиёт" луғавий маъно гуруҳи

муносабатларида тугилади. Бу маъно белгисининг матн парчасидаги аломатлари яна ўша "آشنا" (таниш), "كشنى شكستان" (кемаси синганлар) нутқ бирликларига таянган. Бу ҳолатда "آشنا" қадимий дўст маъно белгисини ва "كشنى شكستان" ҳоли хароб маъно белгисини англатади ва ирфоний маъно, яъни "вахдатга эришармикинмиз" деган умид ва аянч оралигидаги ҳолатни тасвирлайди. Бу ҳолатда "йор"нинг истиорий маъноси "азалий дўст", яъни "оллоҳ" бор.

Биринчи истиорий маънода бирликнинг маъно белгиси кўпликка кўчган бўлса, иккинчи маъно белгиси воқеий борлиқдан, тасаввур оламига кўчган. Бу байтда "йор"нинг тўртинчи маъноси ҳам бўлиши мумкин. Бу маъноси ҳолат маъноси бўлиб, шоир ҳаётдаги муайян бир турмуш ҳодисасини, яъни дарёдаги бошдан кечирган тўфонни тасвирлаган бўлиши мумкин. У ҳолда "йор" ҳаётдаги муайян шахс маъносини англатади.

Учинчи байтдаги "باران" (йорлар) сўзининг фақат мажозий маъно белгиси ифодаланган, бу нутқ бирлигида "بار" сўзининг ҳақиқий маъно белгиси, яъни "дўст", "маъшуқа" маъно белгиларига ишора қилувчи аломатлар кўзга ташланмайди. Бу байтдаги "باران" нутқ бирлигининг маъно белгисини аниқлаштирувчи нутқ бирлиги "نيكى" (яхшилик) бўлиб, бу "ёмонлик"ка нисбатан оппозиция ҳосил қилган азалий фалсафий тушунчадир ва бу фалсафий тушунчага таянган ҳолда "йор"нинг жамловчи маъноси очилади. Бу "башар, инсонлар" маъно бирлигидир. Бу мисрадаги "بارا" (эй, йор) нутқ бирлигида ҳам ҳақиқий маъно бирлиги - "дўст", "маъшуқ" маъно белгилари кўрилмайди, бу ўринда ҳам "инсон" фалсафий жамловчи маъно белгиси намоён бўлади.

Бу байтда "илоҳиёт" лугавий маъно гуруҳига алоқа кузатилмайдди, чунки бу маъно бирлигини, нисбат беришга зид белги мавжуд - бу зид белги биринчи мисрадаги "روزه مهر گردون" (самонинг ўн кунлик қуёши) бирикмасидаги "ўткинчи дунё" маъно белгисидир. Иккинчи мисрадаги "йор"нинг маъно белгиси мана шу "ўткинчи дунё"га боғланган. Демак

"Йор"нинг ҳам "умри ўлчов"лигига ишора бор. Бу "ўткинчи"лик маъно белгисини табиийки "илоҳиёт"га нисбат бериб бўлмайди.

Умумлаштириб айтганда бу ердаги маъно белгиси метонимияга ёки шарқ истиора санъатидаги "кулл" ўрнига "жуз" ишлатиш асосига қурилган.

"Йор" сўзи ишлатилган кейинги байт 9-газалда учрайди. Бу газалнинг матласи шундай:

رونق عهد شباب است دیگر بستان را

میرسد مژده گل بلبل خوش الحان را

[Ёшлик даври равнақидир бўстонда яна
Гул хушхабарин кетирмиш сайроқи булбулига].

Ғазал ўта жонли табиат манзарасини тараннум этиш билан бошланган.

"Йор" сўзи ишлатилган байт шундай:

بار مردان خدا باش که در کشتی نوح 9/6

هست خاکی که به آبی نخرد طوفان را

Бу байтнинг иккинчи мисраси "Ҳофизнома"да шундай шарҳланади:

' علامه نزوی میفرماید در این بیت تلحیح است به قصه مشهور جسد آدم که نوح بر او مهار کردن طوفان که طغیانش از حد نگذرد تبرکا آن راهراه کشتی خود داشت پس خاک در مصراع دوم جسد آدم است و طوفان نوح (و به آبی نخرد یعنی ارج چندانی نگذارد) 'تضین هلی حافظ 'نوشته محمد نزوی (حافظ نامه - 71 ص 156)

"Аллома Қазвиний ёзади: "Бу байтда Нуҳ тўфонининг тугёни ҳаддан ошмаслиги учун табаррук қилиб кemasига олган Одамнинг жасади ҳақидаги машҳур қиссага талмиҳ (кўчирма) бор. Демак, иккинчи мисрадаги "خاک" (тупроқ) Одам жасади ва Нуҳ тўфонидир ["сувга сотиб олмайди", яъни ҳеч қандай қадрламайди] "Ҳофиз тазминлари" Муҳаммад Қазвиний асари" (Ҳофизнома, 156-б).

Бу байтнинг таржимаси:

Худо кишиларининг ёри бўлгилки Нуҳ кemasида,

Тупроқ борки тўфонни алишмас сувига.

Бу байтда "йор"нинг ҳақиқий маъноси зоҳир бўлмайди, Мажозий маъно белгиси эса истиорий равишда "مردان خدا" "худо эранлари" бирикмасига боғлиқ مردان خدا нинг бир маъно белгиси Нуҳ билан боғлиқ бу "пайгамбар" маъно белгиси. Иккинчи маъно белгиси тахайюлий (ассоциатив), яъни "солик, ориф" маъно белгиси мавжуд. "Йор"нинг маъноси иккала ҳолатда ҳам "ҳамдам, сафдош" бўл маъно белгисини англатади. Бу ўринда ҳам "йор"нинг "илоҳий" маъно белгиси йўқ.

"Йор" сўзи ишлатилган навбатдаги байт 11-ғазал бўлиб, матласи шундай:

سائى بنور باده بر اتروز جام ما
مطرب بگوکه کار جهان شد يكام ما

[Соқий бода нури билан ловуллаат жомимизни,
Мутриб дегилки жаҳон иши бўлди [мувофиқ] мақсадимизга]
Бу "хамрия" жанрига боғлиқ ғазал. 2-байти шундай:

11/2 ما در پياله عكس رخ بار دبدە ايم
لوى بيخبر ز لذت شرب مدام ما

[Биз пиёлада ёрнинг юзи аксини кўрганмиз,
Эй беҳабар, доимий ичкилик лаззатимиздан.]

Бу байтдаги "йор" сўзининг биринчи киноя белгиси عكس رخ (юз акси) ва иккинчи киноя белгиси در پياله (пиёлада) биринчи кинояда "гўзаллик" маъно белгиси ҳосил бўлади, иккинчисида вале нинг истиорий маъноси "май" ошкор бўлади. Бу мажозий маънолар воситасида талқин қилинса, мисра шундай маъно касб қилади: "Биз майда ёрнинг ҳуснини кўрганмиз". Лекин бу билан "йор"нинг ҳақиқий маъно белгиси "маъшуқа" очилади. Бу байтдаги киноя белгиларида иккинчи маъно белгисига ишора бор - ёрнинг самода эканлигига ишора. Бу белги "йор"нинг "оллоҳ таоло" маъно белгисини очади. Зотан иккинчи мисрадаги مدام (доимий ичиш ёки май ичиш) ҳам ўша маъно белгисидан далолат беради. Шоир доимо ичишининг сабабини "майда оллоҳнинг жамолини кўргани учун" демоқчи бўлади.

Бу байтда ҳам эйҳом санъати "йор"нинг ҳақиқий ва мажозий маъноси асосига қурилган.

"Йор" нутқ бирлиги 14-ғазалда 2-байтда ишлатилган:

موسم عیش است و دور سافر و عهد شباب

Бу байтда "йор"нинг мажозий маъноси кузатилмайди, чунки мажозий маъно белгисини англаувчи бирон киноя белгиси кўрилмайди, аксинча байтдаги барча нутқ бирликлари "йор"нинг ҳақиқий маъносидан далолат беради. Бу байтнинг таржимаси шундай:

[Уй ташвишсиз, соқий ёр, мутриб гап устасн.

Айш мавсуми-ю, қадаҳ даврада, ёшлик даври].

Бу байтда оддий ҳаётини ҳолатни тасвирлашдан бошқа мажозий маъно йўқ.

Кейинги байт 23/1 ғазал матласида келган:

23/1 در دیر مغان آمد یارم قدھی در دست

مست از می و میخاران از نرگس مستش مست

[Муғлар дайрига келмиш йорим қўлида қадаҳ,
Майдан маст у, майхўрлар маст наргисидан маст].

Биринчи мисрадаги **دیر مغان** (муғлар ишратхонаси) ва **قدھی در دست** (қўлида қадаҳ тутган) бирикмалари "йор"нинг ҳақиқий маъносидан далолат беради ва "маъшуқа" маъно белгисига ишорат қилади. Бу байтда мажозий маъно беришга киноявий белги бор - **مست از می** (майдан маст) бирикмаси. Албатта бу ўринда "май"ни ирфоний маънода талқин қилиш мумкин.

' می تجلیت الھی را گویند ام از آنکه آناری باشد یا اتعالی با صفاتی
با ذاتی بقدر وسع مشرب بود ' (مرات عشاق) (س 173)

[Оллоҳнинг тажаллиётига айтишади, асарлари ё фаолияти бўлсин, сифатлари ёки зоти бўлсин, кенгроқ маънода машраб (олинадиган фойда) бўлади.] (Бертельс-65, МУ 173-6.)

"Маст" сўзи ирфоний рамз сифатида шундай маъно беради:

' مست خراب كمال استغراق دل را گویند بر وجهی كه شعور بلوازم هستی
ماند و برتبه وصول رساند ' (مرات عشاق) (س 171)

[Масти хароб: Дилнинг жамолига тамомйла чўмишига айтиладики, борлиқ ашёларини шуури (ҳис этиш) қолмайди ва вусул (етишиш) мартабасига эришади. (Бертельс-65, МУ 1716).

Шунигдек قدح сўзининг ҳам рамзий маъноси бор.

' قدح وقت و هنگام تجلی را گویند که موطن تجلیات آثار است و این منوط مشروط بود به آنکه دل عارف جمیع نقود افکار و نتیج انظار را با تمام اجناس آثار احکام حس و وهم در هنگام داد خواستن حریف در بازو و محو سازد (مرات عشاق ص 167)

[Тажаллининг вақти-соатига айтилади, тажаллиётнинг из қолдирувчи маконидур ва бу орифнинг дили тафаккурнинг бор нақдини (ҳосила) ва назарларнинг натижасини ҳиссий ва хаёлий ҳукмлар таъсири билан бирга ҳарифдан адолат сўраганда бой бериши ва маҳв қилиши шарти б-н боғлиқдир]. (Бертельс-65, МУ, 167-6).

Юқорида келтирилган киноя белгилари рамзий тус олади ва "йор" нутқ бирлиги ирфоний жазавага тушган "ориф ёки солиқ" маъносини касб қилади.

У ҳолда бу байт қуйидагича талқин қилинади:

[Ориф тажаллийдан баҳраманд ёлгон дунёга кириб келди,
У жамолига маҳлиё ва бошқа солиқлар унга маҳлиё]

Бу ўринда ҳамма нутқ бирликлари мажозий маънода талқин қилинади. 27 - байтда "йор" сўзи матлада келади:

27/1 لی نسیم سحر آرامگاه یار کجاست

منزل آن ماه عاشق کش عیار کجاست

[Эй саҳар насими, ёрнинг оромгоҳи қаерда,
ул ой, ошиқкуш, айёрнинг манзили қаерда]

Бу байтда "жамъу тафриқ" санъати ишлатилган. Биринчи мисрадаги жамловчи нутқ бирлиги "йор" бўлиб, иккинчи мисрадаги "ой, ошиқкуш, айёр" унинг сифатларидир. Бу сифатларда "йор"нинг "ғўзаллиги, бераҳмлиги, алдовчи"лигига ишора бор. Бу "йор"нинг "маъшуқа" ҳақиқий маъно белгисини ифодалайди. Лекин бу байтда яна киноя белгилари бор-бу منزل کجاست (оромгоҳи қаерда) منزل کجاست (манзили ... қаерда) бирикмалари бўлиб бу "йор"нинг мажозий маъно белгисига ишора, яъни "йор" - "яширин зот", "сирли зот" маъно белгилари зоҳир бўладики, бу шак-шубҳасиз оллоҳ таолога ишорадир. Бу ўринда ҳам шоир бадий санъати "йор"нинг ҳақиқий ва мажозий маънолари муносабатларига қурилган.

Зотан бу мажозий маънога иккинчи байтда аниқ ишора бор.

شب تار است و ره وادی این در پیش 27/2

آتش طور کجا موعده دیدار کجاست

[Кеча қоронғи-ю олдинда иман водийсининг йўли

Тур оташи қайда-ю дийдор ваъдаси қани]

Бу Қуръондаги Мусо пайғамбарнинг оллоҳга бир кўриниш беришни илтижо қилиб сўрагани ва оллоҳ тажаллий (нур)идан Тур тоғи тош-талқон бўлиб кетганига ишора.

Шу ғазалнинг 7-байтида "йор" сўзи шундай ҳолатга эга:

سألق و مطرب و می جمله مهیاست ولی 27/7

عیش می بار مهیا نشود بار کجاست

[Соқи-ю, мутрибу май жумла муҳайёдур вали,

Ёрсиз айш муҳайё бўлмас, ёр қани?]

Бу байтдаги "соқий, мутриб, май" ҳам "йор"нинг ҳақиқий маъносига, ҳам мажозий маъносига ишора қилади. Ундан ташқари иккинчи мисрадаги "йор"нинг икки марта ишлатилишида "тажнис" санъати бор. Биринчи "عیش می بار" бирикмасида "йор" - "ҳамдам" маъно бирлигини ифодаласа иккинчи "йор" - "маъшуқа" маъно бирлигини англатади.

30-ғазал 6-байтда "йор" шундай таркибда келади:

من نخواهم کرد ترک لعل بار و جام می 30/6

زامدان معذور داریدم اینم مذهب است

[Мен йорнинг лаъли(лаби) ва май жомини тарк этмагум,
Зоҳидлар мени маъзур тутинг, бу менинг мазҳабим]

Бу байтдаги бадӣ'а "илми маъоний" да "эътироз" санъати дейилади ва бу шундай санъатки иккинчи мисрадаги жумла است مذهب است (бу менинг мазҳабим) биринчи мисрадаги фикрни таъкидлайди.

Биринчи мисрадаги "лаъли йор" - "лаззат манбаи" маъно белгисини, демакки "йор"нинг "маъшуқа" ҳақиқий маъносини зоҳир қилади. Лекин لعل (лаб)нинг рамзий маъноси бор:

لب كلام منزل را گویند از عالم معانی که بواسطه نزول نماید
انبیاء بواسطه ملک و اولیاءا بواسطه تذکبه و تعقیه از راه الهام
(حرات عشاق)

[Нозил бўлган каломга айтилади - бирон восита билан нузул (пастга тушиш) бўлса. Пайгамбарларга фаришта воситасида, авлиёларга нафси ўлдириш ва покляниш воситасида илҳом йўли билан тушади]. (Бертельс-65, М.У., 170-б).

Бу нутқ бирлигидаги киноя белгиси "йор"нинг мажозий маъно белгиси, яъни "оллоҳ" маъно бирлигини зоҳир қилади. Бу мажозий маънода байт шундай талқин қилинади: "Мен оллоҳнинг каломини ва унинг нурини тарк этмагум".

Шоир бу ўринда ҳам сўз санъатини ҳақиқий ва мажозий маънолар асосига қурган.

Дарвоқе ҳудди шу мажозий маъно 34/8 - ғазалда ҳам намоён бўлади.

لی عاشق گدا چو لب روحبخش یار
میدهدنت وظیفه نقاضا چه حاجت است

[Эй гадо ошиқ, йорнинг руҳбахш лаби
Берган экан улушинг, тақозога не ҳожат].

Бу мажозий маънода шундай талқин қилинади:

"Эй гадо ошиқ, оллоҳнинг жон бағишловчи каломини (қуръон) сенинг озуқангни бериб қўйибди, яна оллоҳдан нимани талаб қилмоқдасан".

36 - ғазалда "йор" нутқ бирлиги икки марта учрайди:

دلا مثال ز بیداد و جور یار که یار 36/6

ترا نصیب همین کرده و ابن از آن داداست

Бу байтдаги "йор" сўзлари "тажниси том" санъати билан боғланган, иккинчи "йор" сўзида "эйҳоми таносуб" санъати бор.

Биринчи ишлатилган "йор" сўзининг сифатларидан "адолатсизлик" ва "жабр" бу сўзсиз "маъшуқа" маъно белгисини англатади.

Иккинчи "йор"нинг маъносига юзаки қараганда "маъшуқа" маъно белгисини ифодалайди, шоир "эйҳом" дан фойдаланиб унинг иккинчи маъносини ишлатган. "Йор"нинг мажозий

маъносига ишора **کرد نصیب** (насиб қилди), **از آن داداست** (шунингчун берди) киноя белгилари бўлиб, бу оллоҳнинг сифатларига ва аъмолига ишора. **داد** нутқ бирлигида ҳам "эйҳом" бор: 1. берди; 2. адолат; 3. адолатсизлик. "Адолатсизлик" маъно белгиси "мана унинг адолати", деган киноядан келиб чиқади. Бу оллоҳнинг адолатидан шикоят эмас "йор- маъшуқа" нинг адолатсизлигидан шикоят. "Йор"нинг ҳам ҳақиқий, ҳам мажозий маънолари жилваланган.

"Йор" нутқ бирлиги ишлатилган навбатдаги газал 52-сонли бўлиб, бу газалда "йор" уч байтда учрайди:

لعل سیراب بخون تشنه لب بار منست 52/1

وز بی دیدن او دادن جان کار منست

[Лаъли сероб, қонга ташна менинг ёрим лабидир
Уни кўриш пайида жон бермоқ менинг ишим].

Бу байтда бир қанча санъат ишлатилган. Биринчиси **لب یار** (ёр лаби) билан **لعل سیراب** (сероб лаъл)да "ташбиҳ" санъати бор. Бу муносабатдаги "важҳи ташбиҳ" "қизиллик". Иккинчидан "сероб" да "эйҳом" санъати бор. 1. сувга бой; 2. сержило, яъни тўқ қизил.

Бу иккала сифатни "йор"нинг лабига нисбат бериш мумкин. Байтда яна "муқобила" санъати бор: **لعل سیراب** (сероб лаъл) ва **بخون تشنه** (қонсираган) ва **دیدن او** (уни кўриш) ва **دادن جان** жон бериш) орасида. **دادن جان** (жон бериш) да "эйҳоми таносуб" санъати бор. 1. жон бериш; 2. қон оқиши. Бу байтдаги "йор"нинг мажозий маъно бирлигига ишора қилувчи киноя белгилари **(ملایات)** кузатилмайди, Аксинча мажозий маъно бирлигини талқин қилишга қарши киноя белгилари бу **لعل سیراب** (сероб лаъл) **بخون تشنه** (қонга ташна) сўз бирикмалари бўлиб бу белгилар **لب** (лаб), яъни рамзий маънода "калом"нинг ифодаланишига зид белгилардир.

Шу газалнинг 7-байтида ҳам بار нутқ бирлиги учрайди:

شربت قند و گلاب از لب بارم فرمود 52/7

نرگس او که طیب دل بسیار منست

[Қанду гулоб шарбатин ёр лабидан буюрди,
Бемор дилим табиби бўлмиш унинг наргиси].

Байтдаги لب (лаб) نرگس (наргис) "йор"нинг: "маъшуқа" ҳақиқий маъносини ифодалайди.

Бу байтда мажозий маъно белгилари ҳам бор - бу نرگس (наргис) دل بیمار (бемор дил) нутқ бирликлари орқали ифодаланган. "Наргис" ва "бемор дил"нинг рамзий маъноларини назарга олинса "қанду гулоб шарбати" "даво" маъно белгисини, "ёр лаби" - "оллоҳнинг каломи" маъно белгисини касб қилади ва бу ўринда ҳам бадий санъат "بار"нинг ҳақиқий ва мажозий маъно белгиларининг асосига қурилгани маълум бўлади.

Шу газалнинг 8-байтида "йор" шундай таркибда келади:

آن که در طرز غزل نکته به حافظ آموخت 52/8

بار شیرین سخن نادره گفتار منست

[Улки газал тарзинда Ҳофизга нукта ўргатмиш,
Менинг нодир сўзловчи ширинсухан йоримдир].

Байтдаги "نادره گفتار" (ширин сўз) "شیرین سخن" (нодир гапларни топувчи) ҳақиқий маъно белгиларидир. Бу белгилар "йор"нинг "севимли аёл", "илҳом париси" маъно белгиларини ифодалайди.

Байтда мажозий маъно белгиларига ишора бор-бу "در طرز غزل" (газал услубида) "نکته آموخت" (нукта-нафис фикр ўргатди) киноя белгилари бўлиб, "йор"нинг "устоз" маъно бирлигини ифодалайди.

Байтдаги "ширин сўз", "нодир баён" бирикмаларини ассоциатив (тахайюл тарзи) тарзда "Қуръон"га нисбат бериш имкони бор. У ҳолда "йор" - "оллоҳ таоло" маъно белгисини ҳам ифодалайди.

Демак шоир бу байтда бир йўла учта маъно белгисини "йор" сўзига юклаган.

Юқорида таҳлил этилган байтлар, таҳлилда бир ёқламаликка йўл қўймаслик ва ўз даъвосини исботлаш учун атайлаб тадқиқот мақсадига мувофиқ бўлган газалларни танламаслик ниятида бир бошдан қаторасига кўриб чиқилди. Девонда "йор" нутқ бирлиги учраган барча байтлар таҳлил этилса иш ҳажми ниҳоят чўзилиб кетишини назарга олиб, шунингдек кўп байтларда "йор"нинг ҳақиқий ва мажозий маънолар силсиласи такрорланишни ҳисобга олиб, бу дан кейин фарқли маъно белгилари бўлсагина таҳлил этиш лозим кўрилди.

64-газалда "йор" шундай байтда келади:

عاشق که شد که یار بحالش نظر نکرد 64/4

لی خواجه درد نیست و گرنه طیب هست

[Ким ошиқ бўлди-ю йор боқмади унинг ҳолига
Эй хожа, дард йўқ, йўқса табиб бор].

Бу газал бошдан-оёқ ҳақиқий ишқ, яъни илоҳий ишққа бағишланган. Бу байтда "йор"нинг "севимли аёл", "оллоҳ таоло" маъно белгиларидан ташқари "йор"нинг янги маъно белгисига киноя белгилари бор. Бу белгилар "ошиқ" "дард йўқ", "табиб" сўзларида яширинган. "Ошиқ" мажозан - "интилувчи", "дард" - "иштиёқ", "табиб" - "иштиёқни қондирувчи" маъно касб қилади. Бу ҳолатда "йор" фалсафий маъно касб қилиб "мурод, мақсад" маъно белгисини ифодалайди. Байт шундай талқин қилинади "Ким интилди-ю, мақсад унга қайрилиб боқмади (раво бўлмади), Дилда иштиёқ (ҳавас) йўқ, йўқса ниятнинг амалга ошиши "муқаррар". Бу ўринда "йор" жамловчи фалсафий маъно касб қилади.

65/1-газалда ҳам "йор" бошқа байтлардаги маъно белгиларидан фарқ қилади. Байт:

اگرچه عرض هنر پیش یار بی ادبیست 65/1

زبان خاموش و لیکن دهان پر از عربیست

[Гарчи ҳунарни кўрсатиш йор олдида беадаблиқдир
Тилим соқит ва лекин оғиз тўла арабийдир].

Байтдаги عرض هنر (ҳунарни пешлаш) ادبیست (беадаблиқ) мажозий маъно белгиларига ишора бўлиб "йор" сўзининг жамловчи, умумлашма маъносига киноя бор - бу "донишманд",

"аллома" маъно белгисини ифодалайди. Чунки бу ўринда шоир одоб-ахлоқ қоидаларига ишора қияпти. Одоб юзасидан эса фақат бир хунарда ўзидан устун турадиган шахснинг олдида хунарини пеш қилиш одобдан эмасдир. Байтда яна муайян шахсни назарда тутган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас, лекин бу ўринда "йор"нинг ҳақиқий ва рамзий маъноси кўзга ташланмайди. Агар бўлса ҳам ўта узоқ маъно белгиларидир.

88-байтда "йор" нутқ бирлиги 1, 3, 4, байтларда учрайди. Матласи шундай:

شنيده ام سخني خوش بپر كنعان گفتم 88/1

فراق يار نه آن ميکند که بتوان گفتم.

[Ёқимли сўз эшитдим, Канъон пири гапирмиш,
Йор фироқин ким қилишин айтиб бўлмас.].

Бу байтдаги "йор"нинг бошқа мати парчаларидаги маъно белгиларидан фарқи шундаки, "йор"нинг маъно белгиси машхур ривоятга асосланган ва "пири Канъон", яъни Яъқуб (а) "йор" мажозий маъносининг киноя белгисидир. Байтда "йор" ана шу киноя белгисига асосан "фарзанд" мажозий маъносини касб қилади. Бу ўринда "йор" - "маъшуқа" билан "йор" - "фарзанд" орасидаги "важҳи шабҳ" (ўхшатиш белгиси) "севимли киши" маъно белгисидир.

Аммо "йор"нинг маъно белгиси шу билан тугамайди. Байтда "идмож"санъати бор. Бу санъатнинг моҳияти шундаки, шоир гўё парчада нутқ бирлигининг бир маъно белгисини таъкидлайди, лекин аслида шоир кузатган маъно белгиси бошқа бўлади. Байтда "пири Канъон", "фироқ" гўё "йор"нинг "фарзанд" маъносига ишора қилаётганига аниқ белги бўлсада, лекин унинг бошқа маъно белгисига, ҳам ишора бор. Бу سخني خوش (ёқимли сўз) ва بتوان گفتم (у қилмагайким, уни айтиб бўлса) киноя белгиларидир. Бу бирикмалар баъзи одамларнинг фироқида куйган қилиб кўрсатиши ёлгон, зоҳирий, юзаки эканлигига ишора. Бу эса зоҳирпараст зоҳидларни хаёлга келтиради ва "йор" бу ўринда "оллоҳ" маъно белгисини ҳосил қилади.

Байтдаги فراق (фироқ) сўзида эйҳом бор: 1. فراق сўзи бир маъноси "айрилиқ" бўлса. 2."айириш" дир. Агар "айириш" маъносида тушунилса, у ҳолда иккинчи байт: "Йордан айирувчи

шундай кишики айтиб бўлмайди", деб талқин қилинади ва бунинг яқин маъноси Юсуф(а)нинг акаларига ишора бўлиб, узоқ маъноси оллоҳдан айирувчилар - "зоҳирпарастлар" - дир. Ҳар ҳолда шоир бу маъноларни кузатганми ё назарда тутмаганми, асосий мақсадга эришган - бу нутқ бирлигининг турли хил маъно белгиларини битта восита билан ифодалаш санъатидир.

Шу газалнинг учинчи байтида "йор" шундай таркибда келган:

نشان یار سفر کرده از کی پرسم باز 88/3
 که هر چه گفت برید صبا پریشان گفت

[Сафар кетган йор нишонин кимлардан сўрай яна
 Ким сабо чопари не деса паришон дерди].

Байтдаги *یار سفر کرده* (сафар кетган йор) газалнинг умумий руҳидан келиб чиққанда шоир ҳаётидаги рўй берган фажеъ воқеага-фарзандидан айрилганига бағишланган бўлиш эҳтимоли кўпроқ (пири Канъон "айрилиққа дучор бўлган ота" ва Ҳофиз орасидаги ўхшашлик). Шунинг учун *یار* бу матн парчасида - "фарзанд" маъно белгисини англатади.

Лекин *سفر کرده* (сафар кетган) бирикмасида эйҳом санъати бор: 1. узоқ йўлга кетган; 2. Вафот қилган; 3. йўлга чиққан, яъни солиқ маъно белгиларини ифодалайди. 1-киноя белгиси "йор"нинг "яқин киши" "дўст" маъно белгиларини ифодалайди. 3-киноя белгиси ирфоний маънода "солиқ" "ориф" маъно белгисини ифодалайди. Зотан худди шу маъно белгисига иккинчи мисрадаги *برید صبا* (сабо чопари) бирикмасида ишора бор. Чунки "сабо"нинг маъно бирликларидан рамзий белгиси "Ҳофизнома"да шундай ифодаланеди:

‘ در امطلاح عبد الرزاقی کاشی صبا نضحات رحائبه است که از
 جهت مشرق روحانیت می آید ‘ (کاشف اصطلاحات الفنون)
 (حافظ نامه - 71 ص 118)

"Абду Раззоқ Кошийнинг истилоҳида сабо руҳоният машриқидан келадиган Раҳмоний шабададир ... (Фанний истилоҳларни кашф қилувчи)" (Ҳофизнома, 118б).

Шу киноя белгисига эътиборан талқин қилинса "йор"нинг маъно силсиласида сўзсиз "солик", "ориф" маъно белгиси келиб чиқади. Газалнинг 4-байтидаги باران (йорлар) нутқ бирлиги эса 1 ва 3-байтдаги "йор"нинг маъно белгиларидан бутунлай фарқли.

فغان که آن مه نا مهربان مهر گسل 88/4

بترک باران خود چه آسان گفت

[Фигонқим. ул номехрибон, меҳр узувчи ой,
ўз йорлари суҳбатин нечоғлик осон тарқ этди].

"Йорлар"нинг фарқли маъно бирлигига киноя белгиси "ул номехрибон, меҳр узувчи ой" бўлиб, бу бирикмадаги "ой" 1-3-байтдаги "йор"га истиорадир. "Йорлар" эса "фарзанд" маъно бирлигига мувозеъ (параллел) "туғишкан"лар маъно белгисини, "яқин киши" маъно белгисига нисбатан "дўстлар" маъно белгиларини ифодалайди.

Аммо учинчи маъно бирлиги "солик", "ориф"га нисбатан мувозеъ маъно белгиси борлиги маҳол кўринади. Шоир бир газалда уч марта "йор" сўзини ишлатган бўлса, уч ўринда уч тур маънолар силсиласидан фойдаланган. 134-газалда "йор" нутқ бирлиги 4 марта ишлатилган ва бу газалнинг ажойиблиги шундаки, ҳар қайсиси бошқа-бошқа маъно касб қилган. Матласи шундай:

دیدی لی دل که غم عشق دگر بار چه کرد 134/1

چون بشد دلبر و با بار وفادار چه کرد

[Кўргил, эй дилки ишқ гами қайтадан не айлади,
Дилбар кетди-ю, вафодор йор ила не айлади].

Байтдаги بشد دلبر (дилбар бўлди) бирикмасида эйҳом бор: 1. дил олғувчи бўлди; 2. дилбар кетди маъно белгилари. "Йор" нутқ бирлиги биринчи марта "ошиқ" маъно белгисини ифодалаб келмоқда, чунки у "дилбар, яъни маъшуқа"га муқобил ҳолатда ишлатилган "йор"нинг иккинчи маъносига "ишқ гами" бирикмасида киноя белгиси бор. Бу бирикма рамзий маънога, яъни ҳақиқий ишққа ишора ва "йор" шу муносабат билан "ориф", "солик" маъно белгисини касб қилади. Кейинги байт:

اشک من رنگ شفق یانت ز بی مهری بار 134/3

طالع بی شفقت بین که در این کار چه کرد

[Кўз ёшим шафақ тус олди йорнинг бемехрлигидан,
Шафқатсиз толеъга боқилки бу ишда найлади].

Байтдаги **ز بهر بار** (йорнинг бемехрлигидан) бирикмасида "таврия санъати" бор. Санъатнинг моҳияти шундаки, шоир зоҳиран "йор"ни "бемехр" қилиб кўрсатмоқчи: лекин "мехр"нинг "қуёш" маъноси ҳам бор ва "йор қуёш ботгандан сўнг" деган маъно ётади ва "кўз ёши шафақдай қизарди", деган маънони ифодалайди. Қуёшни эса "йор"нинг чехрасига ўхшатади ва бунда учинчи маъно белгиси "йорнинг висолига узоқ вақт етиша олмаган" деган маъно чиқади. Натижада шоир "йор"нинг ҳам ҳақиқий, ҳам рамзий маъноларидан фойдаланиб сўз санъатини куради.

Ғазалнинг мақтасида "йор"нинг ҳали кўрилмаган маъно белгиси зоҳир бўлади:

تکر عشق آتش غم در دل حائط زد و سوخت 134/7

يار ديرهه بيند كه با بار چه كرد

[Ишқ фикри ғам оловин Ҳофиз дилига солдию қўйди,
Қадимий йорни кўринг ўз йорига найлади].

Байтда бир қанча санъатлар ишлатилган. Булардан бири "лофф-у нашр" санъати бўлиб, бу санъатнинг белгилари биринчи мисрадаги "ишқ" "ғам олови", "Ҳофиз дили", иккинчи мисрадаги "йор" нутқ бирликлари бу белгилардан иккитасига муқобил ишлатилган. Биринчиси, назаримизда, "ишқ"ни "қадимий йор"га ташбиҳ берган, натижада "йор" нутқ бирлиги ўзаро, "тажниси том" санъати ҳосил қилган. Биринчи "йор - ишқ", "йор-дил"ни найлади, деган савол пайдо бўлган. Байтда рамзий маъно "қарина" (белги)лари ҳам бор-бу "ишқ", "оташи ғам", "қадимий" нутқ бирликлари бўлиб, ишқи илоҳийга ишорадир. Рамзий маъно таъсирида "йор" нутқ бирликлари орасида иккинчи "тажнис" маъно белгилари "қадимий йор-Худованд" ва "йор-ориф" орасидаги маъно белгиларидан келиб чиқади.

Байтда бошқача талқин ҳам бўлиши мумкин: Бу "йор-ғам" ва "йор-дил" маъно белгилари бўлиб, иккинчи мисра "ғам, дилни куйдирди", деб талқин қилинади. "Йор" билан "дил" орасидаги "важҳи шабҳ" (ўхшаш белги) "яқинлик" ҳисси, "йор" билан "ишқ" орасидаги ўхшаш белги "Юракдаги ҳис" бўлиб, истиора

тарзида "йор"га нисбат берилган маъно белгиларидир. "Йор"нинг бу маъно белгиси "гам"га ҳам истиора бўлиши мумкин. Бу маъно белгилари "йор"нинг маънолар силсиласидаги кутилмаган маъно белгилари бўлиб, "йор"нинг маънолар силсиласини бир йўла учта маъно белгиси билан бойитган.

180-газал, 2-байтда "йор" нутқ бирлиги икки марта учраган:

مصلحت دید من آن است که یاران همه کار 180/2

بگذارند و خم طره یاری گیرند

[Менинг маслаҳатим шуки йорлар ҳамма ишни, Қўйсинлар-у бир йорнинг кокилидан тутсин].

Байтдаги یاران (йорлар)нинг мажозий маъносига киноя белгиси биринчи байтда ўрин олган:

ندماہارا بود آیا کہ عیاری گیرند 180/1

تا همه صومعه داران بی کاری گیرند

[Олтин-кумушларни тарозига соладиган кун ҳам бўлармикин,

Токи ҳамма бутхона аҳли бир ишни тутишса].

Байтдаги داران صومعه (бутхона аҳли) қалбаки дарвишларга ишора бўлиб, иккинчи байтдаги "йорлар"нинг мажозий маъносига киноя. "Йорлар"- "қалбаки дарвишлар" маъно бирлигини ҳосил қилади. Бу "дарвишлар" маъно бирлиги "йорлар" нутқ бирлиги учун янги маъно бирлигидир. Иккинчи мисрадаги یاری (бир йор) зоҳиран бир "маъшуқа"нинг кокилидан тутсинлар", деб англашилса ҳам, аслида маъноси бундан теранроқ - "бир арзийдиган иш"нинг бошини тутсинлар деган маънони ифодалайди. طره یاری (йорнинг кокили)да рамзий маънос ҳам бор. Лекин газал бошдан-охир طنز (ҳазил)га йўғрилганини назарга олинса, бу қалбаки дарвишлар, зоҳидликни кун кўриш манбаига айлантирган қаллоблар устидан истеҳзоли кулги эканлиги кўпроқ зоҳир бўлади. "Йор"нинг "дарвиш"лар билан маъно "шоҳиди" (белгиси) "шахс, кимса" маъно белгисига асосланган.

249/5-газалда "йор" нутқ бирлиги "радд-ул ажз ала садр" санъати таркибида келган. Бу санъатнинг моҳияти шундаки биринчи мисрадаги ё "садр", ё "ҳашв", ё "аруз"да келган нутқ

бирлигини "ажз"да, яъни иккинчи мисра охирида келтириш. Бу санъатнинг ўзи диққатга сазовор эмас, бу ўта кенг қўлланиладиган санъат, муҳими шоир бу санъат орқали қандай маънолар товланишига эришганлиги: Байт:

زاهد اگر به حور و تصور است اميدوار 249/5

مارا شراب خانه تصور است و بار حور

[Зоҳид бўлса агар ҳур-у қасрларга умидвор,
Менга шаробхона қасрлардир, йор ҳур].

Байтда зикр этилган санъатнинг белгиси "ҳур" сўзидир. "Ҳур" сўзи қуръонда бир неча марта учрайди. Ўзбек тилида бу сўз "ғўзал", "озод" маъноларида ишлатилса ҳам, аслида "қуралай кўзли" маъносини ифодалайди. Лекин баҳс ҳурнинг маъносида эмас, йорнинг маъно белгиси устида кетяпти. Йорнинг маъно белгиси эса тамомила ҳурнинг маъно белгилари билан боғланган. "Ҳур" сўзи биринчи мисрада "ғўзал қиз", "афсонавий ғўзал" маъно бирликларини ифодалаб, иккинчи мисрада "йор" сўзига "ташбиҳ" сифатида келади. Зоҳиран "йор" сўзининг энг яқин маъноси ҳурга ташбиҳан "ғўзал қиз, афсонавий ғўзал" маъно белгиларидир. Аммо бу байтда "ҳур"нинг бошқа маъно бирликларига ишора бор-бу "зоҳид" сўзи "зоҳид" у дунёдаги ваъда қилинган "ҳур ва қасрлар" таъмасида ўзини тақводор қилиб кўрсатадиган риёкор сиймосидир. Шу боис "ҳур" у дунёдаги "лаззат манбаи" маъно белгисини касб қилади ва ташбиҳан "йор" ҳам "лаззат манбаи" маъно белгисини, лекин бу дунё, "ёлгон дунё", "ўткинчи дунё"даги лаззат манбаи"ни ифодалайди. Бу "йор"нинг мажозий маъноси бўлиб, ғўё, шоирнинг ниҳойи мақсади ўша "лаззат манбаи"ни ифодалашдай кўринади. Аммо байтда "таврия" санъати бор. Бу санъатнинг ғўзаллиги шундан иборатки, шоир ўз санъатини зоҳирий маъно белгилари устига қургандай кўринади, лекин асл кузатган маъносини ботинга яширган бўлади. Байтдаги ботиний маъно шундайки, зоҳид "нинг" ҳур ва қасрларга ишқи тагида таъмагирлик ҳисси ётади. Демак унинг ишқи ҳақиқий эмас риёкорлик, шоирнинг "йор"га нисбатан ишқи эса ҳақиқий ишқ, ҳақиқий ишқ эса "жамоли мутлақ" қадир. Иккинчи мисрадаги "йор" "жамоли мутлақ"дир, "шаробхона" эса "жамоли мутлақ" тажаллиёт жойи, "яъни" кўнгил мулкидир. Демак иккинчи мисра "Менга кўнгил мулки - қасрлар ва "жамоли мутлақ", - ҳурдир (лаззат манбаи) деб талқин қилинади. Бу "таврия"

санъатининг "қарина"лари. "Ҳур ва қасрлар" Қуръонда эслатилган бўлиб, "йор"нинг ирфоний маъно белгиларига ишора қилади. Бадий санъат эса ўша ассоциация - тахайюлот асосига қурилган.

283/1 газалда "йор" нутқ бирлигининг бошқа маъно қирраси намоён бўлган:

کنار آب و می بید و طبع شعر و باری خوش 283/1

معاشر دلبر شیرین و شاعی گلخزاری خوش

[Сув бўйи-ю, тол теги-ю, шеър таби-ю ёқимтой йор, Ҳамсуҳбат ширин дилбар-у, соқий гўзал гулизор].

Байтда "жамъ-у тафриқ" санъати қўлланган. Байтдаги "йор"нутқ бирлиги бир қарашда ҳақиқий маъно - "маъшуқа" маъносида ишлатилгандай кўринса ҳам, санъат моҳият этибори билан жамловчи маъно касб қилади ва "ҳамсуҳбат, ҳамдам, шерик" маъно белгиларини касб қилади, чунки иккинчи мисрада "йор"ни "фарқлайди", яъни аниқлик киритади. "Йор - дилбар" ва "йор - соқий"ларга ажратади. Қизиги шундаки, байтдаги "йор" нутқ бирлигида рамзий маъно - ирфоний талқинга имкон йўқ. Шоир келтирган қатор киноя белгиларидан биронтаси рамзий маънога эга бўлмай, барчаси маиший хусусиятга эга.

"Йор"ни китобга ташбиҳ бериш бошқа газалда ҳам учрайди:

دو بار نازک و از باده کهن دو منی 468/1

فراختی و کتابی و گوشه چینی

[Икки нозанин ёр-у, эски бодадан икки ман, фароғат-у китоб-у чаман гўшаси].

"Йор"да "эйҳом" бор: а) ҳақиқий маънода икки гўзал маъшуқа (ёки нозик табли) дўст; б) бундай зот одам жинсида йўқ, шунинг учун "фароғат" (холи бўлиш)ва китоб.

314-газалда "йор" нутқ бирлиги яна бир янги маънода зоҳир бўлади. Байт:

من پیر سال و . ماه نیم یار می وفاست 314/9

بر من جو عمر میگذرد پیر از آن شدم

[Мен йил-у ойдан қаримасман ёр бевафодир, Менинг умрим ўтмоқда, шунингчун қаридим].

"Ҳофизнома" муаллифи бу байтни шундай талқин қилади:

‘ بین گذشتن سریع یار که امری محسوس است و گذشتن سریع عمر امر غیر محسوس است شباهتی برقرار کرده و به طنز میگوید من نه از گذر سریع عمر بلکه از گذر شبانگ یار و بی التفاتی یار است که پیر شده ام ‘
(حافظنامه - 71 ص 939)

"Ҳис қилса бўладиган йорнинг тез ўтиши билан ҳис этилмайдиган умрнинг тез ўтиши орасида ўхшашлик ўрнатиб, ҳазил йўсинида айтадики, мен умрнинг тез ўтишидан эмас, балки ёрнинг шошилинич, илтифотсизлик билан ўтишидан қариганман". (Ҳофизнома, 939-б).

Гарчи бу фикр мантиқий бўлса ҳам, унчалик тўғри кўринмайди. Зероки Ҳофиз ишлатган санъат тўғри очилмаган.

Ҳофиз байтда "ҳусни таълил" санъатини ишлатган. Байтда "Ҳофизнома"да айтилганидай, умрнинг тез ўтишидан эмас, аксинча, йорнинг бевафолигидан қариганлигини сабаб қилиб кўрсатади. Асл сабаби маълум, лекин "бевафолик" белгиси "йор"нинг беқарорлигини, яъни "ўткинчи" эканлигидан нишона, ўткинчилик хусусияти "йор"даги гўзалликка ишора, "гўзаллик" эса ёшлик аломатидир. Шоир "йор" бевафо деганда ундаги гўзалликни назарда тутган.

Зотан иккинчи мисрадаги умр ўтишидан шикоят ҳам ўша "гўзаллик"ни бой беришдан шикоят аломатидир.

Бу ерда "таврия" санъати ҳам қўлланган. Зоҳирий маънода "йор"нинг бевафолигини таъкидлагандай бўлиб кўринсада, аслида "йор"нинг яширин маъно белгисини - "гўзаллик"ни назарда тутган.

"Йор" нутқ бирлиги матнда фақат жонли зотлар ва уларнинг ташқи ва ички маъно белгиларига нисбат берилибгина қолмай, инсон турмушида қўлланадиган баъзи ашё(предмет)ларга нисбатан ҳам ишлатилган. Байт:

جز صراحی و کتابم نبود یار ندیم 347/2

نا حرفان دغا را ز جهان کم بینم

[Кўза-ю китобдан бўлак йўқ ёр-у яқин,

Токи найрангбоз хайлини жаҳондин кам кўрай].

Биринчи мисрада "лофф-у нашр" санъати бор. یم و ندیم (йор-у яқин) зоҳиран унда олдинги келтирилган икки нутқ бирлигига айрим - айрим келтирилгандай кўринса-да аслида "йор-у яқин"

мутародиф (синоним) сўзлар ва ҳар икки нутқ бирлигига бирдай тааллуқли *مراحی* (кўза)дан мурод мажозан "май". "Май"ва "китоб" ҳам функционал (вазифа жиҳатидан) мутародиф сўзлар, яъни "лаззат манбаи", "йор" сўзи эса, "май"ва "китоб" билан ўша "лаззат манбаи" маъно асосида ташбиҳ этилмоқда. Аммо бу байтда "табоқ" санъати ҳам ишлатилган. Бу иккинчи мисрадаги *حرفان دغا* (найранг аҳли) бирикмаси. Ана шу санъат воситасида "йор" янги маъно касб қилади - бу "ҳийлагар"ликка қарама-қарши "ростгўйлик" "садоқат" маъно белгисидир. Байтда "йор"нинг ҳақиқий маъно белгиси ҳам мавжуд бу "яқин киши" маъно бирлигидир. Шоир санъатини мана шу учта маъно бирлигининг ўзаро муносабатлари асосига қурган.

405-ғазалда "йор" нутқ бирлигининг яна бир ҳали кўрилмаган, лекин баъзи белгиларидин гумон қилинган маъно белгиси очилади:

خط عذار بار که بگرفت ماه از او 405/1

خوش حلقه ایست لیک بدر نیست راه از او

[Ёр изорин хаттики олмиш ой ани,

Хўп ҳалқа-ю лек йўқ йўл андин (чиқарга)].

Байтдаги санъатларга "Ҳофизиома"да кенг шарҳ берилган (1141 *حافظ نامه* с). Лекин бир нарсага эътибор қаратилмаган. Қолбуки шоир ўша тўғри маъносига диққат қилинмаган. *گرفتن* (олмоқ) феълининг тўғри маъносига асосланиб, иккинчи мисрада сўз ўйини қилган. Бу сўз ўйини *خوش حلقه ایست* (хўп яхши ҳалқа) бирикмасидир. "Ой теграсидаги ҳалқасини йор юзидан олди", демоқчи. Буни халқ орасида ўзбек тилида "ой қўтонлади" деб юритилади. Хуррамшоҳий *حافظ نامه* асарида бу байтни шундай талқин қилади:

' در معنی هر دو مصراع ایهامی نهفته است ' بگرفت ماه از او ' یعنی الف) چنان آیه و واقعه شگرفی بود که بر اثر آن آشوب در عالم افتاد و ماه گرفت (ب) ماه رخسار یار بر اثر رشد موهلی صورتش پوشیده شد (حافظ نامه س 1131)

"Ҳар иккала мисранинг маъносида "эйҳом" яширинган. а) шундай бир ажиб ҳодиса бўлган яъни : б) *بگرفت* маҳ аз

эканки, унинг таъсирида олам ғалаёнга келиб, ой тутилган; Б) йорнинг ой рухсори юзидаги тук ўсиши натижасида бекилди". (Ҳофизнома, 1131-1132-б).

Шуни қайд этиш керакки бу ўринда "йор"нинг жинсига ишора бор яъни "йор" энди юзини тук қоплаган йигитча. Учинчи маъноси шундан иборатки ойнинг теграсини ҳалқа ўрагандай, ёрнинг чеҳраси теграсини тук қоплаб, ҳалқа ҳосил қилган. Бу ҳалқа ўртасида ёрнинг сутдай оқ юзи нур сочиб, чарақлаб турибди. Бу девонда биринчи бор, аниқ "йор"нинг "йигитча" эканлигига ишорадир. Чунки "қиз бола"ни ҳеч қачон юзида тук(соқол) сабза ургани гўзаллик нишонаси, деб талқин қилинмайди.

Байтда "Эйҳом" санъати бор, бу بکرت (олди) нутқ бирлигининг ҳақиқий ва мажозий маъно белгилари асосига қурилган او بکرت ماه از бирикмасини ҳақиқий маъно бирлиги: "Ой ундан олди", мажозий маъно бирлиги "Ой ундан тутилди" (яъни қорайди). Учинчи маъно бирлиги: "йор"нинг оппоқ юзини кўриб ҳасаддан тутақиб ойнинг юзи тутилди "Ҳофизнома"да ана шу маъно белгиларига эътибор берилмаган. Лекин "йор"нинг "ўғил бола" маъно белгисидан ташқари рамзий маъно бирлиги бор. خط (хат) сўзи шундай рамзий маънога эга:

خط تعین وجه حق و ظهور تجلی جمال مطلق را گویند

(مرات عشاق ص 147)

"Хат, ҳақ юзининг аён бўлиши ва жамоли мутлақнинг жилвасини зоҳир бўлишига айтилади".

Рамзий маънода бу байтнинг талқини шуки: "Йор (ҳақ)нинг юзи (жамоли) кўриниши билан оламга ошуб тушди ва йорнинг юзи (ой)га парда тортилди (яъни оламдаги мавжудотлар билан ҳақнинг орасида парда вужудга келди). Бу олам кўп гўзал доира, лекин ундан ташқари чиқишга йўл йўқ", деб талқин қилиш мумкин. Демак, "йор"нинг ҳақиқий маъно бирлиги "маъшуқ" билан рамзий маъно бирлиги ўртасидаги муносабат "йор"нинг маънолар силсиласига сингдирилган.

"Йор"нинг рамзий маъносига аниқ ишора қилинган яна бир байтни келтирамиз:

430/6 آن عهد ياد باد که از بام و در مرا

هر دم پیام بار و خط دلبر آمدی

[Ул даврни эслагилки, эшиг-у туйнукдан менга,
Хар дам йор хушxabари-ю, дилбар хати (мактуб) келарди].

Байт шубxасиз Пайгамбар(а)га "эшиг-у туйнук"дан вахий келишига ишора. Бунниг белгилари "йор хушxabари" (яъни Жаброил(а)ва дилбар хати (яъни дилни чорловчи хат - Куръон) бирикмаларидир. Албатта, байтни хақиқий маънода ҳам талқин килса бўлади, лекин рамзий маъно вазни огирроқ.

"Йор" янги маъно белгиси касб қилган яна бир байт 456-газалда келган:

456/4 گل يار حسن گشته و بلبل ترين عشق

اين را تغييری نه و آن را تبدلی

[Гул хуснга йор бўлди, булбул ишққа яқин,
На бунда ўзгариш, на унда ўзгариш].

Байтда бир қарашда "йор"нинг хақиқий маъно белгиси йўқ. Фақат мажозий маънода "эга, соҳиби" маъно белгисини ифодалайди. Лекин "лофф-у нашр" санъати орқали "йор"нинг хақиқий маъносига ишора қилган. "На унда ўзгариш" яъни "гул"да, "на бунда", яъни "булбул" да. Бундан янги маъно касб қилган: "гул булбулга йор бўлиб қолмади" (яъни маъшуқа) ва "гул булбулга ошиқ бўлиб қолмади", яъни ўрин алмашмади. Бу байтнинг замирида чуқур фалсафий фикр ётади. Аммо бу нутқ бирлигининг маънолар силсиласидан ташқари, яхлит байтга тегишли маънолар системасидир.

"Йор" нутқ бирлигининг юқорида таҳлил қилинган барча маънолари жамланса, "йор"нинг хақиқий ва мажозий маънолари муносабатини акс эттирувчи жадвал ҳосил бўлади.

"Йор" нутқ бирлигининг матн парчасидаги ҳақиқий ва мажозий маъно белгиларининг умумий жадвали.

№	Ғазал тартиб сони	Байт тартиб сони	Ҳақиқий маъно белгиси	Мажозий маъно белгиси
1	3	4	гўзаллик	ҳақ таоло
2	5	2,3	1.уй бекаси	1.таниш кишилар ; 2.ҳақ таоло 3.башар , инсоният
3	9	6	ҳамдам	1.пайгамбар 2.солик , ориф
4	11	2	маъшуқа	1.ҳақ таоло 2.жамоли мутлақ
5	14	2	маъшуқа	
6	23	1	маъшуқа	ориф , солик
7	27	1	маъшуқа	ҳақ таоло
8	27	7	1.ҳамдам 2.маъшуқа	ҳақ таоло
9	30	6	лаззат манбаи	жамоли мутлақ
10	34	8	лаззат манбаи	жамоли мутлақ
11	36	6	маъшуқа	ҳақ таоло
12	52	1	маъшуқа	
13	52	7	маъшуқа	ҳақ таоло
14	52	8	1.севимли аёл ; 2. илҳом париси	1.устоз 2.ҳақ таоло
15	64	4	маъшуқа	1.ҳақ таоло ; 2.мурод , мақсад
16	65	1		1.донишманд , аллома
17	88	1	маъшуқа	1.фарзанд 2.ҳақ таоло

18	88	3	яқин киши ; дўст	1.фарзанд 2.ҳақ таоло 3.солик , ориф
19	88	4	дўст	туғишганлар
20	134	1	ошиқ	солик , ориф
21	134	7	ишқ (ғам)	1.дил 2.солик , ориф 3.ҳақ таоло
22	180	1а 16	кимса маъшуқа	1.дарвиш 1.арзигули иш
23	249	5	ғўзал қиз (афсонавий ғўзал)	1.лаззат манбаи 2.жамоли мутлақ
24	283	1	ҳамсуҳбат . ҳамдам	1.дилбар 2.соқий
25	314	9	маъшуқа	ғўзаллик (ёшлик)
26	347	2	яқин қиши	1.садоқат , ростгўйлик
27	405	1	маъшуқа	жамоли мутлақ
28	430	6	маъшуқа	ҳақ таоло
29	456	4	маъшуқа	1.эга , соҳиб 2.жамол соҳиб

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, бу жадвалга девонда "йор" нутқ бирлиги учраган ҳамма байтлар кирмаган. Бунинг асосий сабабларидан бири бу байтлардаги "йор"нинг маънолар силсиласида янги маъно белгиси йўқлигидир. Изчилликни сақлаш учун барча 211 ҳолатни таҳлил қилиб чиқиш керак бўлур эди. Лекин бундай таҳлил иш ҳажмини ниҳоятда кенгайтириб, ундан ҳосил бўладиган хулосада деярлик ҳеч нарса ўзгармас эди. Шуни ҳисобга олиб онгли равишда фақат янги маъно белгилари намоён бўлган байтлар бирлигининг ҳақиқий ва мажозий маъно белгилари тўла очилишига ҳаракат қилинди. Агар энди Ҳофиз девонида ишлатилган "йор" сўзини луғат бирлиги деб қараб, ундаги зоҳир бўлган ҳақиқий (тўғри) ва мажозий маънолар силсиласини бобнинг бошида келтирилган "ФЗТ"даги "йор"луғат бирлигининг маънолар силсиласига қиёсласак, у ҳолда улар орасидаги кескин фарқнинг гувоҳи бўламиз.

Бу ҳодиса мантиқан ўйлаб қаралганда тўғри, ўзи аслида шундай бўлиши керакдай туюлади. Чунки "ФЗТ" лугати умуман форс ўрта аср шеърятини матнлари асосида тузилган лугат, унда ҳар бир шоирнинг ижодида зоҳир бўладиган ҳар бир лугат бирлигининг барча маънолар силсиласини қамраб олиш мумкин эмасдай кўринади. Лекин бу фикр зоҳирий, ўз-ўзини алдовчи фикр. Сабаби ҳар қандай лугатда илмий метод, илмий системага асосланган ва энг муҳими бу система амалий аҳамиятга молик, ўрта аср форс шеърятини тўла англаш йўлида бир очқич вазифасини бажариши керак. Афсуски "ФЗТ" лугати ўша вазифани бажариш учун ўта заиф асосга, яъни муаллифларнинг шахсий билими, иш тажрибаси ва шуури асосига қурилган лугатдир. Бу лугатдан ташқари Эрондаги энг муътабар лугатлардан ҳисобланган "Фарҳанги Муин"да ҳам аҳвол бошқача эмас. Бу лугатдаги "йор" лугат бирлигининг маънолар силсиласини ФЗТ дан унча фарқли бўлмаганлиги сабабли келтириб ўтирмадик.

Ҳофиз газалларидаги "йор" лугат бирлигининг бу қадар синчиклаб ўрганилишидан кузатилган мақсад иккита:

1. Имкон даражасида девондаги битта лугат бирлиги намунасида газаллардаги ҳар бир ишлатилган сўзнинг маънолар силсиласини очиб бериш методикасини энг умумий асосларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалий татбиқда қанчалик яроқли эканлигини намоён қилиш.

2. Шеъринг матн ҳақиқий ва мажозий маъно белгиларининг доимий ўзаро муносабатга киришуви ва ўзаро таъсири асосига қурилганлигини ва бу шеъринг матнни фақат ҳақиқий маънолар силсиласи ёки фақат мажозий маънолар асосига қурилган, деган гоя бир ёқлама ёндошувдан бўлак нарса эмаслигини далиллаб бериш.

Табиийки, мажозий маънолар ичида баъзи маъно белгилари очилмаган, баъзи бирлари, аксинча, ҳаддан ошиб кетган бўлиши мумкин. Албатта, бу ҳодиса шеъринг санъатнинг туб моҳиятидан келиб чиқади. Шеъринг матндаги ноаниқлик, дудмаллик, поёнсизлик, беқарорлик, мужмаллик - бу нуқсон эмас, қамоли санъат, ниҳойи мақсаддир. Чунки мажозий маънолар силсиласи инсониятнинг ўзи бунёд бўлиб ақлини танигандан бери бўлиб ўтган тарихий тажрибасига, ҳодисаларига нисбатан бўлган муносабатларига асосланган. Бу

мажозий маъноларни топиб завқланиш эса ҳар бир шеърхоннинг шахсий салиқасига ҳавола қилинган.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, бу ишда ишлаб чиқилган илмий методнинг вазифаси - бу илмий тариқ - йўлланмадир. Бу асосан ҳозирги замон китобхонини тўғри йўлга йўналтиришга, уни ўзини изланишга, янги-янги маънолар кашф қилишига мўлжалланган.

Хулоса

Форс классик шеърятти ҳақида ёзилган қатор мақолалар, айрим шоирларнинг ижодига тузилган луғатлар ва умуман С.В.Баевский рисоласида келтирилган XI-XV асрларда тузилган юзга яқин "фарҳанг"лар шундан далолат берадики, форс шеъряттидаги маънолар силсиласини талқин ва таҳлил қилиш ҳеч қачон сусайган эмас. (Баевский-89). Бунинг асосий сабабларидан бири форс классик шеъряттининг маънолар системаси ниҳоятда кўп ўлчамли ва кўп қиррали эканлигидадир.

Шуни қайд этиш керакки, Ўрта асрда юзлаб луғатлар, ҳозирги даврда ўнлаб йирик фундаментал луғатлар ва ҳар бир шоирнинг ижодига бағишланган махсус луғатлар мавжуд бўлишига қарамай классик форс шеъряттида ишлатилган алоҳида луғат бирлигини, шу луғат бирлиги кирган сўз бирикмасини ва пировард натижада ҳар бир байт ёки яхлит матннинг маънолар силсиласини англаб етиш тобора қийинлашиб бормоқда. Табиийки, бадий матннинг маънолар силсиласи охиригача тушунилиб етмас экан, шоирнинг бадий маҳорати англашилмайдн ва асар ўз бадий ва ғоявий қимматини бой беради.

Форс классик шеърятти ва умуман шарқ классик шеъряттнни тушунишда вужудга келган бундай ачинарли вазият шарқ тилшунослиги, адабиётшунослиги, луғатчилиги олдида шарқ классик шеъряттида маънолар силсиласини ҳар томонлама ўрганиш, таҳлил қилиш ва ундаги луғат бирикларини илмий талқин қилиш методикасини ишлаб чиқишдай долзарб масалада саъйи-ҳаракатларни бирлаштиришни тақозо қилади.

Тилшунос, адабиётшунос ва луғатшунос олимнинг саъйи-ҳаракатларини бирлаштиришнинг асосий омилларидан бири шундаки, бадий асар айни пайтда умум адабий тилнинг таркибий бир қисмидир, шу билан бирга ундан кескин фарқ қиладиган бадий санъатнинг ифодалаш воситасидир, кейинги босқичда эса ҳам тил системаси, ҳам бадий система сифатида луғатчилик тадқиқот объектидир.

Бадий тил устида олиб борилган тадқиқот шундан далолат берадики, бадий адабиёт тили ўзига хос алоҳида системани

ташқил қилади. Бу система алоҳида-алоҳида олинган шоир ёки ёзувчи ижодий маҳсулидан ташқил бўлади. Умумий системанинг тил қонуниятларини очиб бериш учун эса тадқиқот мавзуси қилиб яқка муаллиф ижоди тавланади. Яқка муаллиф ижодини таҳлил қилиш йўли билан олинган натижалар ҳосиласи умумий система қонуниятлари мажмуасини яратиш имконини беради.

Ҳофиз ғазалиёти асосида тузилган конкорданс (Соггеале-88)даги икки мартадан ортиқ ишлатилган луғавий бирликларнинг ўзаро маъно муносабатларининг таҳлили шуни кўрсатадиги,ғазал оламига кирган луғавий бирликлар луғавий-маъно гуруҳларига, луғавий-маъно гуруҳлари ичида бир қатор мавзу туркумларига ва мавзу туркумлари ҳам ўз навбатида мавзу шахобчаларига бўлинади. Луғавий бирликларнинг маъно силсиласидаги системали муносабатлар ё битта луғавий-маъно гуруҳидаги бошқа луғавий бирликлар билан ўзаро муносабатдан, ё бошқа луғавий-маъно гуруҳидаги луғавий бирликлар билан синтагматик (ёнма-ён) ва парадигматик (тахайюлий) муносабатлардан вужудга келади.

Ҳофиз "Девони"даги барча ғазаллар таркибига кирган луғавий бирликларнинг маъно майдонларига ажратиш натижасида ҳосил бўлган луғавий - маъно гуруҳлари шуни кўрсатдики,бир томондан Ҳофиз ғазалларининг луғат бойлигини ташқил қилган луғавий бирликлар амудий(вертикаль) муносабатда маъно жиҳатдан гипероним ва гипонимларга ажралади. Иккинчи томондан уфқий муносабатда мутародиф (синоним) ва мутаозод (антоним) ва мутажонис (омоним) маъно муносабатларини вужудга келтиради

Таҳлил этилган ғазалиётда 2 дан ортиқ учраган сўзлар мажмуан 18 луғавий - маъно гуруҳини ташқил этади. Лекин ҳар бир гуруҳга кирган луғавий бирликлар яна бир қанча маъно туркумлари ва шахобчаларига бўлинади. Демак ҳар бир луғавий - маъно гуруҳига кирган сўзлар битта етакчи сўзга маъно жиҳатдан боғлиқ бўлади ва қолган сўзлар маъно жиҳатдан ўша етакчи сўзга тобе бўлишади. Тобе сўзлар (гипоним) ичида эса ўз маъно ҳажми жиҳатидан ўзидан қуйи поғонада турадиган сўзлар учун етакчи бўлиб хизмат қиладиган луғавий бирликлар мавжуд. Бу тобе мавзу туркумларида ҳам ўзидан кичик мавзу шахобчаларига етакчи бўлиб келадиган луғавий бирлик бор.

Девондаги барча лугат бойлигини ўзида мужассамлаштирган лугавий - маъно гуруҳларининг етакчи сўзлари ҳам ўз навбатида ундан юқорироқ поғонада турувчи етакчи сўзларга тобе бўлиб келади. Бундан келиб чиқадиган натижа шуки Ҳофиз "Девон"га кирган барча лугавий бирликлар маъно жиҳатдан бир - бирига тобе ва бу тобелик тил системасидаги мавжуд лугавий бирликларнинг амудий жиҳатдан бир-бирига чамбарчас боғлиқ эканлигини исботлайди.

Иккинчи томондан бир лугавий - маъно гуруҳига кирган лугавий бирликни айти пайтда бошқа маъно гуруҳига (бир нечта гуруҳларга) ўтказиш мумкин. Бу ҳодиса газаллар матнига кирган сўзларнинг маъно жиҳатдан бир-бири билан узвий боғликлигини кўрсатувчи далилдир. Лугавий бирликларнинг бош маъноси (генетик маъно) бирон ҳодиса ва нарсани номлаш учун танланган белги, аломат бўлса бу белги турли контекстда ўзга лугавий бирликлар билан муносабатга киришиб, турлича маънолар касб қилади. Бу маънолар баъзан ясама маъно, баъзан кўчма маъно (мажозий) дейилади.

Бу мажозий маънолар бир қанча киши томонидан бир қатор матнларда ёки муомалада ишлатила бошласа кейинчалик бу ўша лугавий бирликнинг доимий маъно бўлагига айланиб қолади. Бу маъно бўлаклари кўпинча якка бир ҳолатда вужудга келган маъно белгиси бўлиб тил системасига кўчмаслиги ҳам мумкин. Бундай маъно бирликлари тилшуносликда окказионал маъно, шарқ бадий санъатида "ихтиро" деб аталади. Ҳар қандай лугавий бирликнинг тўғри ва кўчма маъноларни ва ихтиролари фақат синтагматик таҳлилда аниқланади.

Бу ишда синтагматик таҳлил уч босқичда олиб борилди. Биринчи босқичда лугавий бирликларнинг муайян бир дистрибуцияда қандай жойлашганлиги аниқланди ва улар махсус символлар орқали моделларга табақаланди. Ҳосил бўлган моделлар шуни тасдиқладики, шеърин матнда алоҳида олинган бир сўзнинг муайян бир ўрни йўқ. у вазн ва қофия, шеърин санъат ва мантиқий ургуга қараб жумланинг бошида ёки охирида жойлаштирилиши мумкин. Иккинчи босқичда белгиланган лугавий бирликнинг грамматик муносабатлари таҳлил этилди. Матнда якка олинган бир сўзнинг турли грамматик функцияларни бажариб келиши аниқланди. Демакки ҳар бир функция ўзгариши маъно ўзгаришига олиб келади.

Учинчи босқичда якка олинган бир сўзнинг матнда эгаллаган ўрни ва бажараётган грамматик вазифаси билан боғлиқ равишда ҳар бир бирикма ва жумлада қандай янги маъно касб қилаётгани аниқланди.

Якка олинган бир сўзнинг матнда учраган барча маъно белгиларини аниқланиши бу луғавий бирлик таркибидаги маъно белгиларининг умумтил системасига мансуб ва фақат мана шу муаллифга хос бўлган окказионал - ихтиро маъно белгиларини ажратиб чиқишга кўмаклашади.

Шеърят тилидаги луғавий бирликларнинг маъно белгилари фақатгина фикрни баён қилиш воситаси бўлмай, балки яхлит санъат асари ёки алоҳида бир муаллиф яратган образлар тизмасининг узвий бўлакларидир.

Луғавий бирлик санъат асарининг узвий бир бўлаги сифатида икки хил жилога эга бўлади. Бир томондан шоир ўйлаган яхлит образнинг муайян бир элементини акс эттирувчи восита - символ бўлса, иккинчи томондан ҳар бир ўқувчи онгида турли талқинлар тугдирувчи восита бўлади. Сўз - символ ҳам ифода воситаси, ҳам талқин воситаси сифатида айни бир хил маънолар силсиласига эга бўлмайди. Лекин шуни айтиш керакки, сўз - символнинг маънолар силсиласидаги бир қатор маъно белгиларини аниқлашга кўмаклашувчи очқич мавжуд - бу очқич Ўрта аср шеърятдаги бадий санъатларнинг ўша давр уламолари томонидан аниқлаб чиқилган ва бадийят илми мажмуасида тўпланган бир қатор бадий санъатларидир. Бу санъатлар муаллиф учун ҳам ўқувчи учун ҳам яратилган бадий санъатларни қўллашда ва англашда бир хил талаблар қўяди.

Лекин шуни айтиш керакки, бу санъатлар асосан ҳар бир луғавий бирликда мавжуд яширин маъно белгиларини актуаллаштиришга, ёки ҳали ҳеч ким томонидан кашф этилмаган маъно белгисини жилвалантиришга, ёки маъно бирлигидаги мавҳумликдан, бошқа сўздаги маъно бирлиги билан ўхшашликдан ва айни шу шаклдаги сўз бирлигининг маъно зиддиятларидан фойдаланиб ҳар бир ишлатилган луғавий бирликдаги маъно белгиларини имкони борича теранлаштириш ва шу йўл билан талқин қилувчи олдада хилма - хил маъно чиқаришга имкон яратиб беришга қаратилган

Дарҳақиқат шеърый матнда ишлатилган ҳар бир луғавий бирликни ўқувчи ўз касби-кори, билим даражаси, дунё қараши,

ақлий имкониятларига қараб турли хил талқин қилиши мумкин. Юқорида зикр этиб ўтилганидек, тилшуносликда бундай талқин методи ни сигматика методи дейилади.

Ҳофиз газалиётдаги "йор" лугавий бирлигининг турли хил бадий санъатлар таркибда ҳосил қилган маъно белгилари ишнинг сўнгги тўртинчи бобида аниқланди. Бадий санъат воситасида юзага келган маъно бирликлари Эрон олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар, лугатлардаги талқинлар билан қиёсий равишда ўрганилди. Олиб борилган бу қиёсий тадқиқот натижалари Эрон олимлари томонидан берилган баъзи бир маълумотлар илмий жиҳатдан ҳар доим ҳам талабга жавоб бермаслиги аниқланди.

Натижада ишнинг олдига қўйилган асосий мақсад - газалиётдаги лугавий бирликнинг маъно структурасини талқин қилишдаги Шарқ анъанавий методларининг заиф томонларини аниқлаш ва ҳозирги замон тилшунослигидаги маълум бўлган энг илғор замонавий тилшунослик методларидан, шунингдек Ўрта аср Шарқ мумтоз адабиётида мукаммал ишлаб чиқилган бадий санъатлардан фойдаланиб Ҳофиз газалиёти тилидаги лугавий бирликларнинг маъно структурасини очиқ бериш методи ни яратиш вазифаси имкон доирасида амалга оширилди.

Албатта, ҳаммага маълумки, амалга оширилган бир тадқиқот доирасида, у ҳар қанча мукаммал бўлмасин, илгари сурилаётган янги бир гоънинг барча муҳим томонларини қамраб олиш ва уни охиригача ишлаб чиқиш имкони йўқ. Шунинг учун ишнинг муаллиф илгарама баъзи бир катта ва кичик камчиликлари бўлиши мумкин. Бундай камчиликлар бўлиши табиий ва уларни бундан кейинги ишларимизда тузатишга ҳаракат қиламиз.

Муаллиф бу китобнинг вужудга келишида бош омил бўлиб хизмат қилган Ҳофиз "девони"нинг "жомеъ лугати"ни тузиб чиққан италян олими Даниела Менжини Корреалга ва бу жомеъ лугати Италиядан жўнатган профессор Рикардо Зиполига ўзининг чексиз миннатдорчилигини изҳор қилади.

Шунингдек бу китобнинг муҳаррири, дўстим профессор М.Имомқазаровга билдирган холис ва одилона фикр - мулоҳазалари учун чин кўнгилдан ўз ташаккуримни изҳор этаман.

Суммари

Разработка теоретических вопросов лексикографии в целом, в частности, авторских словарей, поиск точных методов выявления и разграничения семантической структуры слова являются актуальными проблемами современной филологической науки.

Целью данной работы является попытка выяснения системных отношений в семантике лексических единиц в творчестве отдельного автора и выработка точных методов определения парадигмы семантической структуры слова, используя статистико - количественные данные и привлекая полный контекст высокочастотных лексических единиц.

Объектом исследования является текст газелей Хафиза. Материалом исследования послужил частотный словарь и конкорданс, составленные итальянским ученым Даниела Менжини Корреал на основе критического текста иранского ученого Парвиза Натела Ханлари и опубликованные в 1988 г.

В первой главе дается обзор исследовательских и лексикографических работ, выполненных в Иране и за его пределами по творчеству Хафиза.

Во второй главе рассматриваются системные отношения в семантике многоупотребительных лексических единиц в газелях Хафиза. С этой целью из конкорданса были выделены высокочастотные слова. В "Диван"е газелей лексических единиц, употребленных более двух раз оказалось - 2761 ед.

Классификация по частям речи выявила, что наиболее большой удельный вес среди них занимает имя существительное - 1760 ед. Таким образом, было установлено, что в поэтическом тексте имя существительное занимает центральное место.

Классификация лексического массива имен существительных установила, что они подразделены на 18 лексико - семантических групп, т.е. семантических полей (см. табл. 1). Среди этих лексико - семантических групп семантическое поле "Человек" занимает наибольший удельный вес - 242 ед. Иначе говоря лексико - семантическая группа "Человек" занимает центральное место среди 18 семантических

полей.

Дальнейшая классификация этих лексико - семантических групп по тематическим группам показала, что в каждой из них существуют до 9 тематических групп. Тематические группы в свою очередь подразделяются на более мелкие семантические подгруппы.

В третьей главе был осуществлен дистрибутивный анализ функционально - структурной связи в синтагме отдельного высокочастотного слова "йор" из класса имен на основе полного контекста газелей. В результате проведенного анализа установлены модели функциональной связи отдельного слова со всеми частями речи и семантические признаки, репрезентирующие в различных моделях функциональной связи. На основе осуществленного дистрибутивного анализа структурной связи отдельного слова выявлена парадигма семантических признаков.

В четвертой главе рассматривается сигматика в системе семантики слова.

В первой части этой главы осуществлен анализ теоретических основ традиционной средневековой поэтики по системе прямых и переносных значений и взаимосвязь поэтики с творческим методом средневековой поэзии. Во второй части осуществлен анализ семантической структуры отдельного слова, репрезентируемого во взаимосвязи с поэтическими приемами и фигурами, составляющими основу поэтической семантики средневековой персоязычной поэзии.

Выводы: Выполненная нами работа показала, что применение точных методов определения семантической структуры слова дает определенные обнадеживающие результаты по исследованию семантической структуры слова.

Применение этих методов способствует всестороннему охвату лингвистической и экстралингвистической связи слова в поэтическом тексте и точному разграничению каждого семантического признака в конкретном случае словоупотребления.

Данным исследованием доказана возможность установления полной парадигмы семантической структуры слова и иерархии семантических признаков в пределах творчества отдельного

автора.

Эта работа является первой попыткой выработки точных методов определения семантической структуры слова внутри отдельно взятого текста. Автор выражает надежду, что дальнейшее усовершенствование этого метода послужит развитию трудной науки о семантике поэтической речи и дает ожидаемые практические результаты в лексикографии.

Summary

Elaboration of the lexicography's theoretical questions in total particularly author's dictionaries, search of the exact methods of detection and separation of the semantic word structure is the burning problem of the modern Philology.

The purpose of the work is the attempt to clear up the system relations in the semantics of the lexical units in the works of the author taken and working out the exact methods of definition of the semantic word structure paradigm. It's done by means of the use of the statistic - quantitative datas involving the total context of the high - frequent lexical units.

The object of the research is the text of Hafiz ghazals. Frequency vocabulary and concordance having been made up by the outstanding Italian scientist Daniello Mengini Correal basing on the critical text of Parviz Natal Hanlary published in 1988 made the basical research material.

The first chapter contains the survey of both research and lexicographical work of Hafiz made in Iran as well as outside it.

The second chapter touches the system relations in the semantic of the multiused lexical units in the Hafiz ghazals.

With this purpose the high frequent words were taken from concordance. The quantity of the lexical units used more than twice appeared to be about 2761. Parts of Speech classification showed that the higher specific gravity among them makes Noun - 1760 units.

Thus it was stated that in the poetic text Noun occupies the central part.

Lexical array's classification of noun stated that they are subdivided into 18 lexic - semantical groups. Semantical field "MAN" makes the higher specific gravity - 260 units. In other words lexic - semantical field "MAN" occupies the central part among the rest 18 semantical fields.

Further classification of these lexic - semantical groups according to the thematical groups showed that each of them contains up to 9 thematical groups. Thematical groups in their turn are subdivided into smaller semantical subgroups.

In the third chapter the distribution analysis of the function - structural relation in syntagm of the separate high - frequent word "jor" from the noun class basing on the full context of ghazels was fulfilled.

As a result of this analysis the models of the functional correlation of the separate word with all parts of speech were stated as well as the semantic signs presented in different models of functional relation.

On the basis of the distributive analysis the paradigm of semantic signs presented in the structural correlation of the separate word with various parts of speech was revealed.

The fourth chapter observes sigmatics in the system of word semantics.

The analysis of the theoretical principles of the traditional medieval poetics, system of direct and indirect meanings and correlation of poetics with the creative method of medieval poetry was fulfilled in the first part.

The analysis of the semantical structure of the separate word and poetical figures presented in the mutual correlation with poetical methods and figures making the basis of poetical semantics of the medieval persian language - poetry was fulfilled in the second part of this chapter.

Conclusions

The work fulfilled showed that the use of the exact methods of the semantic word structure definition gives definite assurable results on the semantic word structure research.

The use of these methods promotes allside embrace of both linguistic and extralinguistic relations of the word in poetical text and also the exact distribution of every semantical sign in the concrete case of word usage.

The presented research proved the possibility to state the full paradigm of the semantic word structure and distribution of the semantical sign in the frames of the separate writer's work

This work presents the first attempt to work out the exact methods of semantic word structure definition inside the separately taken text. The author expresses his hope that the further modernization of this methods will cause the development of such a

difficult science about the semantics of poetical speech and gives the expected practical results of lexicography.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар

1. Азнаурова Э.С. Очерки по стилистике слова. Т., Фан, 1973 г. 402стр.
2. Акрам Б. Фасоҳат мулкининг соҳибқирони. Т., Ўзбекистон, 1991, 243 б.
3. Алишер Навоий. асарлар. Маҳбубул-қулуб. XIII том. Т., 1966.
4. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати. 1-IV т. Тошкент: Фан, 1983.
5. Античная поэтика. Сборник статей. М., Наука. 1991, 256 стр.
6. Арапов М.В. Квантитативная лингвистика. М. Наука, 1988.
7. Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка. М., Просвещение, 1990, 300 стр.
8. Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъу-с-санойиъ Т.,Ғафур Ғулом.: 1981, 398 б.
9. Ахманова О.С. Очерки по общей и русской лексикологии. М., Учпедгиз. 1957. 295 стр.
10. Аҳадов Ҳ "Фарҳанги Рашидий" ҳамчун асари лексикографӣ. Нашриёти "Дониш" Душанбе. 1981.
11. Баевский С.И. Ранняя персидская лексикография XI - XV вв. М., Наука. 1989. 165 стр.
12. БаранниковаЛ.И. Введение в языкознание. Изд-во Саратовск. у-та, 1973, 383 стр.
13. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. М., Наука. 1965.
14. Блумфилд Л. Язык. М., Прогресс, 1968. 594 стр.
15. Бобоназаров Н. Местоименные энклитики в "Шахнаме" Фирдоуси. Авт-рат дис: на соиск. уч. степени к.ф.н. М., 1975.
16. Ветров А.А. Методические проблемы современной лингвистики. М. ВШ., 1973. 95 стр.
17. Виноградов В.В. Русский язык. М., Учпедгиз, 1947. 783 стр.
18. ВиноградовВ.В. Поэтика русской литературы. М., Наука: 1976, 508 стр.
19. Виноградов В.В. Проблемы русской стилистики. М., ВШ., 1981, 319 стр.

20. Виноградов В.В. Язык и стиль русских писателей. От Карамзина до Гоголя. М., Наука: 1990, 388 стр.
21. Вохидов А. Аз таърихи лугатнависи тоҷику форс. Самарқанд-1980, 57 б.
22. Вопросы статистической стилистики. Сб. Киев, Наукова думка, 1974. 332 стр.
23. Ворожейкина З.Н. Исфahanская школа поэтов и литературная жизнь Ирана в предмонгольское время (XI-нач. XIII в.) М., Наука: 1984, 270 стр.
24. Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. М., Наука, 1981. 138 стр.
25. Гей Н.К. Художественность литературы. Поэтика. Стиль. М., Наука: 1975, 469 стр.
26. Гинзбург Е.Л. Конструкции полисемии в русском языке. Таксономия и метонимия. М., Наука, 1985, 223 стр.
27. Григорьев В.П. Словарь языка русской советской поэзии М., Наука, 1965, 223 стр.
28. Григорьев В.П. Поэтика слова. М., Наука, 1979, 342 стр.
29. Григорьева А.Д., Иванова Н.Н. Язык поэзии XIX - XX вв. М., Наука, 1985, 231 стр.
30. Дорошевский В. Элементы лексикологии и семиотики М., Прогресс, 1973, 284 стр.
31. Ефимов А.И. Стилистика художественной речи. М., Изд-во МГУ, 1975, 448 стр.
32. Ефимов А.И. Стилистика русского языка. М., Изд-во "Просвещение", 1969, 261 стр.
33. Из истории суфизма: Источники и социальная практика. Сб. Т., Фан: 1991, 146 б.
34. Имамназаров М.С. Функционально-семантический анализ наиболее частых слов поэмы "Ширин и Хосров" Амира Хосрова Дехлави: стр. 170-171. В кн. Востоковедение. Т., 1976.
35. Имомназаров М.С. Проблемы метода и поэтики эпического творчества Хосрова Дехлави. Авт-т на соиск. уч. ст. д-ра фил.наук. Т., 1989.
36. Имомназаров М.С. Ҳақиқат ва мажоз. Иккинчи мақола. ж-л "Шарқ юлдузи", 1990, № 4 147-152 - б.

37. Имомназаров М.С. Навоийшунослик ва жаҳон маданияти. ж. " Мулоқот " № 9, 1991 28-32- б.
38. Ислам. Энциклопедический словарь. М., Наука, 1991
39. Исламов Б. Язык и познание мира. ... Фан, 1969. 143 стр.
40. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. Т., Фан: 1983. 168 б.
41. Караулов Ю.Н. Общая и русская идеография. М.: Наука, 1976, 255 стр.
42. Кацнельсон С.Д. Содержание слова, значение и обозначение. М., Наука, 1965, 109 стр.
43. Киселева Л.С. Очерки по лексикологии языка дари. М. Наука, 1973
44. Кожевникова Н.А. Словоупотребление в русской поэзии начала XX в. М., Наука, 1986. 252 стр.
45. Комлев Н.Г. Компоненты содержательной структуры слова. Изд-во МГУ, 1969, 191 стр.
46. Касевич В.Б. Семантика, синтаксис, морфология. М., Наука, 1988, 305 стр.
47. Копыленко М.М. Сочетаемость лексем в русском языке. М., Просвещение, 1973.
48. Косовский Б.И. Общее языкознание. Минск, изд-во Высшая школа, 1974. 262 стр.
49. Куделин А.Б. Средневековая арабская поэтика. М., Наука: 1983. 259 стр.
50. Куранбеков А. Статистико - семантический анализ класса имен поэмы "Айнаи Искандари" Амира Хосрова Дехлави. Автореф-т на соис-е уч.степ.канд фил.наук. М., Наука, 1988.
51. Лайонз Дж. Введение в теоретическую лингвистику. М., Прогресс, 1978. 537 стр.
52. Лукянова Н.А. Экспрессивная лексика разговорного употребления. Новосибирск. Наука, 1986. 229 стр.
53. Малушкина В.Г., Хромова К.А. Поиски путей реформации в исламе: опыт Ирана. М,Наука:1991,206 стр.
54. Мамудян М. Лингвистика. М.Прогресс, 1985, 200 стр.
55. Медникова Э.М. Значение слова и методы его описания. М.,ВШ., 1974. 202 стр.
56. Мелетинский Е.М.. Введение в историческую поэтику эпоса и романа. М.,Наука. 1986, 319 стр.

57. Метафора в языке и тексте. Сб. статей. М., Наука, 1988, 175 стр.
58. Мирзоев А.М. Камал ад-Дин Бинан. М., Наука, 1976, 477 стр.
59. Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия Т., Фан, 1975.
60. Мухамедова Н.А. К вопросу об отграничении сложных слов от словосочетаний в персидском языке. В кн. Востоковедение. Т., 1973. стр. 21 -31
61. Некрасова Е.А., Бакина М.А. Языковые процессы в современной русской поэзии. М., Наука: 1982.
62. Новиков Л.А. Семантика русского языка. М., ВШ., 1982.
63. Новое в зарубежной лингвистике. М., Прогресс, 1983.
64. Нуров А. Фарҳанги осори Чомӣ. 2 ҷилд. Душанбе. 1983.
65. Общее языкознание. Внутренняя структура языка. М., Наука. 1972.
66. Общее языкознание. Методы лингвистических исследований. М., Наука, 1973.
67. Овчинникова И.К. Именные словосочетания в персидском языке и возможные принципы их классификации. В кн.: Иранская филология. Изд-во Моск. ун-та, 1971.
68. Опыт историко-типологического изучения иранских языков. т. 2, М., Наука. 1975.
69. Оранский И.М. Иранские языки в историческом освещении. М., Наука, 1979.
70. Османов М.- Н.О. Частотный словарь Унсурси М., Наука, 1970
71. Османов М.Н.-О. К характеристике некоторых семантических полей в языке персидской поэзии х.в. В кн.: Индийская филология. (стр.151-161) М., Наука: 1071.
72. Османов М.-Н.О. Синтаксическая структура бейта (На примере "Дивана" Хафиза) . В кн. Проблемы восточного стихосложения. М., Наука, 1973. с. 60-68
73. Османов М.-Н.О. Стиль персидско-таджикской поэзии. М., Наука, 1974.
74. Пиотровский М.Б. Коранические сказания. М., Наука: 1991, 219 стр.
75. Пейсигов Л.С. Лексикология персидского языка. М., 1959 г.

76. Поляков М. Вопросы поэтики и художественной семантики. М., СП, 1986. 479 стр.
77. Поляков И.В. Лингвистика и структурная семантика. Новосибирск, Наука, 1987.
78. Поэт и слово. М., Изд-во Наука, 1973, 455 стр.
79. Поэтическая фразеология Пушкина. М., Наука, 1969.
80. Предметно-понятийный словарь греческого языка. Сост.: Казанскене В.П., Казанский Н.А. Л., Наука, 1986.
81. Пригарина Н.И. Хафиз и влияние суфизма на формирование языка персидской поэзии. В кн.: Суфизм в контексте мусульманской культуры. М.: Наука, 1989, 340 стр.
82. Проблемы структурной лингвистики. М., Наука, 1986, 217 стр.
83. Проект словаря языка Пушкина. М.-Л., Изд. АН СССР, 1949.
84. Расторгуева В.С., Керимова А.А. Система таджикского глагола. М., Наука, 1964.
85. Реферовская Е.А. Лингвистические исследования структуры текста. Л., Наука: 1983, 211 стр.
86. Реформатский А.А. Введение в языкознание. М., Учпедгиз, 1955, 397 стр.
87. Рейснер М.Л. Эволюция классической газели на фарси (X-XIV века). М., Наука: 1989, 222 с.
88. Розенталь Д.Э. Практическая стилистика русского языка. М., ВШ., 1974, 351 стр.
89. Рубинчик Ю.А. Современный персидский язык. М., Изд-во вост. лит-ры, 1960.
90. Рубинчик Ю.А. Основы фразеологии персидского языка. М., Наука, 1981. 271 стр.
91. Семиотика. М., Радуга: 1983, 635 стр.
92. Семиотика и художественное творчество. М. Наука, 1977 г.
93. "Словарь языка Пушкина" в 4-х т. М., гос. изд. ин. и нац. словарей, 1956-57 гг.
94. "Словарь автобиографической трилогии М. Горького" Л., Изд-во Ленинградского ун-та, в 6-и т. 1974-82 гг.
95. Словарные категории. Сб. статей. М., Наука, 1988, 223 стр.

96. Слово в русской советской поэзии. Сб. статей. М.,Наука,1975.
97. Современность и словари. Сб. статей. Л.,Наука,1978, 179 стр.
98. Современная русская лексикография. Сб. статей. Л.,Наука,1979, 157 стр.
99. Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. М.,Наука: 1971, 291 стр.
100. Статистика речи и авт. анал. текста. Сб. статей. Л.,Наука,1972. 338 стр.
101. Степанов Ю.С. Методы и принципы современной лингвистики. М.,Наука,1975, 311 стр.
102. Степанов Ю.С. В трехмерном пространстве языка. М.,Наука:1985. 329 стр.
103. Степанянц М.Т. Философские аспекты суфизма. М.,Наука,1987. 191 стр.
104. Степанянц М.Т. Мусульманские концепции в философии и политике XIX- XX вв.
105. Султанов Р.С. Принципы составления словаря произведений Низами Гянджави. 150-156 стр. В кн.: Актуальные проблемы Иранской филологии. Изд-во "Дониш". Душанбе, 1985.
106. Теля В.Н. Коннотативный аспект семантики номинативных единиц. М.,Наука, 1981, 141 с.
107. Теоретические проблемы семантики и ее отражение в одноязычных словарях. Сб. статей. Кишинев,Штиинца,1982, 247 стр.
108. Теория и практика совр. лексикографии. Сб. статей. Л.,Наука: 1984, 182 стр.
109. Теория метафоры. Сб. статей. М.,Прогресс, 1990. 511 стр.
110. Тимофеев Л. Слово в стихе. М., СП: 1982.
111. Тихонов А.Н. и др. Современный русский язык. Лексикология. Т., Ўқитувчи, 1991, 263 стр.
112. Томашевский Б.В. Стилистика. Л.: Изд-во Ленинградского ун-та, 1983.
113. Уфимцева А.А. Теории семантического поля и возможности их применения при изучении словарного состава языка. В кн.:

- Вопросы теории языка в современной зарубежной лингвистике. М.,Изд-во АН СССР, 1961.
114. Уфимцева А.А. Лексическое значение. М.,Наука, 1986, 239 стр.
115. Фарҳанги забони тоҷикӣ. 1,2 ҷ. М.: Советская энциклопедия, 1969.
116. Философское наследие народов Востока и современность. Сб. статей. М.,Наука:1983, 246 стр.
117. Философское наследие народов Средней Азии и борьба идей. Сб. статей. Т.,Фан, 1988, 188 стр.
118. Чаньшев А.Н. Курс лекций по древней и средневековой философии. М., ВШ: 1991, 512 стр.
119. Шаумян С.К. Философские вопросы теоретической лингвистики. М.,Наука:1971. 160 стр.
120. Шмелев Д.Н. Проблемы семантического анализа лексики. М.:Наука,1973.
121. Языковые процессы современной русской художественной литературы. Поэзия. Сб. статей.М.,Наука, 1977г.
122. Якобсон Р. Работы по поэтике. М.: Прогресс, 1987.
123. Кудратуллаев Ҳ. Навоийнинг адабий-эстетик қарашлари. Т., 77 нашр., 1991, 154 б.
124. Daniela Meneghini Coreal The ghazals of Hafiz concordance and vocabulary. Roma, 1988
125. Roget P. M. Thesaurus of English Words and Phraz London, 1921

- 1371 ابو سعید مبهنی اسرار التوحید فی مقاماتالشیخ ابی سعید دو جلد چاپ سوم
- 1368 العبادى صوفى نامه التصفيه فى احوال التصوفه چاپ دوم
- بهالدين خرمشاهی حافظنامه شرح الفاظ اعلام مفاهیم کلیدی
- 1371 و ایبات دشوار حافظ دو جلد چاپ چهارم
- 1370 حسن انزلی دستور زبان فارسی چاپ سوم
- 2537 حسن عید فرهنگ فارسی عید چاپ دوازدهم
- 1370 دکتر احد علی رجلی بخارلی فرهنگ اشعار حافظ چاپ ششم
- 1354 دکتر پرویز نائل خانلری وزن شعر فارسی چاپ سوم تهران

- 1349 دکتر پرویز نائل خانلری تاریخ زبان فارسی تهران
- 1370 دکتر حسین محمدرزاده صدیق شرح غزلهای صائب تبریزی تهران
- 1371 دکتر عبدالحسین زرین کوب بله بله تا مباحث خدا چاپ سوم
- 1369 دکتر عبدالحسین زرین کوب دنباله جستجو در تصوف ایران تهران
- 1371 دکتر محمد معین فرهنگ فارسی چاپ هشتم تهران
- دیوان حافظ با اهتمام محمد قزوینی و دکتر قاسم غنی تهران بدون سال
- 1366 ریکاردو زیبولی ایینه در شعر فرخی سعدی و حافظ تهران
- 1358 عبدالباقی کلپینارلی تصوف در یکصد پرسش و پاسخ تهران
- 1370 عبدالعظیم فریب و دیگران دستور زبان فارسی چاپ نهم
- 1353 محمدخلیل رجایی معالم البلاغه در علم معانی و بیان و بدیع چاپ دوم
- 1350 مقالاتی در باره زندگی و شعر حافظ (32 مقاله) چاپ دوم
- 1369 نجیب مایل هروی در شبستان عرفان تهران
- 1371 یوسفی غلام حسین چشمه روشن چاپ چهارم

Ҳофиз ғазалларидан

Аё соқий, суниб жоминг қил эҳсон яшнасин диллар,
Қўрунди аввал ишқ осону сўнгра тушди мушкиллар
Сабо ечмоқчи бўлган сочининг хуш бўйича онт ким,
Муанбар ҳалқа-ҳалқа сочидан қон бўлди бу диллар.
Ботир сажжодани майга агар пири муғон айтса,
Йўловчига эрур маълум йўл аҳволи ва манзиллар.
Менга ёр удида ишрат қуриш имкони йўқ ҳар дам,
Қилуркан қўнғирок фарёдки, боғланг юкни ғофиллар.
Қоронгидир кеча, қўрқинчли мавж, даҳшатлидир гирдоб,
На билгай ҳолимизни четда турган юки онгиллар.
Ёмон от бирла фош ўлди ишим охир ўжарликдан,
Нечик ёшрин қолур сир сўзласа мажлисда, оқиллар.
Агар васл истасанг ундан йирокқа кетма, эй Ҳофиз,
Тилакни изла, қўй дунёни, бер орзуга табдиллар.

Агар кўнглимни шод этса, ўшал Шероз жонони,
Қаро холига бахш эткум Самарқанду Бухорони.
Сун, эй соқий, майинг охиргача, жаннатда топмайсан
Бу Рукнобод кирғоғидаги сўлим Мусаллони.
Шу алдоқчи, кизикчи, фитначи шўхлар дастидан дод,
Кўнгулдан элтдилар сабрим қилиб туркларча яғмони.
Менинг нуқсонли ишқимга унинг ҳусни эмас муҳтож,
Ўзал юз ҳеч талаб қилмас бўёқ ҳам зебу орони.
Мен ул Юсуфдаги чексиз ўзалликдан аниқ билдим,
Чикормиш ишқ номус пардасидан ул Зулайҳони.
Ёмон дединг қувондим ман, худо ҳаққи, сўзинг тўғри,
Ўзалроқ айлади аччиқ сўзинг лаъли шакарлони.
Насихат тинглагил, жоно, тутурлар жону дилдан дўст-
Ақли бахтли ёшлар ҳурмат айлаб кекса донони.
Гапир чолғувчидан, майдан, жаҳон сиррини кам изла,
Ечолмас ҳеч киши ҳикматла бу оғир муаммони.
Ғазал айтдингу дур сочдинг, ёқимли куйла, эй Ҳофиз,
Фалак назмингга гавҳардек нисор этсин сурайёни.

Ваъзхонлар минбар уза товланса ҳар бор ўзгача
Айлағай хилватда турли фитна беор ўзгача.
Ушбу мажлис билимдонига бор мушкул савол:
- Тавба талабга нечун тавбадир ор ўзгача.
Ўткиз ўз эшшакларила янги бойларни бу дам,
Кул, хачирла фахр этиб, иоз айлар изҳор ўзгача.
Хусни бепоеғни қанча ошиқин қилса ҳалок,
Янги ошиқлар келиб, бўлғай гирифтор ўзгача.
Дод шу гавҳар билмаган саррофларнинг дастидан,
Ким эшак мунчоқни дур деб, қилди бозор ўзгача.
Аршдан тонг чоғи келди фарёд, ақл унга дер,
Ёд олур кўкда малак Ҳофиздан ашғор ўзгача.

Ажаб Шерозким йўқдир мисоли,
Худоё, бўлмасин ҳаргиз заволи.
Бу Рукнобод суви таҳсинга лойик,
Берур Хизр умрини салқин зулоли.
Мусалло - Жаъфаробод орасида,
Эсар мушк ила анбардек шамоли.
Келиб Шерозга ол файзу шарафлар,
Жуда кўпдар азиз соҳиб камоли.
Кишида Миср қандин ёд этарга,
Ширинлар олдида қолмас мажоли.
Сабо ул шўх, гўзал, мастлар ҳақида
Не билгайсан, нечук онларни ҳоли.
Мени бу уйқудан уйғотмангиз ҳеч,
Дилимни шод этар ширин хаёли.
Агар ул шўх бола қонимни тўкса,
Онасининг сутидек қил ҳалоли.
Агар ҳажридан этсанг хавф, Ҳофиз,
Нечун шукр этмадинг, вақти висоли.

Кел энди гул сочиб ҳар ён, қадах қўлда ўтургаймиз,
Бузиб чарх эски томин, янги бир тарҳ ила кургаймиз.
Агарда тортса ғам лашкар тўкишга ишқ эли қонин,
Мену соқий бўлиб бирга, бу ташвишни битиргаймиз.
Эрур қўлда гўзал чолғу ёқимли куйла, созанда,
Ўқиб шеър оёқ рақсин авжига кетургаймиз.
Бирин акдан урғай лоф, бирисидур сафсатабоф,
Кел эй бу адолатни одили яктодан сўргаймиз.
Агар жаннат тиларсан, биз билан майхонага юргил,
Сени хумнинг тагидан ҳавзи кавсарга етургаймиз.
Қадахни тўлдириб лим-лим қизил гулдай тиниқ майдан
Социб атр, уд тутатгаймиз, улуғ бир базм кургаймиз.
Кел, эй жонон, юзинг нури билан мажлисни порлатгил,
Қошингда шеър ўқуб бу дам, оёғинга бош ургаймиз.
Билимдонлигу хушхонлик эмас Шерозда ҳеч манзур,
Кел, эй Ҳофизки биз юзни бўлак юртга ўгургаймиз.

Аҳмадбек Куронбеков

Ҳофиз газалиётида
маънолар силсиласи

Тошкент, "ФАН"

Муҳаррир Оқилхон Одилхон

Техник муҳаррир С.Смирнов

ИБ№6576

Босишга рухсат этилди 5.12.94. Шартли босма т. 12,09
Адади 1000 нусха...= буюртма. 29

Келишилган нарх.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси "Фан"
нашриёти.

Тошкент, Гоголь кўчаси, 70 уй.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитаси Тошкент
китоб-журнал фабрикасида босилди. 700194, Тошкент, Юнусовоб
даҳаси, Муродов кўчаси, 1

